

МИРАЧ ЧАҒРИ ОҚТОШ

*“Сени севаман” деген
менга турмушга чик*

*аччик қаҳва – ҳақиқий севгининг
суюқ ҳолатидир...*



Биз турмуш курсак бас, собик ошукларингга
туй таклифно масини мен йуллайман.
Сен "Ага", десанг бас,
мен дустварни даврадан олдурайман.

КИРИШ

Ҳаёт бир йўлдир

Ушбу сафарга чиқишни исташимиз ёки истамаслигимизни биздан ҳеч ким сўрамади. Бундан ташқари, ушбу йўлни сўнгги бекатига қадар лойиқ инсон билан босиб ўтишимиз даркор. Сафарга зарар етказиши мумкин бўлган бирор иш қилсанг, ўзингга ҳам, сафардаги бошқа инсонларга ҳам ҳиёнат қилган бўласан.

Шундай экан, на ўзингга, на бошқа инсонларга зарар берма. Зарар етказишни ҳатто ақлингга ҳам келтирма. Бир кун келиб, қуёш ҳаётнинг бир тарафидан юзингга нур сочади. Бир кун келиб эса, бошқа томонидан ёмғир томчилари бир-бирига ғарқ бўлаётганини кузатасан.

Сен ҳаётнинг қуёшли томонида сайр қилар экансан, ёмғирли томонида содир бўлаётган баъзи нарсалардан бебаҳра қолишинг мумкин. Ҳаёт балки шундан иборатдир, эҳтимол, бутунлай бошқачадир. Бунга била олмаймиз; аммо эҳтимолларни истисно қилмаслик лозим. Ёмғир ва туйғулардан қочмаслик керак. Сафар давомида қаршингдан тўсиқлар чиқади ва балки ушбу тўсиқлардан тезлик билан ўтганинда силкиниб кетарсан; аммо муҳими бу эмас.

Якуни қандай бўлишини билган сафарингда тўсиклар сени кўркувга солмасин. Силкинишлар сени йикита олмайди. Бу қалбинг кўплаб силкинишларни енгиб ўтган.

Ҳар бир инсонни фарқли ва ўзгача тарзда шакллантирган сафари белгилаб беради. Ушбу сафарда қаерга бориши эмас, ким билан бориши муҳим. Юраги ким билан тез урса, ҳисларини унга йўналтириши даркор.

Ҳаётнинг ёмғирли томонига дуч келсанг ҳам, аслида қуёшли томонида ҳеч нарса фарқли эмас. Ҳар бир ёмғирли оқшомнинг қуёшли тонгги бўлгани каби, ҳар бир қуёшли куннинг ҳам ёмғирли оқшоми бор. Шу боис, муҳим бўлган ягона нарса – йўлдаги ҳамроҳингдир...

Уни танлаётганинга эътиборли бўл. Ҳаётнинг икки тарафига ҳам сен-ла назар сола оладиган жасорати ва туйғулари бўлсин...

Йўлга чиққач, ҳар сафар оёққа тош текканида, жони аввало ўзи учун эмас, ёнидаги йўлдоши учун оғриши керак. Шундай оғрисинки, йўлларнинг бошқа тарафлари ҳам очилсин.

Ҳатто тошлар ва тўсиқлардан иборат бўлса ҳам.

Энди эса табассум қил. Қаҳва дамлаб, ўриндиққа суяниб ол. Дераза ортидаги ёмғирнинг томчилари бир-бирига фарқ бўлаётган ондан эътиборан қандай шаклларга кираётганини мен билан кузат.

Сизга йўлдош бўлиш учун келдим...

Бошингиздан ўтказган ҳар бир дардингизга ҳисларим ҳамроҳ...

Сафарингиз хайрли бўлсин, афандим...

Саломлар бўлсин

Ҳаётида яшаб ўтган ёки яшаётган бахтга заррача ҳам лойиқ бўлмаган инсонлар бунинг сафосини тортар экан, сен лойиқ бўлмаган дардларнинг бош ролида ўйнаш ва бунинг жафосини чекишдан чарчадинг, шундай эмасми? Ҳа, жуда чарчадинг, биламан... Ёлғиз эмассан...

Қанчалик жўн эшитилмасин, "Ёлғиз эмассан" каби сўзлар баъзи дардларни ўз ичига сиғдира олмайди. Биз бахтимизни бошқаларга бағишлаб, ноҳақ дардларимизнинг бош ролларида ўйнаган инсонлармиз. Ҳеч бир дарднинг тўфони соҳилимизни ларзага келтира олмайди. Ноҳақ бўлса-да, тақдиримизга ёзилган дардни бошдан ўтказамиз.

Сўнгра чорасизлик оҳанги ила тилимизда янграйди:

"Хайрлиси..."

Сенингча, "Ёлғиз эмассан" каби сўзлар ила давом этаётган жумлалар соддалашиб кетмадими? Ёнингда бўлган ёки бўлишга ҳаракат қилган кимсаларни бир четга суриб қўй... Ёлғизсан... Ҳатто "Севаман", – деганингда, севган инсонингни ҳис қилганингда ҳам ёлғизсан. Бошингни ёстиққа қўйганингда, нималар билан курашганингни фақат сен би-

ласан. Буни ўқиганингдан сўнг балки мендан ғазабланарсан, аммо дўст ачитиб гапиради.

"Ёлғизман", – деган пайтида инсон кўпроқ қалбидаги кимса ёнида бўлишини истайди; аммо баъзан, ҳатто аксарият ҳолларда, ҳаёт юқларига тўлмиш бу кема инсоннинг истаклари оқими бўйича сузмайди. "Хайрлиси", – дея-дея умр ўтди. Балки бу биз учун бахтнинг энг хайрлисидир. Бахтиқаролигимиз, ёки чин дилдан севган инсонлар сифатида энг катта омадсизлигимиз бўлса ҳам. Самимий табасум қаршисида қалб сўзга қулоқ тутмас, митти қуш каби титрарди. Биз чарчаган, туйғулар эса ўз ниҳоясига етиб бўлганди...

Балки ишқ икки қисмга бўлинар: бири ҳақиқатдан ҳам хайрлиси, бошқаси эса энг хайрлиси.

Ҳар бир инсонга хайрихоҳлик билан назар солган, парҳез учун тайёрлаган салатига меҳр қўшган аёл, сенга ҳам саломлар бўлсин...

Тўрт мавсум ва мукаммал ишқ

Инсонлар севиш ва севгани қадар севилишни истайди. Ортиғини кўзламайди.

Ишониш, ишонч билдириш ва ишонган инсони бу ишонч-ни оқлашини истайди. Севган инсонининг бошқалардан ҳеч қандай фарқи йўқлигини кўриш эса энг кўрққан нарсаси бўлади. Шундай эмасми ахир?

Барча инсонлар орасидан уни танлаб, унга ҳаётингиздаги энг гўзал ердан жой бергач, аслида ҳеч кимдан фарқли эмаслигини англаган онингизда ҳис этган аламингизнинг таърифига изоҳ йўқдир. Турган ерингизда қолиб кетаверасиз. Менинг ҳам ҳаётимда энг катта кўрқувларимдан бири, "Мен учун ўзгачасан", – деган инсонимнинг наздида бошқалардан ҳеч қандай фарқим йўқлигини кўришдир.

Баъзан: "Кўр бўлсам-у, буни кўрмасам эди", – деган пайтларим ҳам бўлади ҳатто; бироқ сўнгра шундай дейман: "Қайси инсон буни айтишимга арзийди?"

Ишонган инсонимдан зарба олиш, парча-парча бўлиб синишдан чарчадим. Ўзгача назар билан боққан инсонларимнинг наздида бошқалардан ҳеч қандай фарқим йўқлиги ҳаётдаги қувончимни тортиб олди. Синдим, парчалан-

дим, аммо кимса кўлимдан тутмади... Даволаган бўлсам-да, ҳар бир жароҳат менда чуқур излар қолдирди. "Аллоҳнинг билгани бандага ҳам айтилди" деганими буларнинг барчаси?

Агар шундай бўлса, мушкул эканига қарамай, ҳар нарса-ни ичимизга кўмиб юборар эдик...

Бир инсон томонидан бир неча мартаба зарбага уч-раш каби ҳақиқат ҳам йўқ эмас. Буни ҳам унутмаслик керак. Ишончинг оқланмаганига қарамай, унга ишонишдан бошқа чоранг йўқлигини қабул қилар экансан, такроран ишон-ганинда армонларингни қувишга уринаётганингни пай-қайсан. Қувар экансан, барчаси жонингга санчилиб, кўпроқ азоб беради...

Қалбим кимларнидир одам қилди, кимларнидир севди, севганичалик бир марта ҳам севилмади. Эътибор беринг, севганичалик дедим. Инсон севганичалик севилса, бу унга ортиғи билан етади. Ортиғини кўзламаган эдик; аммо сев-ганимиз қадар севилмаганимиз ҳам айрилиққа етаклади. Қачонки бирининг кўлидан маҳкам тутишни истасак, ҳеч қачон ёнимизда бўлмади зотан.

Биз жароҳатимизни доим ўзимиз даволадик. Жароҳати бор инсонни, фақатгина унинг ёнида эканини ҳис эттириб, севган инсон малҳам бўла олади; аммо бизда вазият аксин-ча эди.

Ўйлаб кўринг ахир, ҳаттоки берган азобларининг ҳам ўзига хослиги бор эди, аммо биз уларнинг наздида ғоят содда эдик. Аммо хато бизда, чунки дўст дедик. Дўстликдан

олдин инсон деб билдик. Аввало, инсон сифатида севдик. Сўнгра ичимиздаги ҳаёт қувончи ва армонлар ила биринкетин тамом бўлдик...

Онам инсонларни тўрт фаслдек билишим кераклигини доим айтар эди.

Бир қарашда, инсонлар бир-бирини танимаган ҳолда ўз ҳаётига киритади. Бири бошқаси хуш кўрган нарсаларнинг ҳеч бирини билмас экан, уни севиши ҳақидаги сўзлар тилидан ҳеч тушмайди... Бундай инсонлар сабабли ишқ оёқ остида қолиб кетаверади. Оқибатда, севгига лойиқ бўлган инсонлар ишққа ишонмайди. Бир инсонни кунлар, ойлар ва ҳатто йиллар давомида таниб олишингиз мумкин, ёки танидим деб ўйлайсиз.

"Мен уни менга берадиган жавоби, энг севган таомми, энг севган ранги, томоша қилган фильмлари, тинглаган мусиқаларигача жуда яхши танийман", – дейиш бошқа вазият. Буларнинг барчасига хотиржамлик билан жавоб бера оладиган инсонлар ўз ишончини йўқотганлари сабабли, севиш нима эканини билмайдиган, аммо "Сени севаман" дейишдан тинмайдиган инсонлар туфайли ишқ у ердан бу ерга сарсон бўлади...

Бир инсон вақти келганда сизга берган ишончини бир оғиз сўзда ер билан бир қилиши мумкин. Ишонч меҳнат талаб қилади; аммо бу ҳаётда ҳамма ҳам меҳнаткаш эмас. Бир неча ойлардан бери танийман, деб ўйлаган инсонингиз кун келиб "Мен шу одамга ишониб севдимми?" – дейиш-

га мажбур қилади. Аллоҳ бизни бундай инсон бўлишдан асрасин...

Дарҳақиқат, инсоннинг буқаламундан фарқи йўқ. Қайси мавсум ва муҳитдалигига қараб ранг ва қадамини мослаштиради. Баҳор, ёз, куз, қиш.

Ушбу тўрт фасл, ишонишни истаган инсонингиз билан яшаш, уни таниб олишингиз учун ажойиб фурсат берадиган вақт оралиғидир. Севишни истаган инсонингизни ушбу вақт оралиғини эътиборда тутган ҳолда бир дарахтга қиёслашингиз мумкин. Жинснинг фарқи йўқ. Аёлдан кўпроқ севган эркакни ҳам кўрдик, эркакдан шафқатсиз аёлни ҳам. Афсуски, ҳамма ҳам юрак соҳиби бўлишнинг уддасидан чиқа олмайди. Аёлми, эркакми, ҳеч қандай фарқи йўқ...

Дарахт деб тасаввур қилган инсонингиз баҳорда ёзни муждалаш учун куртак очганини кўрасиз. Сўнгра баргларга бурканади, ҳатто мева ҳам беради ва сиз фақатгина мевасидан баҳра олибгина қолмай, ёзда елкангизни суяб, соясида ҳордиқ чиқаришингиз мумкин...

Кузда эса ҳазонга чўмгани ва ҳар кун ҳиссиёт ила бурканган япроқларини тўкаётганини кўрасиз. Туйғулари қанчалик чуқур эканини ҳис қилиш учун муносиб фурсат...

Қишда эса фақатгина ёғоч ҳолатда бўлганини кўриш мумкин; аммо бир қанча тўфон билан курашганига қарамай, тик оёқда қолганига шоҳид бўласиз. Барг очмаган дарахтга ҳеч ким сув бермайди. Айтмоқчи бўлганим шуки, бир инсонни яхши билиб олишни истасангиз, у билан тўрт мавсумни яшаб, уни ҳис қилинг.

Агар тўрт фаслни яшаб ҳам аниқ натижани қўлга кирита олмаган бўлсангиз, томири чириган дарахтдан асло ҳосил кутманг...

Мукаммал шеърлар барча туйғулари ва қалблари чириган инсонлар учун битилди; ваҳолангки улар ушбу шеърларнинг мисраларидан жой олишга ҳақли эмас.

Камида тўрт фаслни мукаммал ишқ билан ўтказайлик...

Ишқни ушбу тўрт фасл – баҳор, ёз, куз ва қишда турли ҳислар ва кечинмалар билан ўтказишингизга тилакдошман...

Кичик изоҳ: Ҳеч нарса мукаммал бўлмаса ҳам борича севинг... Чунки йўқотишдан қўрқиб, севган қалбнинг севгисини сўроқлаш Аллоҳнинг ҳеч бир бандасига ярашмайди...

**Мени қолдириб кетсанг ҳам ярим,
Сенга етиб бормагай оҳим.**

(Ўқиган китобларимда учратган дардларим
менга етарли)

Ўқиган китобларимнинг бирида сенинг исмингга дуч келдим. Белгилаб қўйдим. Китобни ўқиб бўлганимдан сўнг бир бурчакка сурдим. Китобларимни бошқаларга берадиган одатим йўқ. Доим ўзимда сақлайман; чунки уларнинг ичидаги белгиланган жумлалар дардларимнинг энг яқин ҳамроҳидир. Ушбу жумлаларни ўқиган ҳар қандай инсон, мени ўз дардларим билан қайтадан жароҳатлаши мумкин.

Исмингни нега белгилаб қўйганимни сўрасанг, қуйидагича изоҳлашим мумкин: бу ҳаётда сенинг борлигингни ҳис этишни истаган пайтларимнинг ҳеч бирида ёнимда йўқ эдинг. Буларнинг барчасидан ўтдим, зотан ёнимда эмасдинг. Ёнимда бўлганигда эди, нима қилиб бўлса ҳам сени ҳис этардим.

Қолиб кетган уч-беш сурат ила сенга бўлган севгим бадалини кучли машаққат билан тўладим. Энг гўзал ҳисларимни ишқ қўлларига садақа қилдим. Хавотир олма, сендан кейин

кимсани бу қадар севмайман. Сен ҳам, қайси ишқ томон қадам ташлашингдан қатъи назар, ичимдаги дард ила сени севган кунларимни эсла. Эслагинки, афсус чек. Афсусланки, ҳаётга чин дилдан севган инсоннинг кўзлари билан қарашни ўрган. Худбинларча муомала қилган кунларинг ва фақатгина ўз нуқтаи назарингдан қарашни бир четга суриб қўй; чунки бу сенга ишқда керак бўлмайди...

Ўзимни ҳиссизлик бўшлиғидаги энг чуқур ерда ўтмишдаги суратлар ила топдим. Қочиш учун ташлаган ҳар бир қадамимда...

Сен томон ташлаган ҳар бир қадамларимнинг барчасини йўққа чиқариб, ишқ мактабида қолдим. Сени севишни бир умр такрорлай дея...
“Етиша олдингми?” дея сўрасанг қалбимдан, такрор қуршаб олар сени энг гўзал ҳисларим...
Ҳатто етиша олмаслигини билса ҳам севади...

Мени бугун гўё сўнгги бор севаётгандек сев

Ҳаёт инсоннинг бошига нелар олиб келишини била олмаймиз. Бироқ биламиз ёки билиб оламиз деб ўйлаймиз. Ҳаётни одатда мана шу нуқтаи назарда яшаб ўтамиз.

Беш дақиқадан сўнг нима бўлишининг кафолати йўқ эканига қарамай, бир неча кунлик режалар тузилади. Ҳаёт инсонга берилган энг буюк неъматдир; аммо биз унинг қадрига етмаймиз, бугунги кунимизни яшаш ўрнига, эртанги кунимизга ортиқча аҳамият берамиз.

Режаларингиз бўлмасин демайман. Уларни бир четда сақлаб, бугунги кунни яшашга эътибор қаратинг; чунки ҳар бир нарса учун кеч бўлса, "эртанги кун" ҳеч бир нарсанинг ўрнини боса олмайди. На кечаги кунни бугунга қайтара оласан, на эртанги кунни. Бугунги кунингизни энг гўзал ҳисларингиз билан яшанг...

Мен бу ҳаётда ҳар доим ва ҳар бир нарсада бир хайр борлигига ўзимни ишонтирдим. Аллоҳдан ниманики дуо қилиб сўраган бўлсам, амалга ошадими, йўқми, муҳим эмас. Амалга ошса шукр қиламан, амалга ошмаса Роббимнинг бир ҳикмати бордир, дейман...

Ҳаётимизда тузилган режалар бугун хис этилган туйғулардан муҳимроқ ҳолга келса ҳам, Аллоҳ барчамизга бугунимизни тўлиқ яшашни насиб айлаб, келажакнинг энг гўзал кунларига етказсин...

Бугунги кунингни эртанги кунингда яшаётгандек яша.

Кеч қолма.

Ҳам ишққа...

Ҳам ҳаётга...

Шукр айлашни билган қалблар...

Доимо ишқ ила...

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Севгини шукр айлашни билган қалбга бағишла

Инсон синовлардан омон чиқса, бошидан ўтказган кечинмаларга таяниб қадам босади. Қаршисига ким чиқидан қатъи назар, босган қадамларига шубҳа билан назар солади. Севишдан қўрқмайди. Қўрқадиган ягона нарсаси – айна дардларнинг бош ролига такроран тушишдир. Ўтмишдаги кечинмалардан дарс олгач, қаршисига ким чиқидининг ахамияти йўқ. Бу сабоқни қаршисидаги инсонга нисбатан қўллайди. Синовлардан қанчалик муваффақиятли ўтишдан қатъи назар, айна дардларни такроран яшашдан қўрқиши табиий ҳолатдир. Қандай жумлалар билан тушунтиришга интилсанг интил, тушунтира олмайсан. Ёзишга уринсанг, сўз бойлигинг ожизлик қилади. Ҳис эттира олмайсан. "Таърифлашнинг имкони йўқ" ифодаси бошимиздан кечирган ёки ҳамон бошдан кечираётган дардларимиз учун айтилгандек гўё.

Аммо бу каби ҳолат сизнинг бошингизга асло келмасин. Меҳр соҳиби бўлган қалбларга Роббим ҳеч қачон бошдан ўтказган дардларини қайта юбормасин, нима бўлган

тақдирда ҳам бахтни насиб айласин; чунки севиш ва се-
вилишга умрининг охирига қадар лойиқ бўлган қалблар
меҳрни сақлаб қолган қалблардир... Гарчи севилишга ҳар
қанча лойиқ бўлган инсонларнинг ҳаққи паймол этилса-
да, бу дунёда ҳалол бўлмаган севги ҳеч кимсанинг ёнида
қолмайди...

Банданинг ҳаққини еган инсонлар Аллоҳ наздида
мағфиратга лойиқ эмаслигига қарамай паймол этилган
ҳаққимизга розимиз. Меҳр-шафоат бизнинг қалбимизда
қолсин; чунки қалбга ярашадиган энг гўзал нарсадир бу...

Қалбингиз доимо меҳр-шавқатли бўлишини тилайман.

**Синган қалбларингиз ҳамон азоб бераётган бўлса-да,
дард чекманг. Нима бўлган тақдирда ҳам кафтларингизни
дуога очинг, Роббингиз сиз билан эканини кўринг...**

Кўрқувларимни туйғуларимга қўшган заҳотим вазиятдан
чиқа олмай қоламан. Оғриқли яраларим устунлик қилади.
Ишқдан қанчалик кўрқмайин, уни такрор бағримга боса-
ман; чунки ишққа ошиқ инсонман мен. "Қир чечагим", – дея
атаган севгилимнинг бағрига шояд отилмасам, қовур-
ғаларим азоб беради. Мен туйғулари билан шу тарзда аҳил
яшайдиган инсонман. Баъзан туйғуларим менга янглиш тан-
лов қилдирса-да, мен улардан воз кечмайман, узоқлаш-
майман; чунки мен туйғуларимни шу тарзда тарбияладим.
Узоқлаштирилган туйғулар бахтга кеч қоладилар. Севишдан
бир неча километр масофада бўлган инсонлар томонидан

четга сури
лайди...

Мен б

Қаршимг

Ҳаётнинг

насиба о

қилмайма

ни кўкси

ган инсо

бўлганла

Гўзал

да бўла

бўлади. М

ман. Мен

севмайм

қалблар

Ним

шимдан

айланга

тоғлар в

Айт

ўрнини

қилиш

Ушб

тиш ҳан

"Нега?"

агар м

четга суриладилар ва бахт ўрнига сахнани дардлар эгаллайди...

Мен бошимдан ўтказган дардлардан ўзим сабоқ оламан. Қаршимга ким эмас, ким нима ниятда чиққанига қарайман. Ҳаётнинг менга тақдим этган ҳар бир нарсасидан ўзимга насиба оламан ва олган сабоқларимга ҳеч кимсани тобе қилмайман. Ўтмишим туфайли келажагимдаги инсонларни кўксидан итармайман. Мени кун зиёсига чиқара оладиган инсонлар кечмишимнинг соясида армонларга сабабчи бўлганлар эмас, келажагимдаги инсонлардир.

Ўзгал қалбга эга бўлган инсонларга ёмон муносабатда бўла олмайман. Бу уларга нисбатан ҳақсизлик, хиёнат бўлади. Мен бир карра бўлса ҳам хиёнат қилган инсон эмасман. Менинг барча хиёнатларим ўзимга нисбатан эди. "Ортиқ севамайман", – деган кунларим ортидан, лойиқ бўлмаган қалбларни севаётганимни пайқадим...

Нима қилсам ҳам, доим ўзимга нисбатан қиламан. Бошимдан ўтказган севги туфайли кучсиз ва мағлуб томонга айланганимдан сўнг, икки йил давомида ишқ ила орамга тоғлар ва шаҳарлар қуриб, ундан узоқлашдим.

Айтиб ўтганимдек, туйғуларимдан йироқлашдим. Бахт ўрнини сахнада дардларим эгаллади ва уларни томоша қилиш учун узоқ вақт кузатув жараёнига чўмдим...

Ушбу давр мобайнида ҳаётимга бирор инсонни кириштиш ҳақида умуман ўйлаб кўрмадим; чунки тайёр эмасдим... "Нега?" дея савол берсангиз, қуйидагича тушунтираман: агар мен бирор аёлнинг қаршисига чиқсам, борлигимча,

бутун борлигим ила чиқишим даркор эди. Зотан у аёл чин дилдан севилиши керак эди. Ярим йўлда ташлаб кетилмайдиган бўлиб севилиши керак эди...

Юрагим ҳаётимдан чиқиб кетганларни ҳали ҳазм қилиб улгурмаган эди. Айни дардларни ҳам қаршимдаги инсон, ҳам ўзимга яшатмаслик учун ўзимни тинглашга эҳтиёжим бор эди. Ҳаётимга кимнидир киритиш маърифат эмасди. Ҳар ким бир инсонни ўз ҳаётига даҳлдор қилиши мумкин, аммо ҳар ким ҳам чин дилдан сева олмайди. Мен ҳақиқий севги қалбдан ва юракдан севиш эканини билганим ва юзаки севиш тарафдори бўлмаганим боис, ҳаммадан қочдим. Атрофимдаги инсонларга нисбатан камалак каби эдим. Турли рангларда нур сочар, аммо фақатгина ўзимга нисбатан қора рангга бурканардим. "Яхшиям, борсан", – деган инсонларим бир муддатдан сўнг мендан кетган эди ва мен бунинг ҳикмати учун шукр айлаган лаҳзада ўша зулматли дунёнинг энг чуқур ерида уйқуга кетдим.

Ва мен ҳақиқатдан ҳам чин дилдан сева оладиган, севганим сари янгидан дунёга келгандек ҳис эттирадиган аёлга ўзимни бир қўнғироқли соат каби созладим.

Шу боис нимадир етишмаётгандек эди. Севиши эвазига сева олармидим? Эҳтимол, сева олардим, аммо бунинг ҳеч қандай аҳамияти бўлмас эди. Биласиз, ишқ бир маънога эга бўлиши лозим... Инсон бу тарзда нимнидир эвазига севмаслиги керак, ҳатто айтган сўзларида маъно бўлиши даркор...

"Севаман" деганларнинг қалблари буларнинг ҳеч бирини амалга оширмади.

Ҳаётингиздаги инсонни унга эътибор билан ёндашиб севишингиз керак. Бизга бир марта бериладиган ҳаётдек неъматда, исмини дуоларингизда яширган инсонларингиз сизнинг юрагингизни севги ила тўйдирганида, "Шукрлар бўлсин" дея олишингиз керак...

Барча саволларга жавобан унинг исмини тилга олишингиз керак, чунки ҳаётингизга бир қалбни даҳлдор этасиз. У билан бутун бахтингиз, дардларингиз, қувончингиз, "мен"ларингизни бўлиша оласиз.

Қисқача қилиб айтганда, ҳаётингизни у билан баҳам кўрасиз. Тўғри, биз бу ҳаётга фақатгина севиш учун келмаганмиз. Буни биламан. Ҳаётдаги имтиҳонимиз – Аллоҳга ибодат қилгандан сўнг Аллоҳга бўлган ишққа тўла қалбга умрни бағишламоқдир... Биз буни яхши билардик...

Кўпинча сукут сақладим. Сукутимни ҳеч ким эшитмади. Сукут сақладим, "тилсиз" дедилар. Ёлғон, сохта туйғуларни эшитмасликка олдим, "кар" дедилар. Кучли севдим, соддаликка йўйдилар.

Баъзан дардларимни табассумимга яширдим. "Бахтли" деб ўйладилар. Бироқ дарди оғир инсонлар, дардлари ила табассум қилади. Буни билмадилар...

Икки йил давомида ўз қобиғимга ўраниб олдим. Ўзимни тинглашим учун фурсат топилди.

Ҳаётим остин-устун эди. Тартибли бўлган ҳеч нарса йўқ эди. Мен фақатгина қалбимга қулоқ тутдим. Шунча нарса орасида фақатгина ёлғизликни тингладим, чунки менга малҳам бўла оладиган ягона нарса ўзимни тинглаш эди...

Университетдаги ҳаётимни четга суриб қўйдим. Измир-нинг Сафарихисор туманидаги Докуз Эйлюль Университетида бизнес йўналиши талабаси эдим. Бир муддатдан сўнг ўқишни ташладим. Сафарихисор кичик, кекса ёшли ва меҳнаткаш оилаларнинг қўним топган, ҳажмига кўра шаҳардан кичик, аммо қишлоқдан катта жой эди. Сиғажик номли соҳили бор. Мени ажиб ҳисларга етакларди. Ҳар сафар у ерга борганимда ўзимда янги жиҳатларни кашф этардим. У ерда уч ой яшаган бўлсам, Сиғажикнинг соҳилидан қарздорман. Ажойиб жой эди. Ўқишдан чиққач, мунтазам равишда ўша ерга борар, қуёшнинг ботишини кузатардим. Қуёш, ботишдан аввал мен ўтирган соҳилнинг қирғоғига нурлари ила йўл чизарди гўё. Зулмат чуқуридаги туйғуларим ила денгиз суви узра қадам ташлашни истардим. Уларни кўкка кўтаришни хоҳлардим...

Йўлнинг якуни ҳақида ўйламасдан, фақатгина юришда давом этишни истардим; аммо бунинг имкони йўқ эди. Якуни қандай бўлишини билган йўлларни босиб ўтаётганимизда қандай натижага эришишимиз мумкинлигини биламиз, қадам ташлашдан эса барибир воз кечмаймиз. Асл масала эса ниҳоясини билмаган йўлларимизда юришдир. Худди ўлишингни била туриб, бу қачон юз беришини билмаганинг каби.

Натижа аниқ бўлса ҳам қадам босишдан воз кечмаслик керак...

Ўша соҳилда ўзимни роса сўроққа тутардим. Туйғуларим ва ҳисларимни сўроқлардим. Бошимдан ўтказганларимни

кўздан кечирар, ботаётган қуёшнинг юзимда акс этган нурлари остида ўлишдан олдин ҳис этишни истаган нарсаларимнинг қаторига янги истакларни қўшардим. Қуёш ботгач уйга қайтардим; чунки у ерда тафаккур ва бироз сайр қилишдан бошқа ҳеч нарса қила олмас эдим. Измир мен турган жойдан бир-икки соатлик масофада жойлашган эди. Зотан чиқиб, биргаликда кезадиган ва Измирни сайр қиладиган инсоним йўқ эди. Яшаётган шахрингизда сиз билан бир ҳаводан нафас оладиган инсон яқинингизда эканини ҳис этиш, изларингиз қолаётган кўчаларни маънога тўлдиради.

Бироз вақт ўтгач у ерда қийналаётганим, нафас ололмаётганимни ҳис этдим. Уддалай олмадим. Тахминан уч ой вақт таълим учун у ерда қолдим. Кейин эса ўқишни давом эттира олмаганим учун у ердан кетдим; аммо қаерга боришимдан қатъи назар, қалбимдаги қўнғироқли соат доимо созланган эди. Туйғуларимга ҳеч кимни ҳамроҳ қилмадим. Сўнгги беш ойлик жараёнда ўз қобиғимдан айрилмадим. Қила олган ягона ишим шу эди... Ўз-ўзим билан юзма-юз келиш...

Ўзал хотиралар тўпладим. Ўзал нарсаларни тўплаш уларнинг умрини узайтиради. Шу боис ичимда умри узун бўлган жумлаларим бор. Уларни фақатгина, кўзларига назар солганимда менга кўзгу бўла оладиган, мен уни "келажагим" дея атай оладиган аёлнинг борлигини ҳис этган кунимда тилга чиқара оламан. Дардларимга ҳамдард аёлнинг кўзлари менга тушган ҳақиқий кунда уйқумдан уйғонаман...

Сўнгра четга суриб қўйган туйғуларимни такроран қўлга олиб, ҳис этганча ўқий бошлайман. Университетни ташлаганимдан сўнг туғилиб ўсган жойимга қайтдим. Манавгатга қайтганимдан кейин хусусий ширкатда сотув менежери сифатида иш бошладим. Эҳтимол, маошим хавас қилгудек эмасди, аммо қилаётган ишимни севардим. Меҳнатим сингдирилган ҳар бир нарсага меҳр қўшардим ва натижада меҳр берган ҳар бир нарсам қувонч бахш этарди. Инсонлар бундан мустасно. Шу боис асло нолимас эдим. Онам меҳмонхонада ишларди. Ҳомиладор бўлишига эътибор ҳам қилмай, қорни бурнига келгунига қадар ишлашдан воз кечмади. Онам эканини вақтинча унутиб, четдан назар солганимда, бу аёлдаги сабр мени ҳайратда қолдирарди.

Туғруқ вақти яқинлашгач ишдан кетишга мажбур бўлди. Кунларнинг бирида эса эшикнинг ёнида, жавонида осилган нимчасини олиб келишимни сўради. "Уйнинг яқинига чиқса керак, ҳар ҳолда", – дея ўйладим. Жавони очгач, қўлимни илгичга энди узатмоқчи бўлиб турган эдим ҳамки, туғилажак укамнинг пакет ичидаги либосларига кўзим тушди. Жуда кичик эди. Негадир қандайдир кучли туйғу вулқони қуршаб олди мени. Сабабини билмайман, аммо кўзларим ёшга тўлганини пайқадим. Ғалати ҳис қилдим ўзимни. Болалиги бўлмаган бир инсоннинг укаси дунёга келиш арафасида эди.

Токи укам туғилмагунича, ушбу ҳодисаларни қабул қила олмадим. У дунёга келгач, вазият, табиийки ўзгарди.

Мен ишлашда давом этдим. Онам турмуш қурганига уч йил бўлганди. Турмушининг илк йилида бир фарзандидан айрилган эди. Учинчи йилида эса укам туғилди. Исмини Йигит қўйдилар. Исмидек жасур бўлсин дея...

Унинг кўзларига қараганимда, кўника олмаган бир қанча нарсани қабул қилганим ва ўзлаштирганимни ҳис этдим. Ота меҳри нима эканини билмайман. Онам катта қилди мени.

Буни хотиржамлик билан айта оламан. Онам ҳам хотиржам виждон ва ғурур билан ўқий олади бу сатрларни.

Хонамда бир қутини сақлардим. У қути мен учун ўта шахсий эди. Сабабини сўрасангиз, ичида келажакда қиз фарзандим бўлса, унинг нозик ва майин сочларига ўз қўлларим билан тақаман деб кичик соч тўғноғичи, агар ўғил бўлса, унга ҳадя этаман деб сақлаган Volkswagen тўпламим бор эди. Бу қути ҳақида ҳеч ким билмасди. Айтганимдек, ўз оламимда яшардим мен. Ёзиб, бириктирган мактубларим ҳақида ҳатто оғиз очмайман.

Бир инсон, ҳали дунёга келмаган, ҳатто онанинг қорнида бўлмаган қизига мактуб ёза оладими, деманг. Ёза олади.

Ўша мактубларнинг орасига укам Йигит учун янгиси қўшилди...

“Исми каби жасур бўлсин...”

Менинг ҳаётимда болалигим йўқ эди. Қувончларим, кичик бахтим ҳам бўлмади. Мен кичик ёшимда доим дардлар

билан курашдим. Шу боис гўзал кунларни яшай олмадим.
"Нега бундай бўлган?", – деб сўрасанг агар...

Маҳаллада мени энг ёмон кўрган боланинг тўпларини бир неча соат давом этган уринишларимдан сўнг ғалаба сифатида қўлга киритиб, уйга таърифлаб бўлмас бел оғриғи билан қайтган пайтларим бўларди. Ўз олашимни ўша вақтларда кура бошлаганман. Ҳеч унутмайман, ўша болани мағлуб қилганимдан сўнг дадаси келиб, мен қозонган тўпларни қўлимдан тортиб олганидаги хатти-ҳаракатининг қаршисида исбот-далилсиз, ҳимоясиз қолганимни пайқагач, ҳеч кимим йўқлигини ҳис этган эдим...

"Бу тўпларни менинг ўғлим муносиб равишда қозонди", – дея ўғлини ҳимоя қиладиган дадам йўқ эди...

Укамга...

Сенга ушбу мактубни мени англай олишинг ва ҳис этишинг учун, Роббим насиб айласа, сен менинг ҳозирги ёшимга етганигда бераман. Балки менинг болалигим бўлмагандир. Балки мени ҳимоя қила оладиган отам йўқ эди. Аммо онамга раҳмат, доим ёнимда бўлди. Аллоҳ унга сени катта қила олиши учун бир умр, сенга эса завқ ила яшаб ўтадиган болаликни насиб айласин...

Сен ҳозир малакларни кузатар экансан, мен ушбу сатрларни кўзимда ёш ила ёзаяпман.

Агар мендан сўрасанг, сенинг ўрнингда бўлганимда, малак-

Олаётган маошим кўп бўлмаса-да, пулни ҳалол йўл билан қозонганимдан қониқиб, бахтни ҳис қилардим. Ишлаб топган пулимнинг миқдори тунда бошимни ёстиққа қўйганимда шукур айтишимга тўсиқ бўла олмасди. Оч қорнига тош боғлаган Пайғамбарнинг уммати сифатида, қорнимни тўйдира оладиган пул ва ундан ортиғини қўлга киритганим учун шукур қилардим.

Ҳар кеча бошимни ёстиққа қўйганимдан кейин шукур айтмасдан уйқуга кетмасдим. Яна бир кунни яшаб ўтганим, қорнимни тўйдира олганим, ўз пулларимни ўзим ишлаб топа олганим ва энг муҳими, яшашда давом этишни уддалай олганим учун шукур айтаман.

Онам: "Нима бўлган тақдирда ҳам шукур айтишдан тўхтама, шукур баракани кўпайтиради", – дер эди.

Менда бўлмаган нарсани Роббим ато этиши учун кўпроқ шукур қилардим.

1-қоида: Уйқуга кетишдан олдин шукур айтишни унутма

Бир куни ширкатда бир вазиятга дуч келдик. Ўша куни содир бўлган ҳодиса барчамизни ҳайратга солган, ишга бўлган шижоатимизни сўндирган эди. Ширкатнинг бухгалтерия бўлимида ишлайдиган Бусе исмли бир дўстимизнинг ҳисоботида катта камчилик борлиги айтилиб, ишдан бўшатилади.

Нега бундай қилганларини англай олмадик. Ҳамма таажжубда эди.

ларни бошим узра кўришни, инсонларнинг туйғуларим ила ўйнашига алишмаган бўлардим.

Болалиги ярим қолган акасидан, болалигини тўқис яша-
шини истаган укасига...

Жасур бўл...

16 октябрь, жума, 2015/21:34

Ушбу мактубни кучли эҳтиёткорлик билан сақлашим керак эди. Ҳеч кимга у қути ҳақида гапирмадим. Фақатгина сақладим; чунки ҳар бир инсоннинг ўз ичида сақлайдиган дунёси мавжуд. У ерга ҳеч кимни кирита олмайди...

Киритса, у дунё остин-устун бўлишидан қўрқади... Шу боис киритмайди...

Менинг оламим ҳам шундай эди. Оламим туйғуларимнинг ўқи атрофида айланарди. Буни кимса билмасди.

Иш жойимдаги ишчиларнинг ҳеч бири билан ишдан ташқари мулоқот қилмас эдим. Зарурат юзага келмаса, ҳатто суҳбатга қўшилмасдим, чунки у давралар ҳар нарса, ҳар кимсага тобе ҳолатда эди. Ҳатто ҳаётга ҳам. Ишдан уйга, уйдан ишга йўл олардим.

Ҳаётим ушбу кўприк орасига қурилган эди. Мен ишлайдиган ширкатда ўн уч-ўн тўрт киши бор эди. Аксарияти билан иш вақтимиз фарқли эди.

Аввалдан ишлаб келаётганлар бор эди. Янги келганлар ҳам. Мен ҳам янги келганлар қаторида эдим; аммо ишимни виждонан ва меҳр билан амалга оширардим.

Ҳаётимда энг чидай олмайдиган нарсам ноҳақлик эди. Ким бўлишидан қатъи назар, ишдан ҳайдалган инсон мен бўлмасам-да, ушбу вазият менга том маънода таъсир қилган эди.

Бусени унчалик танимасдим. Иш бўйича бир неча мартаба мулоқот қилган эдик, холос. Ундан ташқарида на у мени, на мен уни танимас эдим.

Куннинг охирида Бусенинг ҳисоби кесилиши ва бугун унинг бу ердаги сўнгги куни бўлиши кутилаётган эди. Табиийки, ҳамма унинг ҳолати сабабли бироз тушкунликка тушганди. Бу маънавиятга тўғри келармиди ахир? Чиқиш соати яқинлашиб қолди. Ҳамма билан аста-секин видолашаётганини кўрдим. Йиғламасликка қанчалик уринмасин, чорасизлиги ва ноҳақликка учрагани кўзларидаги нигоҳидан сезилиб турарди. Менинг ҳам қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Ноҳақлик ҳиссига мен ҳам камида унинг каби фарқ бўлган эдим. Бир-биримизни унчалик танимасак-да, мен билан ҳам видолашди. Ҳамма билан хайрлашиб бўлгач, менинг ёнимга келди ва ҳиралашган кўзлари ила қаршимдан жой олди.

“Мендан рози бўл, Ботир. Бугун менинг бу ердаги сўнгги куним. Ишдан ҳайдалганим маълум. Мен ҳам розиман”, – деди.

Ўша лаҳзада ноҳақлик ва чорасизликни чуқур ҳис этдим.

“Розиман. Барча ишчилар чиққанидан сўнг менга бир-икки дақиқа вақт ажрата оласанми? Сен билан гаплашиб олишни истайман”, – дея қўшимча қилдим.

Юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлиб, "Албатта", – дея жавоб берди.

"Миннатдорман, эшикнинг ёнида кўришамиз", – дедим. Иш вақти якунланган ҳар бир ишчи кетиш учун тараддудлана бошлади. Мен эса ҳамма кетишини бироз кутгач, костюмимни олиб, ширкатнинг эшиги томон юра бошладим. Эшикка етгач, уни топа олмадим. Атрофга бироз кўз югуртириб чиққач, уни юқори қаватдан тушаётганини кўрдим. Мен томон яқинлашди. Ним табассум қилиб, "Салом, мен билан гаплашмоқчи бўлган гапларинг борми?", – дея сўради.

"Ҳа, ишдан нега ҳайдалганингни биласанми? Яъни сени ишдан бўшатганларининг сабаби нима? Нега бундай қилишди?"

Юзимдаги хавотирни идрок этгандек, шундай дея жавоб берди: "Ростини айтсам, билмайман; аммо мен бу ширкатнинг бухгалтерия бўлимида узоқ йиллардан буён ишлаб келганман. Сўнгги уч ойда камчиликлар кўп бўлгани сабабли мен билан ортиқ ишламасликлари мантиқлироқ эканини айтдилар. Қандай аҳмоқлик. Баъзи инсонларга мантиқлидек кўринган нарсалар бошқалар учун мантиқсиз ва бемаънидек туйилиши мумкин. Мен бу ширкат учун жуда кўп меҳнат қилдим. Онам ҳаста. Бу ерда ишлаб топаётган пулимга эҳтиёжим борлигини билладилар. Ишлаб топган пулимни онамнинг даволанишига сарфлашимдан ҳам хабари бор. Нима мақсадда менга бундай қилганларини билмайман, аммо Аллоҳ ҳамма нарсани кўради ва билади. Шундай

экан, бу эшик мен учун ёпилган бўлса ҳам, бошқа эшиклар очилади.

Ушбу ширкатда укам ва онамга қараш учун ишлаётган эдим. Укам вафот этгач, онамнинг хасталиги янада кучайди. Касалликка чидай олмайдиган ҳолатга келгани боис, менинг ҳам икки оёғим бир этикка кирди. Ҳаёт менга шундай ўйинлар қилдики, ўйналган ўйинларнинг баъзиларида ғолиб бўлсам ҳам, ғалаба завқини татий олмадим; чунки ундан ҳам катта дардларим бор эди. Бошимизда дадам йўқ эди. Онам, укам ва мен, атиги уч киши, бир-биримизни йиллар давомида қўллаб-қувватладик. Моддий жиҳатдан кўплаб муаммоларга дуч келдик; аммо минг шукр, қўл-оёғим ишлайди, ҳеч бўлмаганда уйга нон олиб келоламан. Яъни, олиб келаятган эдим. Майли, ортиқ бошингни қотирмайман. Дарвоқе, нега менинг ишдан кетганим сени бу қадар хавотирга солди?”

“Уканг ва онанг учун афсусдаман. Узр сўрайман. Дардингни янгилаш ниятим йўқ эди. Бошимни қотирмадинг; аммо ноҳақликка учраганингдан таъсирланганим сабабли бу мавзу эътиборимни тортди. Дардларимиз ўхшаш экан; аммо сеники бироз оғир деб ўйлайман. Зотан ҳар бир инсоннинг дарди ўз наздида буюқдир. Фақат менинг оиламда ҳеч ким вафот этмаган. Такроран узр сўрайман. Хавотир олганим учун сўрадим, холос. Бошқа мақсадим йўқ”.

“Йўқ, муҳим эмас. Хавотирингни тушунаман. Дардларимни эслатиш мавзусига келадиган бўлсак, муаммо йўқ. Мен улар билан ҳар куни юзма-юз келаман. Қаршингда кўникиб

кетган бир жисм турибти. Шу он мени ҳаётда ушлаб турган ягона нарса – онамнинг борлиги. Ундан куч оламан... У бўлмаса нима қилардим, билмайман. Майли, аста-секин уйга қайтақолай. Зотан кеч қолдим. Онам хавотир олади. Ўзингни эҳтиёт қил. Яхши қол..."

"Майли, яхши етиб ол. Аллоҳ онангга соғлик-саломатлик берсин. Омон бўл...", – дея суҳбатни якунладим ва у ердан айрилдик. Уйга бориш учун бекатга йўл олдим. Бекатга кетаётиб, юлдузларни қизғиш булутлар қоплаб олганини кўрдим. Ёмғир ёғса керак. Бекатда бироз муддат кутганимдан сўнг автобусга чиқиб, уйга йўл олдим. Уйга борганимда ҳамма уйқуда эди. Ишда овқатни кеч еганим учун қорним тўқ эди. Ювиниб олганимдан сўнг уйқуга кетдим. Эртаси куни тонгда тараддудланиб, ширкатга йўл олганимда Бусе ишдан ҳайдалганини эсладим ва яна тушкунликка тушдим. Қиз бечоранинг онаси хаста. Етарлича чорасиз эди. Менинг ҳам қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Шу сабабли чорасиз эдим. Бир неча кун шу тариқа давом этди ва бир-икки кишидан Бусега ҳақиқатдан ҳам ноҳақлик қилганлари, ортиқча пул тўламаслик учун уни ишдан бўшатганлари ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимга етиб келди. Менга шу қадар таъсир қилдики... Бу ҳақсизлик ҳам эмас, ундан-да ортиғи эди.

Бу ҳатто мени ғазабга келтирди. Сен бу ерга келиб меҳнат қилиб, тер тўкасан... одамлар эса сенга ортиқча пул тўламаслик учун ишдан бўшатишади.

Мен буни ҳазм қила олмай, ширкатга шикоят қилдим. Ушбу вазиятни атрофлича ўрганиб чиқишларини илтимос қилдим. Бундан қанчалик наф чиқарди, билмайман, аммо сукут сақлашни истамадим. Бориб ҳаммасини сўзлаб бердим.

Бир муддат сас-садо чиқмади. Бироз вақт ўтиб, шикоят қилганим аён бўлгач, мен ҳам Бусе каби ишимдан айрилдим. Асло ҳайратланмадим. Инсонлар ҳақиқатни қабул қила олмасди. Шу боис ҳақиқат остида эзиладилар. Эзилгани сари раҳбарлик ўриндиғига ўтириб олиб, кучи кимга етса, ўша инсонларга азоб беради; аммо менинг ўзимни тарбиялаш тарзимга бу бегона эди. Мен бу ҳолатга яшил чироқни ёқа олмасдим. На бирор кишининг ҳаққини ер, на ўзимнинг ҳаққимни едирардим. Мен ҳам барча ишчилар билан видолашдим. Бу ерда қисқа муддат ишлаган бўлсам-да, ҳар бири билан қучоқлашганча хайрлашдим. Маълум бир муддат ишсиз қолдим. Бундан хабар топган Бусе вазиятдан қайғуга ботганди. Ҳамкасбидан тизимга киришини сўраб, телефон рақамимни олибди. Менга қўнғироқ қилиб, нега бундай қилганимни сўради. Мен: "Ҳар ҳолда, зерикганимдан қилмадим, мажбур бўлдим", – дедим.

"Яъни, қандай қилиб? Ширкатга шикоят қилишга мажбур бўлдингми?", – дея сўради.

"Қулоқ сол, Бусе, ҳаётда ҳазм қилиб, чидай олмайдиган нарсам инсонларга нисбатан ноҳақлик қилинишидир. Бундай вазиятлар қаршисида ўзимни тутта олмайман. Билмадим нега, аммо жим тура олмайман. Ҳаётида бир

неча мартаба ноҳақликка учраган инсон сифатида, манеча шу нуқтага келиб тақалса, жавоб қайтаришга мажбур бўламан.

Бу вазиятда жим тура олмасдим, чунки ҳамма нарса ҳам бу қадар осон эмас. Охир-оқибат, инсоннинг меҳнатига ўйин қилинган. Етмаганидек, пулга эҳтиёжи бўлган инсоннинг меҳнати билан ўйналган. Баъзилар ишлаб топган пулини ҳар ерга сарфлаётган бир пайтда, сен хаста бўлган онангнинг даволаниши учун фойдалангансан. Тийин-тийинигача. Ҳаётида энг бебаҳо бойлиги онаси бўлган инсон бу ҳодиса қаршида сас-садосиз тура олмайди. Шундай экан, сени ранжитадиган бирор нарса қилган бўлсам, узр сўрайман. Мени ҳам ишдан бўшатдилар, аммо бу муммо эмас. Сен айтганингдек, бу ҳаётнинг бир эшиги ёпилса, Роббим бандасига минглаб эшикларни очади. Қалбим бунга қаттиқ ишонади. Шу боис, ёпилган эшиклар сабабли қайғуга ботишнинг ўрнига, сув юзасига чиқиш учун шижоат кўрсатайлик. Ботқоқлар бизга ярашмайди. Айниқса, сенга. Онангнинг сенинг ёрданингга эҳтиёжи бор. Сен учун қила олишим мумкин бўлган бирор иш бўлса, тортинмай айтавер. Ҳатто моддий томонлама бўлса ҳам! Илтимос, менга айт...”, – дея гапларимни яқунладим.

У эса таъсирланган овозда: “Аллоҳ сендан рози бўлсин, сен каби инсонлар борлигини билиш менга етиб ортади”, – дея жавоб берди.

“Аллоҳ сендаги каби юракка эга бўлган инсонларнинг

барчасидан рози бўлсин", – дея телефон суҳбатини якунладим.

У ҳам, мен ҳам таъсирланган эдик. Бу вазият мени етарлича ранжитганди. Чоҳдан чиқа олмаган инсон сифатида "Чоҳлар бизга бўлаверади", – деган тақдиримда ҳам бу Бусега мос келмаган бўларди, чунки унинг ёрдами ва табасумли чеҳрасига эҳтиёжи бўлган бир аёл бор эди... Онаси бор эди...

"Тикувчи ўз ямоқларини тика олмайди", – деганларидек, менда ҳам вазият худди шундай... Не-не ямоқлар тикдим, бироқ яраларим барибир очик қолди. Кимдир менга ёрдам қўлини узатишини кутмадим. Дарди бўлган кимни кўрсам, ёнига ошиқдим. Дардини енгиллатиш учун қўлимдан нима келса қилдим, аммо ўзимнинг дардларимга чора топа олмадим.

2-қоида: Дардларинг билан қайта юзлашмаслик учун уларга ҳаддини билдириб қўй

Ушбу янглиш қарорга жавобан ширкатга шикоят қилганим ва шикоятим ҳақли бўлгани сабабли Бусени ишга қайтиши учун чақиришибди, аммо у қабул қилмаган. Менга ҳам қўнғироқ қилганларида, рози бўлмаган эдим. Бир муддат пулсиз қолдим. Ўзимга мос келадиган иш топа олмадим.

Қиш мавсуми бўлгани учун меҳмонхоналар ҳам ёпиқ эди. Бироз вақт ўтгач Бусе маоши кўпроқ бўлган янги иш

бошлагани ҳақидаги хабар қулоғимга етиб келди. Шунча-лик севиндимки... Ундан ҳам бахтлироқ эдим десам янглиш бўлмайди. Унга қўнғироқ қилиб, севинганимни айтдим, ноҳақликларга нисбатан жим турмаслиги кераклигидан огоҳлантирдим. Менга қанчалик қулоқ тутди билмаман, аммо бир дўст сифатида огоҳлантиришни истадим. Дўстмизми, йўқми, ҳатто билмас эдим, бироқ қўнғироқ қилиб, айтишни хоҳладим.

У эса миннатдорчилик билдирди ва диққатлироқ бўлишини айтди. Телефондаги яна бир қисқа суҳбатдан сўнг соҳилга бориб, сайр этишга қарор қилдим.

Қачонки боши берк кўчага кириб қолсам, соҳилга бориб кезар ва енгил тортардим. Бу кун ҳаво булутли эди.

Ўзимга қулоқ тута олишим учун ажойиб кун. Қоронғу тушишига уч-тўрт соат бор эди. Унгача соҳил бўйида кездим. Ичимдан чиқара олмайдиган баъзи ҳисларим бор эди. Сайр бироз бўлса-да, тинчлантирди.

Ҳаётимнинг маълум бир қисми сас-садосиз, сокинликда кечди. Бир куни менга нотаниш рақамдан қўнғироқ бўлди. Ёшакни кўтаргач, бегона кишининг овозини эшитдим.

Мен билан ишлаш ва мени ходимлар жамоасига қўшишни иташаётганини айтдилар. "Қачон келишингизга аниқлик киритиб ўтинг, самолёт учун чиптангизни тайёрлаймиз. Ходимларимиз сизни аэропортда кутиб олишади", – дедилар. Рақамимни қаердан олганларини сўраганимда, "Интернетга жойлаган таржимаи ҳолингиздан", – дея жавоб бердилар. Иш шароити ва маош ҳақида сўраганимдан

сўнг миннатдорчилик билдириб, бир қарорга келганимдан кейин қўнғироқ қилишимни билдирдим ва гўшакни қўйдим. Ҳайратда эдим. Бир неча ой аввал ширкатга ишга киришдан олдин иш эълонлари сайтига таржимаи ҳолимни жойлаштирган эдим. Менга янги эшик очилди. Бундан ташқари, маоши ҳам яхши экан. Бир тарафдан ҳайрон, бир тарафдан бахтли эдим. Мени қўрқитаётган ягона масала Истанбул эди.

У ерга борсам-у, жойлашганимдан кейин кўника олмасам, у ердаги ҳаётга мослаша олмасам, дея хавотирга тушдим, аммо қўрқувларимни уларнинг ичига кирмай туриб енга олмас эдим. Енгилсам ҳам, улар билан курашган ҳолда енгилишим даркор. Акс ҳолда, қўрқувларимдан чекинадиган бўлсам, уларни енга олишим ёки енга олмаслигимни қаердан билиб оламан? Онам билан гаплашганимдан сўнг эса аниқ бир қарорга келдим. Менга қўнғироқ қилган рақамни териб, гаплашдим ва у ерга бориш кунини белгиладим. Улар эса мен учун билет олдилар. Бир неча кундан кейин кетадиган бўлдим. Уйимдан кетаман. Шошилмасдан, буюмларимни йиға бошладим. Онамнинг юзидаги ғамни, энг севган китобимдаги маъноли жумлаларни ўқигандек кўра олардим; аммо бу ўринли эди. Илк бор уйимдан кетаётгандим. Уйдан кетаётган куним укам Йигитни ҳидлаб, онамни бағримга босиб ва ризолигини олиб, чиқдим. Истанбулда холам яшар эди. Иш жойимга суҳбатга бордим ва у ерга жойлашиш учун уй топганимга қадар холамнинг ҳонадонида қолишга қарор қилдим. Бироз қийналсам-да, вазият кўника олмайдиган

даражада эмасди. Ҳаёт ўзининг баъзи парчаларини инсоннинг қаршисига кутилмаганда чиқаради ва сен ўзингда мана шу парчаларга мос бўшлиқлар излайсан. Унга асосланган ҳолда шаклланиб, камчиликларингни тўлдиришга уринасан. Жумбоқ каби.

Бу ерга келишимдан холам мамнун бўлди. Ўз уйимга кўчганимга қадар ишдан чиқиб, ҳар куни уй қарашга борардим. Мен кўздан кечирган уйлар ёки катта, ёки ижарасининг нархи қиммат бўлиб чиқарди.

Пайшанба куни эди. Ўша куни жуда чарчагандим. Ишдан чиққач, тўғри уйга бориб, дам олишни режалаштирган эдим. Автобусга чиққанимдан ўн дақиқа ўтиб автобусда носозликлар юзага келди. Шу боис ҳаммамиз автобусдан тушишга мажбур бўлдик. Шу пайт қарши томондаги кўчада жойлашган комплекснинг бир қанча квартираларида ижара эълонлари борлигига кўзим тушди. Сўраб-суриштириш учун комплекс томон юра бошладим. Комплекснинг ёнидаги кўчмас мулк агентлигига кириб, вазиятимни тушунтирдим. Ёлғиз яшашимни, бу ерга иш учун келганимни, кичик квартира излаётганимни билдирдим. Тасарруфида менга мос келадиган иккита уй борлигини айтишди. Иккисини ҳам кўздан кечирдим, улардан бирининг ижара ҳақи ва бошқа жиҳатлари айнан мен истагандек эди. Ҳам иш жойимга яқин. Кўчмас мулк агенти сўраётган воситачилик ҳақи ҳам кўп эмасди. Уй мебеллар билан жиҳозланган экан. Бу томонлама ҳам устун эди. Кўчганимдан кейин жиҳозлаш

масаласида бошим қотмайди. Ушбу уй менга манзур келди, дарҳол эгалладим.

Эртаси кун кучли ҳаяжон билан ўз уйимга кўчиб ўтдим. Кун сайин Истанбулга кўникаётганимни ҳис этдим. Орада холамини зиёрат қилар, дам олиш кунларимни эса соҳилда китоб ўқиш билан ўтказар эдим. Ҳаётим осойишта эди. Бу ерда ширкатнинг жамоатчилиги билан алоқалар бўлимида ишлардим. Аввал ишлаган жойимга нисбатан бу ерда ходимлар кўпроқ эди.

3-қоида: Ҳаётда қабул қилган ёки энди қабул қиладиган қарорларингга нисбатан кўрқувларинг бўлса, уларнинг қаршисига чиқишинг керак. Мағлуб бўлсанг ҳам, уларнинг қаршисидан чиқиб, курашган ҳолда енгилишинг керак. Ишонтириб айта оламанки, кўрқувларинг сари босган ҳар бир қадамингда, олиб бораётган курашингни кўпроқ сева бошлайсан.

Бу ерда ишлаётган ҳамкасбларимга нисбатан бироз одамови, ўзи билан ўзи оворадек кўринардим. Баъзилари биргаликда фаолият юритарди. Баъзан ишдан чиққач йиғилиб, қаерларгадир боришарди. Мен ҳам уларга қўшилишимни сўраган пайтлари бўлар, аммо мен бормас эдим. Уйимга бориб, овқатланиб олгач, чарчоққа қарши қаҳвачиб, китоб ўқиш менга завқлироқдек туйиларди. Сабабини ўзим ҳам билмайман, аммо шу бир йил ичида менда юз берган ўзгаришлар эътиборимдан четда қолмади. Инсонлар-

дан узоқлашдим. Ҳар куним бир хил ўтарди. Ўзим учун ўзим етарли эдим.

Ҳеч кимга эҳтиёж сезмаётганимни ҳис қилиб, яшашда давом этиш нақадар ажойиб. Баъзан шундай дамлар бўладики, ўзлигим билан ёлғиз қолишни хуш кўрасан. Бу ҳолатдан чиқишни истамай қоласан.

Масъул бўлган нарсаси ўткинчи дард эканини билиш инсонга баъзан етарли бўлади. Ўз оёқларингда туришинг, пешона теринг билан ишлаб топган пулингдан уйингга нон олиб келишинг қанчалик ажойиб экан... Тўсатдан лицейда таълим олаётган пайтларимда дуч келган муаммоларим эсимга тушиб кетди.

Моддий ва маънавий жиҳатдан бир қанча муаммоларим бор эди. Онам ҳам оналик, ҳам оталик вазифасини ўз бўйнига олгани боис баъзан улгура олмас эди. Бу вазият ҳам мени ранжитарди, табиийки. Ишлаб топган илк пулимни сарфламай, сақлаб қўйганимни ҳеч унутмайман. Омад бўлиб келган пулим деб ҳисоблардим уни. Бундан ҳабар топган онам йиғлаган эди. Энди эса ўзимни ўша ҳолатим билан қиёслар эканман, ҳозирги нуқтага қадар дардларимни бирин-кетин енгиб келганимни кўраман.

Инсонга насиб этиши мумкин бўлган энг гўзал даврлардан бири лицей ҳаётидир. Дўстлик ва самимият бошқача бўлади. У давр ўтгач, елкангга тушадиган масъулиятлар тобора оғирлашиб бораверади...

Университетда ўқиётганимда битта бўлса ҳам самимий

дўстим йўқ эди. Ортимга қараганимда, лицейдаги дўстларим нисбатан содиқ ва самимий эканини англадим.

Лицейда беш йил таҳсил олдим. Биринчи курс дастурини такрорлашимга тўғри келганди. Очиғини айтадиган бўлсам, дўстларимнинг кейинги босқичга ўтиши, мен эса бир ерда қолиб кетганим алам қилган эди.

Ҳатто ўша пайтларда ҳам вазиятларга кучли зийраклик билан қарай олар эдим. Бу ҳам болалигим дардли хотиралар билан тўла бўлганига бориб тақаларди. Қолган ҳамма эркаликда ўсгани учун бундай зийракликни кўрсата олмас, мен эса улар каби бўла олмас эдим. Тақчиллик, чорасизлик, йиғлаганда ҳеч ким эшитмаслиги учун бошни ёстиқ билан беркитганча азобланиш қандай бўлишини яхши биламан.

Биринчи курсда қолдирилган давримнинг якунида қатъият ва афсусланиш ҳислари босими остида ўзимга келдим. Баъзи мажбуриятларим шу нуқтада оғир босим ўтказа бошлади.

Ўқишга пулсиз кетган пайтларим кўп бўларди, аммо бу мени ҳеч ташвишлантормасди.

Биз дардларимиз берган тўқлик ҳисси ила тўйдирдик қорнимиз ва туйғуларимизни. Чўнтагимиздаги пул ҳатто кирага етмайдиган даражада бўлиши ҳам бизни йўлда давом этишдан қайтара олмас эди.

Бир қанча инсонларнинг кўнглини олишга уриниб, кўп маротаба ҳаётимнинг энг муҳим даврида ўзимга ноҳақлик қилган эканман. Ва буни ҳеч сезмаган эканман. Буни ҳам

ўқишни битиргач англадим. Аксарият ҳолларда туйғуларим, фидокорликларим ва меҳнатим суиистеъмол қилинса-да, бундан асло воз кечмагандим.

Бизнинг ниятимиз фақат яхшиликдир. Севиклигимизга нисбатан ёмонлик туймас қалбимиз. Ҳаётдаги йўқотишларимизнинг сабаби шу бўлса керак. Қанчалик кўп йўқотмайлик, ниятимиздан воз кечмаймиз. "Севмайман", – деймиз, бизни ранжитадиган инсонни топамиз, танлаб, уни севамиз...

4-қоида: Ҳаётингни бошқага тортиқ қилма. Тирноғингга арзимайдиган инсонлар учун ўзингга ноҳақлик қилма. Уларнинг фойдаси учун бу нарсани ўз қалбинг ва ҳисларингга раво кўрма.

Бу ерга кўчиб келганимни Бусега айтмаган эдим. У билан дўстмизми ёки йўқми, билмасдим ҳатто. Боши берк кўчага кириб қолганимиздан бошқа нарсани ўйламас эдим. Бусе дардларга тўла бир қиз эди. Айтган гаплари, вазиятга бўлган нуқтаи назаридан қандай дардларни бошдан кечириб, бу ерга қадар келганини тахмин қилиш мен учун қийин эмасди.

У мени ким сифатида кўргани ва исмимни эшитганида нималарни ҳис қилгани ҳақида ҳеч қандай фикрга эга эмасдим, чунки уни танимас эдим. Чойга қанча шакар солиши, қандай фильмларни севиши, нонуштада нималар-

ни севиб истеъмол қилиши, асабийлашганида юз ифодаси қандай шаклга кириши, ёстиғининг кўпроқ қайси томонидан фойдаланиши, кулганидаги садо, тирноқ бўяйдиган бўёғининг ранги, энг таъсирланган шеъри... Ҳеч бирини билмас эдим. Қўлимда "ҳеч" бор эди, чексиз бир "ҳеч", холос...

Бир инсон нонуштага нималарни севиб истеъмол қилишини билмасангиз, демак у инсонни танимайсиз. Менинг билмаганларим эса у нонуштада нималарни севиб тановул қилишидан иборат эмасди. Кўп нарсаларни билмасдим...

Онаси хаста эди, ҳолати қандай экан, дея хавотир олган пайтларим бўлди. Укасининг ўлими уни ларзага келтирганди. Буни ҳис қилардим. Илк бор ишонган одамнинг йўқлигига кўникиши ҳақида ҳатто оғиз очмайман. Ҳаётдаги энг оғир дардлардан бири эса, бир аёл унинг кафтлари орасидаги чизикларни илк бор билган инсоннинг йўқлигига кўникишдан бошқа чораси қолмаслигидир. Бу йўқликка кўникишга мажбур бўлиш эса янада кучли азобдир. Дард дардни чақирадиган дунёда яшаймиз.

Яшашга мажбурмиз. Қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. На ўлган билан ўласан, на кетганнинг ортидан бора оласан...

Кимдир ҳамма нарсани ортда қолдириб, ўлим туфайли қалбларни тарк этади, кимдир эса ортида уни қучиш учун очилган қўлларни ташлаб, қалблардан кетади. Сен эса ичингдаги сўнмайдиган қайноқ ёнғин ила қолиб кетасан. Қанча йиғласанг йиғла, фойдасиз. У ёнғин сўнмайди. Инсоннинг энг

гўзал туйғулари кулга айланади. Сўнгра ким келса ҳам, борлиги етмайди. Натижаси фақат армон... Бусе жангчи қиздек кўринарди. Менинг онам каби. Буни сезардим.

Ундан ва онасидан кўп хавотир олдим. Бир куни ишдан уйга қайтгач, овозини эшитиш ва онасининг ҳолатини билиш учун унга қўнғироқ қилдим, аммо телефони ўчиқ эди. Ҳақиқатдан ҳам қалбим беҳузур эди. "Ажабо, онасига нимадир бўлдимикин? Ҳозир қаерда экан-а? Нималар билан банд?", – дея саволлар беришдан ўзимни тута олмадим. Нега ундан бунчалик хавотир оладиган бўлдим? Не таажубки, бу саволга жавоб бера олмасдим ҳатто. Баъзан якунини билган аччиқ ҳақиқатларимиз жонимизга ўт қўйишини била туриб уларга яқинлашамиз. Босган ҳар бир қадамимизда жонимиз оғриётганини ҳис этсак ҳам қадам ташлашдан воз кечмаймиз, чунки ҳисларимиз вақт ўтгач бунга кўникади. Бир инсоннинг кетишини била туриб севишда давом этади қалбимиз.

Ойлар шу тарзда ўтиб кетди. Менинг ҳаётим шу тариқа давом этди. На Буседан хабар олишга фурсат топдим, на бирор инсонни қалбимга кирита олдим. Оддий ва сокин равишда ўтаётган ҳаётим, нам қоплаган рельслар устида аста-секин олдинга ҳаракатланаётган поезд каби давом этарди.

Қиз Қалъасига бўлган севгисини унга фақатгина назар солиш ила такомиллаштирган Галата Қалъасининг ҳисларини ўзлаштигандек эдим гўё.

Мен ишқ томон фақатгина бир бор қадам ташладим. Шунда ҳам қалбимнинг насибасини олдим. Кейин нима бўлди? "Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади", – деганларидек, ишқдан жоним шу қадар ёндики, яна бир бор, қўрқиб бўлса ҳам ҳеч бир қалб томон интилмадим. Маъносиздек кўринди. Ўтмишимни унута олмаганим учун эмас. Келажакка тайёр бўлмаганим учун. Келажакимга даҳлдор этадиган инсонимни ўтмишимнинг соясида эмас, келажакимнинг қуёш нурлари остида севишни истаганим учун. Ярим йўлда ташлаб кетишни истамаганим учун. Севишдан ҳеч қачон қочмадим. Ишқ соҳилига тўфонли шамолларни енгиб етишдим ва бу соҳилда узок вақтга лангар ташладим. Тайёр бўлганимга қадар бир лаҳзага бўлса ҳам ҳеч айрилмадим...

Модомики бу қадар толиққан эканман, куч йиғмасдан ва тайёр бўлмасдан қалбим эшигини ҳеч кимсага оча олмасдим. Бундан кейин ким биландир йўлга чиқадиган бўлсам, якуни никоҳ бўлади, чунки ишқ мени жуда чарчатди.

5-қоида: Агар сиз ҳам мен каби қалбингизнинг насибасини ишқдан энг оғир шаклда олган бўлсангиз, ҳаётингизда туз-ли қаҳвасини ичишни истаган аёлингиз қўлидан қаҳва ичиш орқали ишққа унинг насибасини тотли бир шаклда беришингиз мумкин.

Роббим икки дунёда ҳам уни менга насиб айлашини
истаган бир инсоним бор...

Босган ҳар бир қадами менинг кўчамда қолишини
тилаган инсоним бор...

Юрак зарбини тезлаштирган инсон ила айнаи шаҳарни
баҳам кўришдан бахт туйган инсон – мен ҳам борман...

Шукр дейман, борлиги етарли...

Бусе менга нима сабабдан кўнғироқ қилмаганини
ҳаддан ташқари кўп ўйлаган бўлсам-да, бироз вақт ўтгач
кўникдим. Йўқ бўлган инсоннинг йўқлигига кўникиш
ёлғизлик демакдир.

Унга нисбатан янглиш бўлган ҳеч қандай хатти-ҳаракат
қилмадим. Уни ранжитадиган муносабатда ҳам бўлмадим.
Зотан очик суҳбат қурмаганмиз ҳатто. Бир-биримизнинг
дардларимиз билан юзма-юз келгандик, холос. Орамизда
шу қолди. Бундан нарига ўта олмадик. Балки янада кўпроқ
вақтга эҳтиёжимиз бўлгандир, билмадим.

Бир неча кун шу тариқа ич-этимни едим, аммо кутгилган
нарса ҳеч юз берай демасди. Зотан кутаётган инсон ҳам воз
кечмай давом этди.

Душанба куни эди, янги ҳафтанинг илк иш кунида
ширкатда ўта жиддий вазиятга тушиб қолдим. Бу сафар бош
ролларда менинг исмим бор эди. Истанбулга кўчиб кел-
ган ва бу ерда ўзимга янги ҳаёт тарзи қурган, ҳаётни янги
саҳифадан давом эттирган бир пайтимда, ишлаётган ширка-
тимда дадамни учратиб қолдим.

Мен янглишдимми ёки дадам ҳам бу ерда ишлайди-ми? Аммо йўқ, янглишмадим, бу дадам эди. Унинг ширкатда нима иши бор? Кўрганларимга ишонгим келмасди. Анча ўзгариб, соч ва соқолларига оқ оралабди. Уни йиллар давомида кўрмаган эдим. Шу қадар кам кўришган эдикки, ҳеч кўришмагандек эдик гўё. Бироз сўраб-суриштиргач, ширкатда ҳайдовчилик қилгаётганини, узоқ вақтдан бери бу ерда ишлаётганини, уйланганини билиб олдим. Боши берк кўчага такроран кириб қолганимни ҳис этдим. Ундан ҳеч қачон ғазабланиб, нафратланмаганман. Мени, укамни ва онамни ташлаб кетиш унинг танлови эди. Кетишга қарор қилган инсоннинг йўлини тўса олмайсиз. Фақатгина кечиктиришингиз мумкин.

Машаққатларга тўла "мавжуд бўлмаган болалигимда" маҳалладаги мен энг ёмон кўрган қўшни боланинг дадасига қарши ҳимоясиз қолган пайтларим бўлганига қарамай, дадамдан ғазабланмадим. Ўзимга жаҳл қилдим. Бу қадар чорасиз қолганимга ғазабландим. Қўлимдан ҳеч нарса келмаганига ғазабландим. Жоним янада кучли ёнди. Жоним ёнгани сари болалик қанотларим ёнди, аммо барибир ундан ғазабланмадим...

Борлигига эҳтиёжимиз бўлган қайси инсон ёнимизда эди? Борлигини ҳис эттириш тугул, ёнимизда қолишни ортиқ истамадилар. Истасалар ҳам уддалай олмадилар.

Хаёлидаги ягона фикр кетиш эди. Зотан кетдилар ҳам.

Ҳатто она ёки ота бўлиши ҳам тўхтата олмади...

Мени танимади. Баъзан кўз-кўзга тушганда ҳам кўзла-

римизни дарҳол олиб қочдик; бироқ танимади. Жони омон бўлсин. Бироз вақт ўтгач автоҳалокатга учрагани, хотирасини йўқотгани ҳақида хабар топдим, мени шу сабабли таний олмаган бўлса керак.

“Кошки йўқотган ягона нарсаси хотираси бўлсайди”, – дея ўйлаган пайтларимда ўзимга ушбу саволларни берардим:

“Бу одам воз кечиб кетди, аммо ортида қолдириб кетган аёлининг ҳаққини қандай тўлайди? У ҳам майли, бир қизи бор эди... У чеккан оҳларнинг ҳисобини қандай беради?”

Отанинг ортидан: “Кошки туғилмаганимда эди, ёки бу одам оталик туйғусини йўқотмаганида эди...”, – дея нола қиладиган инсонни ташлаб кетса, бунга нисбатан нима дейиш мумкин?

Вақти келганда, “Мен дунёга келмаганимда эди, аммо унда ҳам баъзи туйғулар мавжуд бўлганида эди!!!”, – деган кунларимнинг сон-саноғи йўқ; аммо Аллоҳнинг ишига ара-лашиб бўлмайди. Бorigа шукр. Тўғри, у ёнимизда йўқ эди, аммо менга ҳам оналик, ҳам оталик қилган бир аёл бор эди. Онам... Зотан қолганига эҳтиёж йўқ эди...

Баъзан холамларнинг уйига борар, хаёлларимдан чалғиш учун уларникида вақт ўтказардим. Ҳаётим уй билан иш орасида оддий тарзда давом этарди. Дадам билан умуман гаплаша олмадик, ҳатто аксарият вақтларда уни кўра олмаётган эдим. Кўрмаганим яхши эди, чунки унга кўзим тушган онда ўтмишимга қайтиб қолардим.

Бир муддатдан сўнг Бусе ҳам онаси билан Истанбулга, холаси яшаётган уйга жойлашганидан хабар топдим. Узоқ

вақтдан бери ўзи билан гаплашмаган эдик. Ҳатто ифорини билмасам-да, мен яшаётган шаҳарга келиши ила қалбимда чечак ниҳоллари очилишига сабаб бўлган қиз билан айна шаҳарни баҳам кўришнинг бахти руҳим учун мос келадиган энг гўзал либос эди. Ҳамкасбларим юзимда сабабсиз пайдо бўлган ифодани пайқагач, қизиқиб, саволларга кўмиб ташлади. Мен ҳеч нарсани айтмадим, табиийки. Туйғуларимни ичимда сақладим. Ҳисларига эркинлик берган бир инсон бўлишимга қарамай, кўпинча ичимда сақлар эдим, чунки уларни қалбимга экардим. Япроқ очишга тайёр бўлган, бунинг учун борлиғи ила курашган бир уруғ каби севгига тўла, тупроқдан униб чиқиб, ер юзида ажиб туйғулардан нафас олишлари учун уларни сабрим ила суғориб, мавриди келишини кутдим.

Бусе ҳам Истанбулга келиши менга бироз муддат ўзгача бахт ато этди, аммо кейин бу билан қоникмай, суҳбат қуришимиз кераклигини ҳис этдим. Ҳатто бир бор бўлса ҳам ифорини туймаган, кўзларига диққат билан қарамаган, табассумини ўз борлиғимда ҳис этмаган, овозини қулоқларимда янграйдиган даражада эшитмаган бўлишимга қарамай ҳис этилган бу туйғу бироз ортиқча эмасми?

Эҳтимол, у бошим узра учиб ўтган бир қушча эди, мен эса уни осмон деб билдим. Эҳтимолларни кўздан қочирмаслик керак. Чуқур туйғуларнинг оқибатида олинадиган ёмон натижалар эҳтимолини кўздан қочирган тақдиримизда, босим остида қолган ва азобланган биз бўламиз. Ёлғизлик

уммонида узоқ вақтдан бери ўз қайиғимнинг ичида бироз кўпроқ қолиб кетганим учун уни ўзимга яқин олдим-микин, ажабо? Яқин олмасам нима бўлардики, дардларимиз ўхшаш... Туйғуларимиз фарқли бўлган тақдирда ҳам, қалбларимиз бир хил матодан тикилган эди, аммо тикувчи ўз ямоғини тика олмайди.

Шу боис уни ҳар сафар ўйлаганимда боши берк кўчага кириб қолар, "Мен ўз оламимда қурган орзуларим ва туйғуларимни айна шаклда бир маротаба бўлса-да, у ҳам бошдан ўтказганмикин?", – дея савол берардим ўзимга.

Мен бетартиб ва ечимини топиш ўта мураккаб бўлган, қисмларининг ҳар бири ҳар ерга сочилиб ётган бир бошқотирма каби эдим. Бир жойга йиғилиши куч, сабр талаб қиладиган парчалар соҳибиман. Мени яхлит ҳолга келтириш машаққат талаб қиларди. Мени яхлит ҳолга келтира олмагани учун аввалига отам, кейин севган инсонларим тарк этди. Майли, дадамни бир четга суриб турайлик. Ишониб, севган инсонларимчи? Улар нега кетди?

Нега ҳаётимга кириб келган ҳар бир инсон мени яра-лаб кетди? Ваҳолангки дардларига малҳам истаган бир қалб эдим.

Доим армонларга тўла йўлларни босиб ўтдим. Оёғимга тош тегса ҳам, мен на ишониб севишдан, на шукр айлашдан воз кечмадим. Бироз бўлса ҳам севилишга лойиқ эмасмидим?

Бир қанча инсонлар бор, уларга атаб шеърлар ёзилган. Бир тарафда эса биз, севганичалик севилишни қўя туринг, асло севилмаган биз бормиз...

Бир неча ойдан сўнг, ҳаёт одатий тарзда ўтаётган кунларнинг бирида, менга хуш ёққан, ифорини билмасам-да, у қиз билан айна шаҳарда нафас олаётганимни ҳис этиш туйғуси бағишлаган бахт ила ширкатга йўл олдим. Бўлим мудирини бизга тушликдан сўнг мажлислар залида йиғилишимиз кераклиги ва бошқа жойда фаолият юритадиган филиал жамоаси бизнинг мажлисимизга келишини эълон қилди. Тушлик қилгач, мажлислар залида йиғилдик. Биз кутаётган жамоа бироз кечикиб келди.

Туш кўраётганмидим, ёки кўраётганларим рўемиди?

Кириб келган жамоанинг бошчилигида у, яъни Бусе раҳбарлик қиларди. Ишонгим келмади, аммо у эди. Тим қора текис сочлари, устида инсонни тўлқинларсиз, сокин денгиз манзараси томон етаклайдиган қора кўйлаги, кўзлари ва тирноқларига сурган қора бўёғи ила ҳақиқатдан ҳам ҳар бир кишини ўзига миқ этмай қулоқ туттира олар, диққатни торта оларди. Уни кўргач, туйғуларим ичимда нола қила бошлади. Мени кўрди, аммо вазминлигини йўқотмади. Икки соат давом этган мажлиснинг илк соати ўтгач, беш дақиқалик танаффус эълон қилинди. Бу орада умуман гаплашмадик. Танаффус якунлангач, мажлис давом этар экан, унинг глаганча уйқим келганини пайқадим. Ўзгача туйғу эди. Сабабини билмайман, аммо бу қизда мени ўзига жалб

қиладиган нимадир бор эди. Туйғуларимнинг маъносини тушуна олмай, уларга енгилар, уни кўргач эса мени енгган туйғуларимни мағлуб қилардим. Бунинг учун уни кўришим кифоя эди.

Мажлис ўз ниҳоясига етганида иш вақти ҳам аллақачон якунланган эди. Ҳамма залдан чиқиб кетаётган бир пайтда, иккимиз оҳиста ҳаракатланиб, одамларнинг кетишини кутаётгандек эдик. Узоқ вақтдан буён гаплашмаганимиз сабабли бироз ҳаяжонланардим. Юрагим кўксимдан отилгудек бўлиб урарди.

Ҳамма кетиб бўлганидан сўнг унинг ёнига яқинлашдим. Иккимиз ҳам нималарнидир гаплашишни истагандек бир-биримизга қарадик. У томон босган ҳар бир қадамимда ифорини ҳис эта бошладим. У билан бир шаҳарда яшаётганимиз берган бахт қаторига унинг ифорини туйганимда яна бир қувонч қўшилди.

“Яхшимсан, Ботир?”, – дея сўради титроқли овозда.

“Нимадир етишмаётгандек, аммо яхшиман. Нимадир етишмаётган ҳолда яхшиман дейишим қанчалик тўғри, билмайман, аммо кўриб турганингдек, ёмон эмас. Сендан хабар ололмаганимга анча бўлди. Хавотир олдим. Телефонинг доим ўчиқ эди. Онанг учун безовталандим. Табиийки, сен учун ҳам. Мени хавотирда қолдирмаслигинг керак эди. Бир неча ой аввал бу ерга кўчиб ўтиб, ишга жойлашдим. Бир нарсани тан олишим керак: сени бу ерда кўргач, шошиб қолдим. Дунё кичик дердилар, аммо ишонмасдим... Бу ҳаётимда

рўёга айланган мўжиза бўлса керак деб ўйлайман. Балки эмас, аслида ҳам шундай”.

Атиги: “Яхшимисан?”, – деган савол мени булбул каби сайрашимга сабаб бўлганини иккимиз ҳам сезгандик. Ҳаяжонимни билдирмасликка қанчалик уринмай, ўзимни қўлга олишнинг уддасидан чиқа олмаётган эдим. Ичимда занжирбанд бўлган, тезроқ ўз эркинлигига эришишни истаган туйғулар бор эди. Ўзимни қўлга олишим шарт эди.

Туйғуларим ва ўзимни бағишлайдиган инсоним бўлса агар, у ҳам мен ҳис қилган дардларни ҳис этган аёл бўлиши керак.

“Сен яхшимисан, деб сўрамайсанми?”, – деди.

“Мени хабарсиз қолдириб, йўқолиб қолиш учун арзирли сабаблари бўлган аёлнинг аҳволи яхшидир, дея умид қилаётган эдим. Шу боис сўрашга ҳожат йўқ деб ўйладим”, – дея жавоб бердим.

“Бу ерда қурган ҳаёт тарзинг ва ишлаётган жойингга кўникканингдан хабарим бор. Сен учун хурсандман. Истанбулга келганимизга кўп бўлмади, онам билан бирга холамнинг уйига жойлашдик. Энди эса, кўриб турганингдек, семинарларга қатнаяпман. Ишлаётган жойимнинг бу ерга алоқаси бўлгани сабабли ҳафтада бир-икки марта семинар юзасидан келиб тураман. Тез-тез учрашиб туришимиз табиий. Мендан зерикасан. Дарвоқе, онамнинг саломатлиги бир муддат кескин ёмонлашди. Уни йўқотишимга бир баҳя қолган вазиятга тушиб қолдик, аммо қисқа ва мураккаб даврни ортда қолдирдик, минг шукр. Ҳозир аҳволи яхши. Холам

ҳам ёнида. Йўқолиб қолиш мавзусига келадиган бўлсак... Оғриган қанотлари оғирлик қилгани учун ўз қобиғига ўралиб олган бир аёл ҳақида бундай дея олмайсиз, бейим. Агар мабодо ичимдаги дардларни тўкишга жасорат топсам, сен билан қаҳва ичишга рози бўламан. Қирқ йил ўтса ҳам унутмаймиз", – дея қўшимча қилди, аммо мен у бундай жасоратни топа олиши амримаҳол эканини ҳис этардим.

"Мен бу ерда ҳаёт қурганим ва иш жойимга кўникканимни қаердан биласан?", – дея сўрадим.

"Сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, табиийки. Сенга бу ердан иш бўйича қўнғироқ қилганларида, сен ҳақингдаги маълумотларни интернетдан олганини айтишган. Ҳар ҳолда, сен шундай деб ўйлайсан. Аввалги ишлаган жойимда ноҳақликка учраганимни эсла. Мени қандай сабабга кўра меҳнатимдан айирганларини эсла, ушбу ҳақсизликнинг қаршисида ҳатто ўзим оғиз очмаган бир пайтда вазиятга сен аралашган эдинг. Мен эса у ердаги ишдан бўшатиладганимдан кейин янги иш жойимда узоқ вақт меҳнат қилгач, мудиримдан илтимос қилдим. Ишга эҳтиёжи бўлган бир дўстим борлигини айтдим. Жони соғ бўлсин, рад этмади. Сўнгра бу ерга қўнғироқ қилиб, сени чақиртиришларини сўраган. Сени мендан биров узоқлаштиришди, аммо муҳим эмас. Сен ёлғизликка кўникиб қолган инсонсан. Сен ҳақингдаги маълумотларни уларга мен берган эдим. Шуниси яхшироқ бўлади деб ўйлаганим учун вазият аслида қандай эканини сенга айтмасликларини сўрадим. Иккимиз учун ҳам эшиклар бир вақтда ёпилди ва бир вақтда

янги эшиклардан ичкарига кирдик. Бу сафар йўқотган эмас, бахт сари қадам ташлаган инсонлармиз. Яъни ҳар ҳолда сен..."

"Бундай иш қилганингга рост, ишонгим келмаяпти. Сендан яхши сценарист чиқади. Мен ҳодисалар бу қадар тезда рўй бергани сабабли чуқурлашишни истамадим. Демак, бу ишнинг ичида сенинг қўлларинг бор... аммо охири оқибат, турли эшиклардан кирган бўлсак ҳам, айти йўлда учрашдик. Бундан ҳам таажубландим, албатта. Сендан хабар ололмагач, сени бир умрга йўқотиб, ортиқ кўра олмайман деб ўйлаган эдим. Гарчи эга бўлмаганимни қандай йўқотишим мумкин... Аммо бизни ҳаяжонлантирган туйғуларга нисбатан янглиш нигоҳлар билан ёндашмаслигимиз керак экан. Буни менга сен ўргатдинг, миннатдорман", – дедим ва суҳбатимиз шу ерда ўз ниҳоясига етди. Ҳаётимда илк марта бу қадар ҳайратланишим эди. Ўтиб кетар экан, менга шундай қарадики, мен нималарни ҳис қилдим, билолмай қолдим...

Ҳамма нарсада унинг қўли бор эди. Севгига чанқоқ қалбим ила бу қўлнинг бармоғига узук тақсаммикин? Кўрасан ҳали! Ўйин қандай ўйналишини сенга кўрсатиб қўяман, аммо мен ўйнаган ўйиннинг юкини бир умр кўтариб юрасан.

У билан суҳбатлашган кунимнинг сўнггида уйга қайтар эканман, заминда қиш мавсуми бўлишига қарамай, кўнгил боғимда чечаклар очилган эди. Буни сездим. "У буни қай тарзда амалга оширди?", – дея савол бермайдиган бўлдим ўзимга; чунки унинг ҳам ортиқча хатти-ҳаракати йўқ эди.

Бу яна қалбимнинг қилмиши эди. Мен қалбимни яхши танийман. Бир неча ойлардан бери мендан бир қанча километр масофали узоқликда бўлган қалбим, у билан гаплашган лаҳзамдан эътиборан нафасим қадар яқин келганини ҳис этдим. Менга бу ҳисни ато этган аёлга шу қалбим ва умримни фидо этган бўлардим...

Қайси инсон бундай қилмаган бўларди?

Ўйласангчи, ўз қобиғингга чекиняпсан. Инсонлардан узоқсан, муҳаббатинг борлигига анчадан буён ҳатто ишона олмаяпсан. Севгига чанқоқсан, аммо бу чанқоқни қондиришни истамаяпсан. Қондирсанг ҳазм қила олмаслигингни, севиш ва севилишдан толиқишингни биласан.

Эски дардларинг билан қайта юзлашиш эҳтимолидан кўрққан ҳолда яшашда давом этяпсан. Аммо у келгач, севги куртаклари япроқ оча бошлайди. Юрак уришларинг тезлашади. Узоқ йиллардан буён кўникиб қолган ёлғизлигингдан узоқлашиб, ишққа яқинлашасан. Босган ҳар бир қадамингда илиқликни ҳис қилаверасан. Қалбинг борлигини эслайсан. Севганинг сари толиқишингни эмас, у билан ҳаловат топишингни ўйлай бошлайсан.

Баъзи дардлар баъзи жумлаларга сиғмагани каби, ҳаётдаги энг гўзал нарсаларни ҳам бирор сўз билан таърифлашнинг имкони йўқ.

Уни кўрмагунимга қадар туйғуларимдан амин эмасдим ва бу қадар тафаккурга берилмас эдим. Содир бўлган ушбу ҳодисалар туфайли ҳатто дадам билан айна ширкатда ишлаётганимиз ва мени кўрса ҳам хотирлай олмаганини унут-

ган эдим. Бироз вақт ўтгач, унинг ҳаттоки борлиги ҳақида ўйламаётганимни пайқадим, аммо бунинг сабабчиси ўзи эди. Мен уни ёдга олмаслигим учун ҳалокатга учрашим ва хотирамни йўқотишимга ҳожат йўқ. Бусе ҳар ҳафта мажлисга келишини кутиб, кун санаганча бахтли эканимни ҳис қилардим. Юрагингиз тез уришига сабаб бўлган инсонни йўқотишдан қўрқиб севсангиз ва у билан бир осмон остида нафас олаётганингизни ўйлаб, борлигидан бахтли эканингизни ҳис қилиш сизга етарли бўлса, бу севиб-севилиш ва бахтли бўлишга умрингизнинг сўнггига қадар лойиқ эканингиздан далолатдир.

У ширкатга келиши кутилаётган куннинг тонгида ичимдаги туйғуларга минг бир умид бағишлаган чечаклар ила очдим кўзларимни. Вақт гўёки тўхтаб қолгандек, ўтаётган узун куннинг тушлик вақти тугаб, кутилган онлар ҳеч яқинлашай демасди менга...

Ўтган сафарги жамоа ширкатга келди, аммо бу сафар Бусе йўқ эди. Келган жамоанинг раҳбарлигида бошқа инсон турарди.

Мажлис дарҳол бошланганлиги боис нима сабабдан келмаганини сўраб-суриштира олмадим. Илк соатда Бусени тинглаётгандек ҳис эттирдим ўзимни, аммо бошқа инсонлиги билинди. Юрак уришингиз тезлашишига сабабчи бўлган инсоннинг борлигини бир маротаба бўлса ҳам ҳис қилган бўлсангиз, унинг ўрнини бошқалар билан тўлдиролмай-сиз...

Танаффусда Бусега кўнғироқ қилдим, аммо гўшакни кўтармади. Ёмон хаёлга боришни истамадим. Мажлис ўз ниҳоясига етгач, унинг ўрнига келган масъулдан Бусе нега келмаганини сўраганимда, билмаслигини айтди. Кун якунланганидан сўнг, уй томон йўл олдим. Босган ҳар бир қадамим мени ширкатга қайтаришни истагандек ҳаракатланарди. Уйга келгач, ўзимни тўғри ювиниш хонасига отдим. Ҳаммомда бир неча дақиқалаб нима сабабдан мени менсимагани, ҳатто гўшакни кўтармагани ҳақида ўйладим, аммо жавоб топа олмадим. Ушбу вазиятда мен жавобгар эмаслигимни англадим.

Умидларим бу аёлга бел боғлагани сари мени тугундек ўраб олар ва ўраб олгани сари янада зичлашиб борарди. Балки унга ортиқча эътибор бериб юборгандирман. Билмадим.

Ҳаётимга киритмасам, уни кўра олмасдим, аммо уни ҳаётимга киритишнинг имкони борми? Балки у қадам ташлаш мумкин бўлмаган бир кўчадир. Мана шундай чорасизлик юзага келганди. Бир инсонни ёки ҳар қандай хотирани ҳис этиш учун у оғриқли бўлса ҳам ҳаётга киритиш лозим. Мен уни ҳаётимга киритишдан қўрқмас эдим.

У менинг қалб кўчаларимга келмаётган эди. Соҳилимга ташриф буюрмасди. Мен кўпроқ шу боис ранжиган эдим. Ёки менга ажратиши мумкин бўлган вақти йўқ эди, ёки қалбидан жой бериши мумкин бўлган майдони...

Зеро ҳаётда ҳам кўпроқ шундан қўрқар эдим. Бир ин-

соннинг қалбидан жой ололмайдиган даражада қадрсиз эканимни ҳис этишдан...

Бу кўрқувимни ҳеч енга олмадим. Мени тарк этмайдиган ҳолга келди, қабул қилдим. Бир инсоннинг қалбидан жой эгаллашга нолайиқдек ҳис этганимнинг азобини изоҳлай олмайман. Бир инсоннинг сизга вақт ажрата олмаслиги, қалбидан жой бера олмаслигидан яхшироқдир.

Шу қадар чорасиз инсонлармизки, икки дарднинг бири билан қониқишга мажбурмиз...

Ушбу вазиятда биргина овунч қолади: "Менга соғомон экани етарли. Ким билан яшаши муҳим эмас, менинг қалбимда яшасин, шуни ўзи етарли", – дея оламиз, холос. Бу билан чекланибгина қолмай, қалбида бизга тегишли бўлган жойни бошқасига берганида ҳам уни дуо қилишда давом этамиз.

Кўрқувларингни босиб ўтишга қанчалик уринма, баъзан бунинг ўзи етмайди. Ошиб ўтсанг ҳам фойда қилмайди.

Сўнгра кўрққанинг бошингга келади, бу дардни ҳеч бир тарзда таърифлаб бўлмайди.

Бусе мажлисга келмаган кундан икки-уч кун ўтгач, ухлаб қолганим учун ишга кечикдим.

Иш жойимга эндигина келган эдим ҳамки, у ширкатга тегишли машинага чиқаётганини кўрдим. Соатга қараганимда 11:38 эди. Улар мени кўрмади, аммо мен уларни аниқ кўра олгандим.

Рулда ўтирган инсон ким эканини ўз кўзларим билан кўрмасам-у, фақатгина эшитган бўлсам, бундай эҳтимолни хаёлимга ҳам келтира олмаган бўлардим. Рулда ўтирган киши дадам эди. Бусенинг дадамда қандай иши бўлиши мумкин?

Турган жойимда қотиб қолдим. Бу аёл нима қилмоқчи? Ўзимни ёмон ҳис қила бошладим.

Дарҳол ширкатга кириб, дадамнинг бўлим мудиридан у биров аввал қаерга кетганини сўраш ўрнига, ўзим ишлайдиган бўлим мудирининг ёнига бориб, бугун ўзимни ёмон ҳис қилаётганимни айтишга қарор қилдим. Сўнгра мени уйга қўйиб юбордилар. Уйга келгач, ўзимни ётоққа отдим. Нигоҳим шифтга термулганча шу аснода ухлаб қолибман.

Уйғонганимда кун қоронғулашган, ёмғир ёғаётган эди. Ёмғирнинг деразага урилган ҳар томчиси жонимга ботаётгандек эди. Кўзларимни очганимда хаёлимга келган ягона нарса, Бусенинг мажлис учун ширкатга келмагани, унга қўнғироқ қилганимда гўшакни кўтармагани, ёнимга қайтмагани эди.

Кулгим келди. Дард шу қадар эдики. На кулишни, на йиғлашни билмасдим. Мени бу қадар эътиборсиз қолдириб, ер юзидаги ҳаётимни сўроққа тутишга мажбур қилган аёл кўзёшларимга арзийдими?

Менимча, арзимасди, чунки мени менсимаётган эди. Мен у учун ортиқча эдим. У менинг эътиборимни тортганини ўзига сездирмаслигим керак эди. Бу хатога йўл қўймаслигим лозим эди, аммо бўлар иш бўлди яна. Борлигимни қадрламаган бир

инсоннинг борлигига шукр дейиш мантиқсиздек кўринарди. Мантиқсиз экани тобора оғир ботиб, туйғуларим Буседан воз кечишга тараддудланаётган эди.

Кунлар жуда тез ўтарди. Мажлис ўтказиладиган яна бир кун келди. Мажлис вақти келгач, залга ўтдик. Ўша куни у келгани ёки келмагани билан қизиқмадим. Очиги, хавотир ҳам олмаётган эдим, аммо келибди. Эшикдан ичкарига кирганида, овозини эшитмагунимча келганидан хабарим йўқ эди.

Бошимни кўтариб қарашга ҳам ҳожат сезмадим. Кўзларига қарамаслик учун ўзим билан имкон борича курашдим. Ҳисларим ақлимдан устун келди... Ўзимга енгилдим...

Ундан ранжиган эдим. Ушбу вазият уни асло қизиқтима-са-да, мен ундан қалбан хафа эдим. Балки ҳатто хабари йўқдир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

**Шундай аламлар борки, буни уларга
сабаб бўлган инсонлар эмас, ранжиган
қалбларимиз билади, холос...**

Танаффус эълон қилинган, у ва залдагилар ташқарига чиқишди. Чиқаётган пайтида бошимни кўтариб қарамаган-лигим диққатини тортди.

Мажлис тугаган, ўтган сафаргидек оҳиста ҳаракатланиш ўрнига, бу сафар ҳамма билан биргаликда чиқиб кета бошладим. Бу ҳам унинг диққатини тортди, сездим. Тараддудланиб бўлган, эшик томон йўл олганимда мени чақирганини эшитдим:

“Ботир!”, – деди ҳаяжонли овозда.

Жавоб бермай, тўғри эшик томон юришда давом этдим. Менинг ҳикоям ўз исмимни унинг дудоқларидан эшитиш билан бошланганди, аммо бундан унинг ҳаттоки хабари йўқ эди. Бу ҳикоянинг муаллифи ҳам унинг ўзи эди. Ўз ниҳоясига етган нарса эса, менинг умидларим ва орзуларим эди. Энг ёмони эса, буларнинг барчасидан унинг хабари йўқлиги эди...

Унга эътибор бермаганимни пайқагач, мен томон яқинлашганини ҳис этдим. Қўлимдан тутиб, мени ўзи томонга қаратиб олди.

"Нима қилмоқчисан сен?"

"Уялмасдан шу саволни мендан сен сўраяпсанми? Буни мен сендан сўрашим керак бўлган бир пайтда, сен нега сўраяпсан? Мендан олган жавобинг сенга нима фойда келтиради? Зотан сени шу тарзда совуққонлик билан муносабатда бўлиш ва баъзи нарсаларни кўрмасликка олиш қониқтирар экан. Мени менга эришмасдан йўқотиш ва ортиқ қайтара олмаслик сенга нималарни беради, буни ҳам билмайман; аммо эътиборга арзимайсан. Балки сени ўз наздимда ортиқча эъзозлаб юборгандирман", – деганча ичимдаги аламни тўқдим. Айтганларимга жавобан кўзлари ёшланганини кўрдим.

"Нимани кўрмасликка олганимни айта оласанми менга? Сеними? Кўрмасликка олган нарсаларим бор, тўғри, аммо бу сен эмассан. Ишон менга. Илк хиёнатни менинг кафтларим ичидаги чизиқларгача ёддан билган инсондан олгандим. Бу дард қандай эканини биласанми? Буни кўрмасликка олиб келяпман, мисол учун. Укам ва хаста онамни менга ташлаб кетган инсоннинг хиёнатини кўрмасликка олиб келяпман. Уддалай олмаяпман. Уддасидан чиқишга ҳаракат қиляпман, холос. Баъзан енгиладигандек ҳис қиламан ўзимни, сўнгра онамнинг менга эҳтиёжи борлигини эслайман. Қаддимни ростлайман.

Мен учун ноҳақ бўлган дардларнинг бош ролида ўйнашда давом этяпман. Узоқ йиллардан буён сиртимдаги юкларнинг қолдирган изларини кўрмасликка олиб келяпман. Сенга бу ерда кўрмасликка олган барча нарсаларимни санайман, нега кўрмасликка олинганини англаганинда шукр қиласан.

Мен сени кўрмасликка олишим учун туйғуларимнинг назар доирасига киришинг керак бўлади. Сен қалбимнинг йўлида ҳануз йўқсан.

Ҳатто "дада" дея атай олмаган инсоним онам, укам ва мени ташлаб кетди. Эл одами қандай тарк этмасин, дея-дея ёлғизлик ва шунча дардлар денгизига лангар отдим. Менинг денгизим мовий эмас, қора эди. Осмонимда қуёш ҳеч порламади... Гарчи ўз отамнинг ҳам элдан фарқи йўқ эди...

Бироз вақт ўтгач бир инсон билан танишдим. Уни инсон деб билган ҳар бир оним учун ўзимдан уяламан.

Ўё шунча дардларим камдек, аламларим қаторига у ҳам келиб қўшилди.

Ярамга ёр бўлиши керак бўлган бир пайтда, туз бўлди... Кўзёш бўлди. Бедорлик бўлди. Армон бўлди. У, "дада" дея атаган инсонимдан сўнгра мен яқин кела олган илк соҳилим эди. Ўзинг ўйлаб кўр, қаршимда икки нафар эркак бор. Бири, бизни ёлғиз ташлаб, ҳатто ортига қарамай воз кечиб кетган дадам; иккинчиси эса, ичидан чиқиш мушкул бўлган тўфонларни енгиб ўтиб, қирғоғига ишонган, соҳилим деб атаган инсонимдир. Иккиси ҳам армон, иккиси ҳам пушаймонлик, иккиси ҳам дард... Уни ҳақиқатдан ҳам севган эдим.

Севмаслигим керак экан, аммо қалбим бу ўйиннинг қоидаларига риоя қилмади. Ҳисларим кучсизланди. Энди сен менинг назар доирамга кирсанг ҳам мен сени қандай кўра оламан?", – дея жавоб берди.

"Ҳозир мен сенга бошингдан ўтказганларингни тушунаман, десам кўплаб дардларга хиёнат қилган бўламан... Ноҳақлик бўлади... Нима дейишни билмайман. Аллоҳ мушкулнингни осон қилсин. Биламан, юкинг оғир. Ҳеч бўлмаганда, шуни ҳис қиляпман.

Балки сендан бу қадар хавотир олиб, туйғуларим сенга боғланишининг сабаби онангга бўлган меҳринг ва эътиборингдир. Унга суянишинг ҳам, чунки менинг ҳаётимда ҳам энг муҳим нарса онамнинг борлигидир.

Мени сен томонга тортган сабаблар бор эди. У сабабларнинг қаршисига чиқиб, тўсқинлик қила олмадим. Афсусданман... Хавотир олма, шунча дардларинг ичида сени ўзим билан оввара қилдириб қўймайман. Мен сени махфий севги ила севаман. Тонгги соат беш сингари. Инсонлар уйқунинг энг ширин қисмини кўраётган маҳал.

Сабоҳ азонининг ҳузури ила севаман. Сен мени узоқда деб ўйлайсан, мен сени бошим узра ҳис этаман.

Сени севиш учун бирдан ортиқ етарлича сабаб топишим мумкин. Сенга фақат севишини айтган инсонлар учун, тузли қаҳвангни ичишга тайёр бўлган инсонни ранжитма. Улар фақат сени севгани ҳақида гапирадилар, мен эса тузли қаҳвангни ичаман", – дедим.

“Масалан? Бирортасини айта оласанми?”, – дея сўради.

“Менга қалбингни очганинг... Дардларингни айтишинг. Аёл киши армонларини ҳаммага ҳам айтавермайди. Мабодо чин юракдан севишни билмаган инсонга дуч келса, аёлни ер билан битта қилади...

Аёл ўз дардларини ишонган ёки ишонишни истаган инсонига айтади.

Бу вазиятда ўзимни қанчалик муҳим ҳис этишим кераклигини билмайман, аммо аёл киши дардларини айтмаган инсонни севмайди. Ҳар ҳолда, мен шундай деб ишонаман.

Бир хил дардларнинг соҳиби сифатида бир хил эшиклардан кирдик ва ушбу эшиклар бизга бир-биримизни кашф эттирди.

Мендан: “Мени қанчалик кучли сева оласан?” – деб сўрама. Сенга бу ерда тонгга қадар етарлича сабаб келтиришим мумкин. Туйғуларим устида кўп ишладим. Ишқ мактабида ўқидим. Нима бўлган тақдирда ҳам, сенинг дардларинг менинг туйғуларимдан оғир. Худбинликни ёқтирмайман, аммо дардларингга малҳам бўлишда ёрдам...” дер эканман, гапимни бўлди.

“Тўхта. Бунни асло айта кўрма. Аёлларни яхши билишингни тахмин қилган эдим. Ичига ортиқ сиғдира олмагани учун танимаган инсонига дардларини сўзлаб берган аёл, масаласини ўзи ҳал қилиб, шу тарзда севишни истайди.

Яна бир армон уни ҳақиқатдан ҳам синдириши мумкин; бироқ сен менга ёрдам беришга урина кўрма. Бу юкларнинг тагидан чиқа олмайдиган бўлсам ҳам мени у тошларнинг

остидан қутқаришга интила кўрма. Мағлубиятим ҳам дардларим учун буюк мукофот бўлиши мумкин.

Биз сен билан узоқ инсонлармиз. Мен севишни севадиган аёл эмасман. Ўша икки армоним севишга бўлган туйғуларимни ўлдирди. Туйғуларим ва қалбим энг гўзал муҳаббатга ниҳол очмайдиган бўлиб қолди. Менда гўзал ишқ ярала олмайди.

Сени толиқтириб кўяман. Сен ишққа ошиқ, севишни севадиган бир инсонсан. Буни ҳис қила оляпман. Сенинг дардларинг мен билан янада оғирлашади. Кўтара олмаслигингдан кўрқаман. Мени ўзингдан кўрқитма, илтимос. Менга нисбатан қатъий эканингнинг сабабини тушунапман, аммо сен ҳам мени тушунишинг керак. Қалбининг эшигини қулфлаб, ўзини шу эшикдан ташқарига чиқаришдан кўрқадиган бир аёлни тушунишинг керак... Тушунаётганингга шубҳам йўқ.

Қалбимнинг эшигига ҳеч бир калит тўғри келмайди. Мажбурлама. Ўзингни толиқтирганинг қолади, холос.

Мен сабабли жонинг янада қаттиқроқ оғришини истамайман. Ташқарида сени ҳис этишни истаган бир қанча қалб борлигига аминман. Улардан бирортасини топасан. Уни кучли севасан. Кўзлари сенга муҳаббат ила боқади. У аёлга назар солганингда, ҳатто ўз дардларингни унутасан. Мен сенга дардларингни унуттира олмайман. Дардингга дард бўламан. Оғрийсан... Ёнасан... Парчаланасан...

Ичингдаги бу севгини лойиқ бўлган аёлга бахш эт, илтимос. Ўзим лойиқ бўлмаган қалбга эгалик қилишга уринсам, ишққа хиёнат қилган бўламан. Бу севги менга ҳалол бўлмайди

ҳам. На сен мен томонга кел, на мен борай кўчангга... Сен баҳорда янги ишқларга умид бағишлайдиган митти мойчечаксан...

Мен эса бутун чарчоклари ила кузда шохидан узилишни кутаётган сўлмиш бир япроқман...

Шу қадар узоқмиз, кўриб турганингдек", – дея қўшимча қилди.

"Биримиз мойчечак, биримиз қуриган япроқ бўлсак ҳам, мен сен учун сўлар ва сенга яқин бўлардим, аммо имконлар бунга йўл қўймайди деб ўйлайман.

Шуни билишинг керакки, сени ҳақиқатдан ҳам сенсиз ва сассиз севаман. Ҳатто исён қилмайман. Сени сенга қарши севаман. Кечаси уйқуга кетаётганингда кўрпанг очилиб қолгудек бўлса, юрагим устингни ёпишга келади. Сен билмагайсан. Мен сен ҳақингда кимсага айтмай, билдирмай севаман. Ичимда сақлайман... Сени севишимдан ҳаттоки ўзим беҳабар бўламан", – дея жавоб бердим.

"Бу қадар масъум туйғулар учун ортиқчаман. Мен ишқ учун зулматман. Қалбинг олтиндан бўлса ҳам на ўгирилиб қарайман, на ичимдаги бу дардни чиқариб ташламасдан янги туйғуларга елкан очаман.

Зотан қалби бошқасига тегишли бўлган аёлни сен ҳам истамайсан деб ўйлайман.

Доим бахтли бўл, хўпми? Ўзингга ишқ ила боқ..", – дея ёнимдан узоқлашди. Аслида ҳеч келмаган бир аёл, шу лаҳзада мендан кетганди. Мен ўзимни кеч қолгандек ҳис этдим, шу боис ўзимдан ғазабландим. Бироқ ўзимни айб-

лашим ҳеч нарсани ўзгартирмас эди. Агар бирор нарсани ўзгартирганида эди, туйғуларим бу аёл учун ҳатто умр бўйи занжирбанд бўлишга тайёр эди.

Аммо ўзгартирмаслигини иккимиз ҳам билардик. Унга босим қилмаслигим, жонидан тўйдирмаслигим керак.

Болалиги бўлмаган, болалик қаноти етишмаган бир инсон сифатида мендан ажойиб ота, онасига фарзандлик қилишда содиқ бўлган бу аёлдан эса ажойиб она яраларди...

Бу аёл мен уйланишим керак бўлган аёл эди. Аллоҳ қалбимга бунинг ҳиссини берган эди. Мен ҳам узоқ вақт давомида гўзал орзуларга маҳлиё бўлиб кездим. Ундан ғазабланмадим. Ғазаблана олмадим. Бунга ҳаққим йўқ эди. Ахир ўтмишидан қолиб кетган жароҳат излари ҳамон янги эди. Менга ишонишини кута олмасдим. Зеро телбалик бўларди бу.

Шу он мен юраётган йўлдан юриб, айна ҳислар билан юзлашаётган бир қанча инсон бордир. Буни биламан. Бу вазиятда хаёлга биргина савол келади:

Дардлар ўтиб кетадими?

Менимча, дардлар ўтиб кетмайди. Инсон, жонини оғритадиган энг оғир дардларга рўбарў бўлса ҳам маълум вақтдан сўнгра ўша дардлар билан яшашга кўникади. Баъзиларининг изи қолади. Баъзилари тезда кетади.

Баъзилари билан яшашга мажбур бўламиз. Бу чорасизлик дейилади, чунки инсон ҳаёти дардларга мотам тутадиган даражада узун йўл эмас. Туйғуларни четлатиб, бир умр

дард чека олмайди. Шу боис дардлар ўтиб кетмайди. Дардлар билан яшашга кўникасан, холос...

"Ҳатто олаётган нафасимиз бизга омонат экан, дардларга шу тарзда соҳиб чиқамиз..."

Балки дардларини енгиб, қаршимга чиқар. Қаршимдан жой олиб, "Бир-биримизга кеч қолдик, аммо кеч қолгандек ҳис бўлса-да, қалбимнинг тубида сенга етарли бўлган севги бор экан. Уни сенга бағишлаш ва дуоларимга қалбингни ҳамроҳ этиш учун келдим...", – деб айтар.

Бу ҳам орзулигича қолиб кетди. Бу аёл билан боғлиқ бир қанча орзуларим бор эди. Буни сўзлар билан ёзишга уринсам, алифбо етмай қолган бўларди.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

У кун мушт юзга эмас, қалбга келиб урилди

Чоршанба куни эди. Ширкатда ишлайдиганларнинг барчаси ўз вазифасини қилар экан, пешин соатларида қабулхонадан кўнғироқ қилиб, менга карго келганини айтишди. Онамга ёнимда олиб келолмаган бир-иккита буюмларимни, кундуз куни уйда бўлмаслигим сабабли иш жойимнинг манзилини бериб, каргодан юборишини сўраган эдим.

Нарсаларимни олгач, юқорига чиқиш учун лифт чақирдим. Эшиги очилган лифтнинг ичида уч киши бор эди. Мен ҳам кирдим. Лифтнинг эшиги эндигина ёпилмоқчи бўлиб ҳаракатланган эди ҳамки, бир лаҳзада эшик олдида Бусе пайдо бўлди. Лифт эшиги ёпилиб қолмаслиги учун шошганча оёқларимни тираб, ёпилишига тўсқинлик қилдим. Кейин у ҳам кирди. Ҳатто миннатдорчилик билдирмади. Зеро гаплашмаётган эдик. Кўзларига ҳам қарамадим. Нафратимдан эмас, қўрқувдан. Ўзимни кўра олмаслигимдан. Унга қараганимда бошқа инсонга тегишли изларни

кўрардим. Мен ҳам бир оғиз сўз айтиш у ёқда турсин, ҳатто кўзларининг ичига қарамадим.

Лифтдан ундан олдин мен чиқдим. Бугун, бу маҳалда, бу ерда нима иши борлиги билан қизиқмадим дея олмайман, бироқ бу мавзуга ортиқча берилмадим. Лифтдан чиққач, ўтган куни дадамнинг олдида нима иши борлигини сўраш ёдимдан кўтарилганини эсладим, аммо у аллақачон кетиб бўлганди. Иш куни оғир ўтиб, ўз ниҳоясига етиб қолай деганди. Карго пакетимни олиб, эшикдан ташқарига чиқдим. Уйга ширкатнинг хизмат машинасида кетишим керак эди, аммо хизмат машинаси ҳали келмаганди. Кутар эканман, чап томонга қараганимда Бусени кўрдим. Қарши йўлдаги машина ёнимдан ўтиб кетар экан, ичидан қора нимча кийиб олган киши чиқиб, ёнимга яқинлашганини кўрдим. "Демак, ошиқ бей сен экансан-да, а?", – дея юзимга урган мушти ила мени ерга ётқизди. Сабабини ўзим ҳам билмаган бир муштнинг зарбаси остида ерга йиқилдим. Шу онда бир англашмовчилик юз берганини билардим, аммо оёққа тура олмадим. Сўнгра Бусенинг қўлидан тутиб, уни машинага чиқарганча олиб кетганини кўрдим. Ҳамма тепамда йиғилганди. Ҳамма жой қонга беланганди. Бурнимдан қон дарё бўлиб оқарди. Муз ва яна нимадир олиб келишди, аммо бефойда. Сўнгра ходиса жойига дадам етиб келди. Ўрнимдан туришга ёрдамлашди, шифохонага олиб бориш учун машинасига миндирди ва у ердан узоқлашдик. Шифохонага кетаётганимизда ҳис этган оғриғимнинг таърифи йўқ. Етмаганидек, дадам мени эслаши мумкинлиги ўйлаб, ўзимни яна

да ёмон ҳис қилдим. Бугун у мушт юзимга эмас, юрагимга тегди...

Шифохонага етиб боргунимизча гаплашмадик. Дадамнинг ҳаттоки юзига қарамадим. Ўзимга келганимда қўлимда қон зардоби бор эди ва бошим узра дадам турарди.

Уни ҳаётимда илк бор ёнимда кўрдим. Ёнимизда бўлиши керак бўлган инсонлар, бизни йиллар давомида ёлғизликка маҳкум қилиб, бир лаҳзада ёнимизда бўлиб қолиши ғалати ҳис экан.

Мени эслай олмаслиги ҳам вазиятга кулгили ҳолатни кўшарди, аммо оғриқ устун келди. Шу пайтгача ёнимда бир марта ҳам борлигини ҳис эттирмаган инсоним, бугун ёнимда эди. "Бирор аҳамияти бормиди?", – дея сўрасангиз, менинг бу жароҳатим аллақачон ёпилганди...

Ўша лаҳзаларда ҳис этганларимнинг таърифи йўқ эди. Қон зардоби тугашига оз қолганди. Оғриқларим кўп эди. Кўзларим кўкарган, бурним боғланган. Ҳолатим ёмон эди. Бусе ҳам шифохонага келганини кўрдим. Ёнимизга келди, дадамга юзланиб: "Почча, бир дақиқага қараб юбора оласизми?", – деди ва иккиси хонадан чиқди.

Ҳаётимда ғайритабиий ишлар бўлаётганди ва мен буларни барчасининг бош ролида эдим.

"Почча" дедими, йўқса менга шундай эшитилдими? Кулоқларим янглиш эшитган бўлиши мумкин эмасди. Ҳа, дадам Бусенинг холасига уйланган бўлса керак деб ўйлайман. Унинг поччаси эди.

Сўнгра Бусе ёнимга ёлғиз келди. Келганидан сўнг ундан: "Мени шифохонага олиб келган одам қаерга кетди?", – деб сўраганимда, "Поччамми? Сени уйингга олиб боришимни айтдим", – дея жавоб берди.

Ишонч ҳосил қилиш учун ундан: "Сенинг поччангми?", – дея сўрадим.

"Ҳа", – деди.

Ўша лаҳзада битган жароҳатим янгиланди. Шошиб қолганимни Бусега сездирмаслик учун "Мени уйга олиб бориш учун бу ергача келиб, овора бўлибсан. Мен ўзим кета олардим", – дедим.

"Жуда қаттиқ уяляпман. Сенинг ҳаққингни қандай тўлайман, билмайман. Гапирма сен. Ўзингни уринтирма".

Менга қаратган нигоҳларининг ифодаси гўё унинг жони меникидан кўпроқ ёнганини кўрсатаётгандек эди, аммо токи ҳақиқатлар бор экан, эҳтимолларга ўрин йўқ, табиийки. Бугун жоним қаттиқ ёнганди.

Танимаган инсонимдан мушт еб, шу ҳолга келганимгами ёки дадам билан айна ширкатда ишлаётганимга ёнайми, билолмай қолдим. Дарвоқе, почча масаласи ҳам бор ҳали. Ўзимни қай тарзда қўлга олишни билмасдим. Қон зардоби чиқарилгач, шифокор рецептимни бериб, кетишимга изн берди. Тўрт кунлик муолажа белгиланганди. Бусе ёнимда эди, аммо унинг ёнимда экани бағишлаётган ҳисдан анча йироқ эдим, чунки жоним ҳануз ёнаётганди. Юзим ачинарли аҳволда эди. Бир оғиз сўз айтмадик, ҳатто. Айтишни истасак ҳам айта олмасдик, чунки гаплашадиган аҳволда эмасдим.

Уйга қайтиш учун минган автобусимизда ёнма-ён ўтирдик. Ҳатто бундан қувонч ололмадим. Уй жойлашган кўчага кирганимиздан кейин мен билан келишига ҳожат йўқлиги ва ўзим кета олишим мумкинлигини айтдим. Миннатдорчилик билдириб, ёнидан айрилдим. Ҳеч нарса дея олмади. Балки қаттиқ афсуслангандир, билмадим. Бинодан ичкарига кирар эканман, кўриқчиларнинг менга қаратган нигоҳидан юзимнинг аҳволи хавас қилгули эмаслигини англадим. Уйга киришим биланоқ ўзимни ётоққа отдим.

Оғриқларим сабабли уйқуга кетишда қийналган бўлсамда, сўнггида барибир ухлаб қолдим. Уйғонганимда соат тонгги тўрт бўлаётган эди. Ёстиғимнинг бир қисми қонга беланганини кўргач, асабларим бузилиб, йиғлай бошладим. Ноҳақ дардлар билан курашишдан чарчаган эдим, шу боис ҳатто йиғласам ҳам жоним ёнди. Оғриқларим шу даражада эди. Инсон йиғлаганидан кейин келадиган энг ажиб нарса – уйқуни бир четга суриб қўйдим, таҳорат олиб, бомдод намозини ўқидим. Ўша кечада оғриқларим бошимни жойнамозга қўйганимда тинчланган эди. Чунки бандасига дард берган Роббим, шифосини ҳам беради. Бунга шубҳа йўқ. Бусенинг онаси ҳақиқа дуо қилишни ҳам унутмадим.

Намозни ўқиб бўлгач, такрор уйқуга кетдим. Кўзларимни очар-очмас соатга қараш учун қўлимни телефонга узатдим. Соат 11:35, Буседан: "Хайрли кун" деган хабар келганди.

"Куним хайрли бўлиши учун буларнинг барчаси содир бўлиши керакмиди?", – дея ўзимдан сўрадим, аммо жавоб

бера олмадим. Шифокор ёзиб берган дориларни олишни ҳам унутгандим. Бироз оғриқларим бор эди. Нимадирлар тановул қилишга уриндим. Иштаҳам яхши эмасди. Сўнгра телефоним чалинганини эшитдим. Қўнғироқ қилаётган инсон Бусе эди. Гўшакни кўтардим.

"Яхшимисан?", – дея сўради. Овози бироз ўзгарган эди. "Яхшиман, яъни яхши бўлишга ҳаракат қиляпман. Сен яхшимисан?"

"Мен ҳам яхшиман. Сендан хавотирландим. Аҳволинг қандай, оғриқ йўқми?"

"Бироз бор. Бир неча кунда ўтиб кетади".

"Тушунарли. Бирор нарсага эҳтиёж сезсанг, айтавер. Гарчи эҳтиёжинг бўлса ҳам айтмайсан, биламан; аммо барибир айт. Дарвоқе, кеча уйга қайтаётганимизда нарсаларинг менда қолиб кетибди. Автобусдан тушганимда пайқадим. Кеч бўлгани учун қайтариб олиб келишни истамадим. Бу пакетнинг ичида нима бор?", – дея сўрамагунига қадар каргодан келган нарсаларимни эсламаган эдим. Ҳақиқатдан ҳам унутибман.

"Мухим нарса эмас, бир нечта нарсаларим бор, холос".

"Қизинг борлигидан хабарим йўқ эди".

"Яъни, қанақасига?"

"Пакетнинг ичида кичик қулфли бир қути бор экан. Мен эса қизиқиб қутини очдим, аммо қутига зарар бермадим, хавотир олма. Аввалги ҳолатида турибти. Ичида соч қисқичлари бор эди. Қизинг бор деб ўйладим. Билмаган эканман", – деди.

Ундан пакетни нега очганини сўраш ҳеч нарсани ўзгартира олмас эди. Очиб бўлган, майли. Бу аёл ички оламимга кирганини чуқур ҳис қила бошладим.

"Менинг қизим йўқ. Бўлганида, сенга айтардим зотан. Сен каби баъзи нарсаларни сақлашга ҳожат туймайман мен. Менинг ичим ҳам, ташқи оламим ҳам бир. Шу вақтгача сенинг дардларинг ҳақида гаплашдик, аммо ҳар бир инсонда бўлгани каби, менинг ҳам ўз ҳикоям бор. Мен у қисқичларни келажакда севган аёлимдан қиз фарзандим бўлса, дея тўплаган эдим. У атиги бир қисми. Улар ўша қутида қолган. Бошқа қисми менда".

"Ўғлинг бўлсачи?"

"Бу саволни беришингни билардим. Нега бу ҳақида гаплашяпмиз ўзи?"

"Жавоб бера оласанми?"

"Агар ўғлим бўлса, у учун тўплаган Volkswagen тўпланим бор".

"Сен нақадар кучли орзуларга соҳиб инсонсан, а? Шу пайтга қадар ҳеч бир эркак қилмаган ишнинг орзуси ила яшаш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди бу ҳаётда. Ҳақиқатдан ҳам жуда шахсий экан. Пакетни очганим учун узр сўрайман. Сени яқиндан таниб олишни истадимми, билмайман, аммо такрор сўрайман, айбга буюрма..."

"Мени таниб олишни ўша пакетни очишдан бошладингми? У қутининг ичида қисқичларни кўрмаганингдечи? Мени танишни истамаган бўлармидинг?"

"Балки бу бир ишоратдир. Ишқнинг менга белгиси-

дир. Биласан, ишқни яшаб кўрмасдан натижага эриша олмаймиз".

"Тўғри айтасан... Йўлнинг якунига келганингда ишқ белги бераётганидан сўз очяпсан менга. Мен бир кўзимни оча олмаётган пайтимда. Ўтган куни ширкатнинг ёнида менга мушт туширган одамми дардларингга сабабчи бўлган?"

"Ҳа, ўша кунги ҳодиса учун чин дилдан афсусдаман. У билан бўлган барча алоқаларни уздим, чунки сенга бундай қилмаслиги керак эди. Қилмаслиги керак бўлган ишни қилди. Буни кечириб бўлмайди. Мен ҳам воз кечдим. Шу он ундан ҳатто нафратланмаяпман. Чунки нафратга ҳам арзимайди. Ўтмишимизни ҳурмат қиламан, аммо аёл киши воз кечишга қарор қилса, севган одамидан кетишга ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди"

"Бундан муҳимроқ бўлган нарса бор. Энди иккимиз ҳам у одам қолдирган оғриқни кўтариб юрибмиз. Сен қалбингда, мен эса юзимда. Иккимиз айна дамда айна ҳаракатни амалга оширяпмиз ва бу иккинчи маротаба бошимизга келиши, аммо иккимиз бир жойга келганимизда бирликда биз бўла олмаймиз. Мен кимнингдир дардини кўтаришга мажбур бўлганимда эди, унга эмас, сенга оид дардларни кўтаришни истаган бўлардим.

Воз кечганингдан афсусдаман. Ҳаётда бошланган ҳар бир нарса бир кун келиб ўз ниҳоясига етади. Умр каби...

Дунёга келганимизда қулоғимизга айтилган азон, ўлганимизда эса ортимиздан берилган салот бу вазият ҳақида хулоса беради деб ўйлайман, аммо маърифат инсоннинг

тириклигида энг гўзал тарзда сақлаётган туйғулари ила ҳар нарсасини таслим эта олишидир... Бошқа кимнингдир эмас, бир-биримизнинг дардларимиз ила юзма-юз келишимизни тилайман. Аллоҳга омонатсан. Нарсаларимни ўзимга келганимдан сўнг оламан. Қутиларим сенга омонат..." – дедим ва телефон суҳбати ўз ниҳоясига етди. Бўлиб ўтган воқеа Бусени менга бироз яқинлаштирган эди, сезишимча. Балки виждони қийналгандир, аммо нима бўлган тақдирда ҳам, воз кечганини айтди.

Шу онда юрагимнинг уришини ҳис этганингизда эди. Бир қалбим бор экан, буни англаб етдим.

Ҳатто биргина телефон суҳбати менда яна бир янги "мен" кашф эттирди. Фақат мен бўлсайдим қалбида, энг гўзал ҳисларим акс этарди унинг кўзларида.

**Ундан оёқ-қўлини чекишга тараддудланган ҳисларим,
унга яна бел боғлади. Мен яна бир тугунман...**

Кел ва еч еча олсанг...

Бир ойдан сўнг...

Бусе билан ора-сирада юзма-юз келардик, аммо кўп гаплашганимиз ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Эътиборимни унга нисбатан туйган ҳисларимда жалб қилмадим. Жалб қилсам иккимиз ҳам толиқар эдик. Бир-биримизга вақт бергандек эдик.

Ўтган бир ой ичида йиллик таътилимдан фойдаландим, Анталияга бориб, онам ва укам Йигит билан ҳасратлашдим. Анталияга борганимдан уч кун ўтиб ёмон хабар олгач, тушкунликка тушдим. Бусенинг онаси узоқ вақтдан бери қандли диабет хасталиги билан курашиб келаётган эди, охир-оқибат ҳаётдан кўз юмибди. Бусе онасининг ўлимидан хабар топгач шок ҳолатига тушган. Ҳаёт у тутган ягона шохни кесди. Ачинарли ҳолатда эди. Мен ҳам бу хабарни олар олмас эртаси куни Истанбулга, унинг ёнига келдим. Аҳволи ёмон эди. Қилган ягона иши, мени бағрига босиб йиғлаш бўлди.

Мен эса нимадир қилгим келарди. Ҳаётдаги баъзи кетишлар кечиктирилиши мумкин, аммо гап ўлим ҳақида кетар экан, қўлдан нима ҳам келарди?

Кўникишга уриниб, яшашда давом этишдан бошқа чора йўқ эди. Бусе жуда оғир даврни бошдан кечирди. Ва бу вақт мобайнида мен доим унинг ёнида бўлдим, унинг қайтадан тутинган новдаси бўлиш учун ҳар нарса қилишга тайёр эдим. Ўзига бирор-бир зарар етказиб қўйишидан қўрқиб, бир онга бўлса ҳам ёнидан айрилмадим, доим дастак бўлишга ҳаракат қилдим. Қанчалик уддасидан чиқдим, билмайман; аммо инсон тутинган ягона шохнинг кесилиши энг ёмон нарса экан...

Тутинган дарахтимизнинг шохлари кўкка қанчалик юксалмасин, ҳамма нарса тупроққа боғлиқ...

**“Туйғулари самода кезганларга,
бир кун келиб тупроққа қайтишини эслатишни истайман.”**

ТҮРТИНЧИ БЎЛИМ

Қалбимни сенга бахшида айлаш учун келдим.
Қўлларингни бер, орзуларимиз ила самога учайлик.
Тупроққа такроран қайтишимизни билган ҳолда
бир-биримизни умрбод севайлик...

Дадам унинг ўғли эканимни аммамдан эшитибди. Бундан хабар топгач, мен билан гаплашишни истади. Менга қолса асло айтмаган бўлардим, аммо билиб олиши тақдирда бор экан.

Жавоби қандай бўлишига қизиққанам боис у билан ишдан чиққач гаплашишга рози бўлдим. Ширкатнинг ошхонасида ўтириб, суҳбат қурдик. Суҳбат узоқ давом этмади. Имкон қадар қисқа жавоб бериб, саволларидан қочдим, чунки бу ерда гаплашилаётган мавзу, мени ҳимоясиз қолдирар ва мавжуд бўлмаган болалигимнинг етишмаётган қанотларини қирқарди.

“Ўғлим эканингни нега менга айтмадинг?” – дея сўради.

“Онамни, укамни ва мени ташлаб кетаётганигда сен биздан сўраганмидинг? Буни бир четга суриб тур, кетаётганигда ортингга бир марта бўлса ҳам қарамадинг. У аёл

Бусенинг ҳам отаси йўқ менга ўхшаб. Онаси ва укасининг ўлими уни ларзага келтирди. Сен буни мендан яхшироқ билсанг керак. Ҳар ҳолда, бир уйда яшайсизлар. У менинг бўлажак аёлим. Яқинда Бусега турмуш қуриш таклифини бераман. Аллоҳ насиб айлаб, кўзлари Бусега ўхшаган қизим ёки ўғлим бўлса, ота ўз фарзандига қай тарзда эгалик қилиши, оталик қандай бўлишини сен ҳам кўрасан...

Дарвоқе, сенинг фарзандинг сифатида менда сен қолдирган ярим қанотлар бор. Буни биламан ва сендан илк бор менга оталик қилишингни истайман. Шу, холос. Сендан бошқа ҳеч нарса сўрамайман", – дея уни кўндирдим.

У ердан айрилгач, бир-биримизга нисбатан бегонадек муносабатда бўлишда давом этдик. Мен эса Бусега берадиган турмуш қуриш таклифи ҳақида ўйлашни бошлаб юборган эдим.

Узоқ вақт давомида ҳамма нарса кўнгилдагидек давом этди. Бусе онасининг ўлиמידан сўнг бир муддат ишга келмади.

Мен эса қўлимдан ва қалбимдан келганча унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилдим. Ҳар сафар унга назар солганимда, кичик қоғоз варақларига *"Сен менинг бўлажак умр йўлдошимсан"* деб ёзиб, қалбим деворларига осганимни билмас эди. Буни билган инсонлар фақат дадам ва мен эдик, аммо Бусе унга бўлган эътиборим ва ҳисларимни сезиб бўлганди. Ички ҳолатига қарамай, ҳисларимга имкон қадар қаршилик кўрсатишга уринарди. Мен унинг мана шу жиҳатини кўпроқ севардим.

бизга йиллар давомида ҳам оналик, ҳам оталик қилди. Бир аёлнинг елкасига шунча юкни юклаб кетиш инсониятнинг қайси китобида ёзилган? Айт, мен ҳам ўқийман ўша китобни. Ҳамма нарса билан курашишни бир четга суриб, у китобни ўқийман. Инсонларнинг елкасига оғир юкларни юклаганимдан кейин ортимга қарамай кетаман. Сенга айтадиган гапларим шу қадар кўпки... аммо уларни сенга айта оладиган ёмон қалбим йўқ.

Нима ҳам дердим. Буларнинг ҳеч бирининг аҳамияти йўқ. Буларнинг хисобини ҳеч қаерда тўлай олмайсан. Сенга кучли эҳтиёж сезган пайтларимиз бўлди, аммо сенинг бундан ҳатто хабаринг йўқ эди. Нақадар аянчли. Автоҳалокатга учраб, хотирангни йўқотибсан.

Ҳозир хабаринг йўқдир, аммо бир қизинг ҳам бор сени. Ҳаётида энг кўп сенинг борлигинга эҳтиёж туйган ҳолда, мен каби болалик қанотлари ярим қолган... Мени бир четга суриб тур, у сенга муҳтож эди... Бу ҳақида гапириш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, аммо хабаринг бўлсин, деган мақсадда айтяпман.

Бир қизинг борлигини, бизни ташлаб кетганингни, сенга кўп эҳтиёж туйганимизни айтишим керак эди, аммо бу ҳам тақдир ўйини. Шу пайтгача сендан ҳеч нарса истамадим. Сен томондан ҳеч нарса кутмадим, аммо ҳаётингда илк ва сўнги бор оталик қил. Ушбу ҳодисалардан онам ва Бусенинг хабари бўлмасин. Иккимизни ота-ўғил сифатида эмас, икки бегона инсонлар сифатида билсинлар. Ота-ўғилликни уддалай олмаган сен ва менинг ўртамизда бу сир бўлиб қолсин.

Ўзи ҳақида қайғуриши керак бўлган бир пайтда, фақат ўзини ўйлаб, бир бурчакка чекинмас эди. Менга ҳам эътибор қаратиб, мен ҳақимда ўйларди. Елкаси оғир юкларга тўла аёллар, кўплаб дардларни ҳис этганига қарамай, сева олади. Севилса, мана шундай аёллар севилиши керак.

Бусега ҳар қараганимда хаёлимга онам келарди, шу боис бу унга янада яқинлашишимга хизмат қиларди. Унга бўлган ҳисларим тобора мустаҳкамланиб борарди. Туйғуларим ҳақиқий ишқнинг барча жангларига қарши тараддудланар эди... Мен ўзимдан, қалбим ҳисларидан, туйғуларим йўл оладиган манзилдан амин эди.

Аслида эса, у менинг мен сузишни билмаган ҳолда чўкиб кетишни истаган ягона денгизим эди.

Бу қалбим уни оқимлари ила, соҳилларимга урилган кичик тўлқинлари ила, ҳам балиқлар, ҳам қайиқлар билан қониққан чағалайлари ила абадий қабул қиларди.

Онама Бусе ҳақида кўп мартаба айтган эдим. У ҳам Бусени камида менчалик танир эди. "Она, биз келдик" десам, келинини қабул қиларди. Бусега бўлган севгимни шу даражада билар эди...

Бир муддат Бусенинг менга бўлган ҳислари жиддий эканига ишонч ҳосил қилиш учун кутишга қарор қилгандим. Токи кунларнинг бирида Узкудар Салажак соҳилида мендан исмимнинг маъносини сўрамагунига қадар...

Овози нима сабабдан титраганини англай олмаган эдим. Шамол туфайлими, йўқса туйғулари бир маромга келгани учунми, билмадим, аммо хаёлимда биргина фикр бор эди.

Бир аёл қалбидаги туйғуларни бу тарзда ҳар нарсага соча-
вермайди...

Шамол узун, текис сочларини ёноқларига учирган асно-
да титроқли овоз билан: "Ботир?", – дея юзланди.

"Эшитаман?"

"Исмингнинг маъносини биласанми?"

"Ҳа. Ботир аслида келиб чиқишига кўра туркий исм.
Жасур ва мард деган маънони билдиради. Ранги эса мовий-
дир... Дарвоқе, нега сўрадинг?"

Унга қараганимда кўзларини қисиб, табассум қилди.
Қиз Қалъасининг денгизга сочган нурларини унинг қисик
кўзларида акс этганини кўрдим.

"Сен ҳар доим шунақа ҳозиржавобмисан?"

"Яъни қанақа?"

"Масалан, сенга бериладиган саволларнинг жавоби
доим тайёрми? Ҳеч қандай қўшимча қилмайсанми? Қаердан
билай, балки дарсингни устида яхши иш олиб бораётгандир-
сан, тушунишимча".

"Менга қандай савол беришингни билмасам, жавоблар-
ни қай тарзда тайёрлашим мумкин?"

"Масалан қара, мен сендан исмингнинг маъносини би-
лиш-билмаслигингни сўрадим, холос. Сен исмингнинг маъ-
носи билан биргаликда ранги мовий эканини айтдинг,
ваҳолангки мен рангини сўрамаган эдим. Буни айтишга сен
эҳтиёж сездинг. Сени севишим учун қаршимга бутун фази-
латларингни қўйишга уринаётгандексан гўё. Буларни сезяп-
ман, аммо бас қил, мен сенга сенда дуч келай. Сени менга

сен олиб келма... Мен ўзим келай сенинг қалбингга. Босган ҳар бир қадамимда янгиликлар кашф этиб, ихтиролар қилиб севай сени қалбимдаги энг пок севги ила. Тугун бўлган ҳолингда ўзингни менга боғлай олмайсан. Тезда ажралиб кетамиз. Сенга боғланишим учун кичик тугунлар боғлашим керак... Оқибатда иккимиз ҳам тугунга айланамиз. Сени у ерда ёлғиз қолдирмайман, хавотир олма. Шу онда бўлгани каби".

"Сенга ишқни қалбимдаги мовий ҳолати ила бағишлашим айб бўлмаса керак".

"Айб эмас аслида ҳам. Менимча, сен нима демоқчи бўлганимни яхши тушундинг. Қуйидагича тафаккур қилайлик, ҳозир самога боқ, ранги қоп-қора, шундай эмасми? Шундай. Қани, менга мовийни кўрсат. Мовий ҳақида, қушлар ҳақида истаганингча гапир. Ҳеч бир сўзинг бизни зулматни кўраётганимизга доир ҳақиқатдан айира олмайди. Шу он зулматдамиз. Мовийни кўриш учун ухлаб, тонгда уйғонишимиз даркор. Яъни айтмоқчи бўлганим шуки, ҳар нарсанинг ўз вақти бор. Баъзан тилдаги туйғулар дилга сиғмай қолади. Мен ҳам севгининг энг гўзал ҳолатини бошдан кечиришни истайман албатта, аммо кутишимиз керак. Ишқ дарҳол келадиган нарса эмас. Мени қозонишга ҳаракат қилсанг ҳеч нарса йўқотмайсан, аммо аввалига ухлаб, уйғонайлик, хўпми?"

"Ҳа, мен ҳеч нарса йўқотмайман. Инсоннинг йўқотадиган нарсаси йўқлиги нақадар аянчли... Бу само мени бир чалағай, сени чумчуқ каби бир-биримизга юзлаштирсачи?"

“Айни самонинг бир қисми остида қанот қоқишимиз бирор маънога эга эмасми?”

“Ортиғи билан...”

“Яхши, унда айтчи, ишқда исмининг маъноси каби жасур ва мардмисан?”

“Кўп қон йўқотсам ҳам сўнгги нафасимга қадар биз учун курашишимдан шубҳанг бўлмасин”.

“Агар курашда мағлуб бўлсангчи?”

“Ҳар бир жангга ғолиб бўлиш учунгина чиқилмайди. Аксарият жангга ҳатто ўлишини била туриб чиқасан. Йўқотган тақдиримизда ҳам бу фақатгина менинг эмас, иккимизнинг ҳам йўқотишимиз бўлади, аммо қалбимнинг тупроқларини сен ишғол этсанг, бу жангга йўқотишим мумкинлигини била туриб бўлса ҳам чиқаман”

“Сен телбасан. Ишқ ва ҳаётда мард қалбга соҳиб эканинг сўзларингдан маълум. Буни кўзларинг ва менга назар солганингда кўрдим. Бошқалардан фарқли равишда сева оладиган инсонсан, аммо мен шу онда бироз совуқ қотяпман”.

“Кетамизми?”

“Сенинг зафарларингда совуқ қотган зёлни иситиш йўқми? Менинг курашларимда ишққа муносиб бўлган бир инсон томонидан иситилмоқ ҳам бор...”

Уни бироз иситганимдан сўнг уйига олиб бориб қўйишим учун ўрнимиздан турдик. Бу суҳбатдан англашимча, у мени севиши учун вақтга эҳтиёжи бор эди. Буни яққол англаётган эдим.

Балки дардлари ҳануз янгидир. Мен томон қадам босишда ҳис этаётган хавотири шу сабабдан эди...

Йўлда кетар эканмиз, яна: "Ботир?", – дея юзланди.

"Лаббай, боши берк кўчам?"

"Боши берк кўча? Яъни мен сенинг боши берк кўчангманми?"

"Йўқ, сен боши берк кўча эмассан. Мен ичидан чиқишни истамаган кўчамсан, холос".

"Сен шеърлар ёзардинг, тўғрими? Бир айтгандек бўлгандинг, адашмасам".

"Йўқ, адашмадинг. Ўзимча нимадирлар ёзардим, аммо ҳозир аввалгидек вақтим йўқ ёзишга. Яъни кўп шуғулланмайман демоқчиман".

"Мен ҳеч ёза олмайман, биласанми? Яъни ҳис этганларимни тилга кўчира олмайман. Нима бўлса ичимда йиғаман, аммо фикримча, сен ёзишни ташлаб қўймаслигинг керак. Ҳатто китоб ҳолига келтириш ҳақида ўйлаб кўришинг мумкин. Ҳам балки мен сенинг шеъринг бўларман".

"Бўлмайди".

"Нега энди?"

"Шеърлар ўқилади, сени ҳеч ким ўқимасин, рашк қиламан. Мен сени ёзаман, аммо сен менинг "Бошқаси ўқийди", – дея ёзишдан чекинган ва фақатгина иккимиз ёддан биладиган шеър бўлиб қоласан. Менимча, шуниси яхшироқ. Китоб мавзусига келадиган бўлсак, энг ажойиб китобни сен: "Ҳа" деганингдан сўнг чиқараман ва бу китобнинг номи "Ҳақиқий

севги" бўлади. Балки қиз ёки ўғлимиз бўлар, энг гўзал шеъримизни унга биргаликда ёзамиз, нима дединг?"

"Буни бир дуо сифатида фарз деб биламан ва омин дейман".

"Омин".

Ҳаво анча совиган эди. Тезлашдик ва уни уйигача кузатиб қўйдим.

Севишни билмаган инсонлар, улар учун ҳар қандай фидокорликка тайёр бўлган аёлларни синдиргани оқибатида, ўша инсонларнинг бемехрлиги ва масъулиятсизлигининг ҳисобини мен тўладим доим. Ҳаётимда кўп аёл томон қадам босишни истамадим, аммо истаганларимнинг ҳам эшиклари ёпиқ эди. Ҳеч ким мени қалбининг эшигидан ичкарига киритмади.

Энг гўзал томони, севдим, курашдим, кутдим, сабр қилдим, аммо пушаймон бўлмадим. Мен нима қилган бўлсам, ишққа эришиш учун қилдим... Ёнган менинг жоним бўлса ҳам, ишонтириб айта оламанки, буларни қилганим учун бир кун бўлса ҳам афсусланмадим. Қалбим ила орадаги ўша деворни йиқитиб, юрагим билан яқинлашиб, янада кўпроқ исинганимда мен бу аёл томон энг катта қадамни ташладим. Ҳеч нарсам йўқ экан, энг кўп унга эгалик қилаётганимни англаганимда ташладим...

Аммо, "Ҳамма нарсанинг ўз вақти бор", – деганди. Вақт ҳам ҳеч нарсани ўзгартира олмайди аслида. Вақт инсонларни ҳисларидан узоқлаштиради. У ҳам мен томон кеч бўлмасидан қадам ташлар дея умид қиламан, чунки Бусенинг

исми ёнида фамилиям жуда гўзал янграйди. Ҳаттоки шу ҳам уни севишим учун етарли сабаб эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, эркак киши бўлишимга қарамай, унинг исмининг ёнига фамилиямни қўйиб синаяпман. Севилишга оз бўлса ҳам лойиқ эмасманми?

Ёки қайси дард мени четга суриши учун етарли бўлиши мумкин?

Ҳар кеча уйқуга кетишдан олдин Аллоҳдан иккимиз учун хайрлисини сўраб, айна шаҳарни баҳам кўраётганим учун шукр айтиб ухлардим.

Ваҳолангки, мен ёддан билган ягона шеър унинг киприклари эди. Ҳар кеча уни севганча уйқуга кетардим, унинг бундан асло хабари йўқ эди...

Қисқа изоҳ:

Ишқ, бир инсон учун жон фидо қилиш эмас, севганинг билан бирганликда кексаймоқ демакдир.

Ҳар ким осон нарсани танлайди, муҳими эса, машаққатни қабул қилиб, ҳисларинг билан ишонмоқдир.

Шу боис севган инсонингизга "Сен учун ўлимга ҳам тайёрман", – каби сўзлар айтиш ўрнига, "Мен билан қўша қари", – деб айтинг.

Биргаликда кексайиш, ишқнинг энг гўзал ҳолидир...

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

Ўша тузли қаҳва ичилади!

Бусе ва мен бир-биримизни яхши билиб олган эдик. Ишқ биргаликда тугунга айланиш эмас, эркин бўлиш экан. Буни англаб етдик. Нонуштага нималарни севиб тановул қилишимни, ёқтирган қўшиқларимни, энг севган таомларимни, кўрадиган фильмларимни, Бешиктошга бўлган меҳримни ва яна бир қанча нарсани биларди. Ширкатда биргаликда тановул қилган таомларимиз, нонушталаримиз, ишдан чиққач, уни уйигача кузатиб қўйган кунларим бизни бир-биримизга анча яқинлаштирган эди. Гўё етишмаётган парчам у эди, у келгач бир бутун бўлгандекман. Ўтган ушбу вақт мобайнида ундан воз кечиш ҳақида асло ўйламадим, чунки уни кутдим. Унутманг, кутиш ҳам бир меҳнатдир. Мен энг катта меҳнатни, бу аёл қалбимнинг эшигини тақиллатишини кутганда қилдим. Фамилиямга келадиган бўлсак, ҳеч қандай шак-шубҳасиз берган бўлардим, чунки уни у фамилиямни олишини истайдиган даражада кучли севдим.

Мени қалбининг ичига киритмаса ҳам бир кун келиб қалбимнинг эшигини тақиллатган бўларди, аммо тақилла-

тишига ҳожат йўқлигини, қалбимнинг эшиги у учун ланг очиқ эканини аниқ биларди. Балки ўзи ва менга тўлиқ ишонч ҳосил қилишни истагандир. Туйғуларингга ишонч ҳосил қила олмаганингдан кейин бир инсоннинг қаршисига чиқишинг ишққа маъно бермайди. Инсон ҳаётда аввало ўзи, сўнгра қалбидан амин бўлиши лозим. Кейин эса чексизлик сари қадам ташлаши керак...

Бусе фол очишда моҳир эканини билардим. Фолга ишонмасам-да, "фолга ишонма, фолсиз қолма" мазмунидаги кайфиятга эга инсонларданман. Махсус финжонга буюртма бердим ва уни қўлга киритгунга қадар Бусенинг диққатини бошқа мавзуга қаратдим. Вақти-вақти билан биргаликда бир ресторанга борар эдик. У ерда Бусе менга кўп маротаба фол очганди. Финжон қўлимга етиб келди. Унга турмуш қуриш таклифини у фол очадиган финжон орқали бераман.

Ресторан эгаси билан яқиндан бўлмаса-да, таниш эдик. Жони омон бўлсин, мени ранжитмади. Нақадар ҳаяжонланганимни сизга тасвирлаб бера олмайман. Икки кишилик ўрта қаҳвага буюртма бердик. Бусега ҳеч нарса-ни сездирмадик, чунки йўл қўйилган энг кичик хато ҳам ҳаммасини йўққа чиқарган бўларди. Қаҳвага буюртма берилгач, мен ювиниш хонасига бориб келиш баҳонаси билан ичкарида рестораннынг эгаси билан гаплашиб, қаҳва менга махсус финжонда олиб келиниши ва ишчилар диққатли бўлишини сўрадим.

Сўнг жойимга келдим, Бусе билан бироз суҳбат қурдик. Текис сочлари яноқларига либосдек тушиб турар, киприктарига бўёқ сурилган эди. Жуда жозибали эди. Мен бир тарафдан ҳаяжонни енгишга, бир тарафдан Бусени назорат қилишга уринардим. Қанчалик уддасидан чиқишимга оид ҳеч қандай фикрим йўқ эди. Ахир аёл зотига турмуш қуриш таклифини илк бор беришим, шу боис ичимдаги ушбу ҳаяжон ғоят табиий эди.

Энг катта қўрқувим эса қўлим титраб, қаҳвани устимга тўкиб юборсамчи деган хаёл эди, аммо бу ҳаяжонни ҳам енгдим. Чунки қаршимдаги аёл то менинг ёнимда экан, ҳамма нарсани енгиб ўтаман.

Сўнгра официант биз ўтирган стол томон қўлидаги патнис билан яқинлашаётганини кўрдим. Юрагим кўксимдан чиқиб, официантнинг қўлидаги патнисни йиқитиб юборадигандек урарди. Юрагим бўғзимга келгандек эди. Ишонинг менга, ростини айтаман, бу ҳаяжон бошқача эди. Ҳеч қандай сўз билан таърифлаб бўлмасди. Фақатгина ҳис этиш мумкин эди...

Мен ҳаяжонимни тўлиқ енгиш учун қаҳвани Буседан кейин хўпладим. Қаҳвамни нега ичмаётганимни сўрагач, хўплашни бошладим...

Қаҳва меъдамага кетса-да, мен ҳақиқий ишқ томон қадам босаётган эдим... Финжоннинг тубига яқинлашганим сари ҳаяжоним кучаяверди. Суҳбат этганча қаҳвамизни ичиб бўлдик. Иккимизнинг ҳам финжонларимиз ёпиқ эди.

“Фол очишимни истайсанми?”, – дея сўради.

Вазминликни сақлаб: "Йўқ демасдим, аммо аввал ўзингни финжонингда оч", – дея жавоб бердим. Сўнгра финжонини очди ва бир неча дақиқага жим бўлиб қолдик.

Сўнг ундан: "Нимани кўряпсан?", – дея сўрадим.

"Узун бир йўл..."

"Йўлнинг ниҳоясини кўра олдингми?"

"Йўқ, бир сафарга чиқишимни кўрдим, гўзал бир сафар. Сўнгра у йўлда икки йўлдошни учратганим ва улар ҳаётимга катта ўзгаришлар киритишини кўрдим", – дея финжонни ёпди.

"Қизик, сеникида нималарни кўрар эканман", – дея қўлини менинг финжонимга эндигина узатганида, қўлидан тутиб, кўзларига қараганча: "Бу фолдан ҳам бир хайр чиқса, кутаман. Кутиш ҳам меҳнатдир. Мен сени севишда давом этаман...", – дедим.

Таажубланган нигоҳлари ва табассум югурган юз билан: "Яъни қанақасига?", – дея сўради. Жавоб бермай, "Финжон сеники", – дедим...

Финжонни очгач, ёзувни кўра олмади, табиийки. Дарҳол кўришини истамаганим сабабли атайин кичик ёздирган эдим. Финжоннинг ичида "Ҳалолим бўлгаймисан?" деган ёзув бор эди. Тахминан бир дақиқа кўзларини финжондан айирмади ва бирданига эгилиб, бармоғи ила финжоннинг тубидаги қаҳва қолдиғини артиб, тубидаги ёзувни ўқишга уринди. Айнан шу лаҳзада биз ўтирган жойга яширинган конфетлар отила бошлади. Қувончдан нима қилишни билмай, қўллари билан юзини ёпди. Ресторанда ўтирганлар

олқишлашни бошлагач, Бусе бўйнимга отилди. Турмуш қуриш таклифимга энг хайрли бўлган "Ҳа" жавобини берди. Сўнгра мен ҳам уни маҳкам бағримга босдим. Ресторандагилар бизни яна олқишлай бошлади. Ўша кеча Бусенинг кўзёшлари ҳеч тинмаган эди. Иккимиз бир-биримизнинг юзимизга тегаётган кўзёшлар ила қайтадан ошиқ бўлгандек эдик гўё.

Бу таклиф севгимизнинг оташига мой сепгандек бўлди. Балки узук билан таклиф қила олмагандирман, аммо бунинг ҳам бир сабаби бор эди. Бусенинг унга берган таклифимга жавобан "Ҳа" деганидаги овоз титроқлари менга лозим эди...

Менинг бахтим сенинг овозингдаги титроқларда яширин эди. Биргина "Ҳа" деган жавобинг ила қайта дунёга келдим...

Бусенинг "Ҳа" деган жавобидаги овоз титроқларини тақадиган узукларимизга йўйдим.

Бу ҳам уни камида таклиф қадар севинтирди, чунки бахтга эҳтиёжи бўлган бир аёлни куттирмай бахтли қилиш даркор. Дарди бошидан ошган аёлни дардлари билан севиш лозим.

Мен эса буни уддалай олганимдан жуда бахтли эдим. Ўзимни бу аёлда аллақачон йўқотиб бўлганман. Изласам ҳам топа олмайман. Бу бағишлаётган бахт ила уни бир умр севишга сўз бердим...

"Аёллар севади", деб эмас, "Аёлим севади", дея мойче-
чаклар ила бир умр ишққа...

Холамнинг турмуш ўртоғи Озарбайжонда хавфсизлик хизмати ходими эди. Бусега совчи юборишим учун онам келиши керак эди, аммо укам Йигитнинг саломатлигида муаммо борлиги бунга имкон бермади, бундан ташқари, онамни ота номи бўлган ўша одамнинг қаршисига чиқара олмасдим. Чунки ҳеч бир аёл уни оғир дардларнинг оғушига отган одамнинг қаршисига яна бир бор чиқишга муносиб эмас...

Поччам рухсат олиб Озарбайжондан Истанбулга келди. Ҳаёт менга севган аёлимни онам ва отам орқали эмас, холам ва поччам орқали сўрашни насиб этибди. Бундан ташқари, севган аёлимни ўз дадамдан сўрашим ҳам ғалати эди.

Аммо ундан каттароқ вазият бор эди. Бусе фамилиямни олишига доир ҳақиқат ичимдаги ҳар нарсадан устун келарди.

Ич-ичимга сиғмас, ҳаяжондан ўзимни қўярга жой топа олмасдим. Дадамнинг юзига қараганимда ҳис этаётган дардларимни қалбимдаги ишқ босарди, шу боис халос бўла олмайдиган дардларимга малҳам бўлган аёлга юрагимдаги севгини бир умр бағишлашим керак.

Унинг ҳам бундан ҳеч қандай шубҳаси йўқ эди. Бу ишонч-ни унга мен бергандим. Аёлга умрингизни бериб, ишонч бермасангиз, у сизни севишини кутмасангиз ҳам бўлади...

Бусе мойчечакларни ёқтиришини билганим учун совчиликка қучоқ тўла мойчечаклар ва шоколадлар билан бордик. Мойчечакларни кўрар-кўрмас юзига табассум югурди. Эгнига қора кўйлак кийиб олганди. Тирноқларига ҳам қора бўёқ суриб олганди.

Қора ранг аёлга шу қадар ярашиши мумкинми? Ёнида мен оқ кийсам табиийки бу қадар ярашади...

Қалбимдаги оқ-қора ишқ ила, мен уни севгининг энг шаффоф ҳолатида севардим. Дардлари сабабли қорага кўниккан аёлга оқни севдириш мутлақо осон эмас. Туйғулари илиқ бўлган бу аёлнинг қалби совуқ қотган эди...

Севган инсонлари томондан қалби музлашга маҳкум этилган аёлларнинг музлаган қалбларини эритиш ҳар бир эркак уддалай оладиган иш эмас. Буни фақатгина бутун борлиғи ила севган инсонлар уддалай олади. Зотан бу инсонлар ҳам ёлғизликка мунтазам равишда маҳкум этилган бўлади, аммо мен ёлғизликка маҳкум бўлиш ўрнига нима қилиб бўлса ҳам Бусенинг музлаган қалбини эритиб, унинг севгисини қозонишга муваффақ бўлдим. Шу боис Роббим бунинг роҳатини ҳам кўнглимга, ҳам қалбимга берганди. Шукрлар бўлсин...

Ҳеч бир шубҳасиз, аёл зоти учун энг гўзал жой севган инсонининг ёнидаги жойдир. Унга энг ярашадиган нарса эса, севган инсонининг фамилиясидир. Яъни жамийки гўзаллик севган инсонининг қалбида жойлашган бўлади.

Аёллар излаган ушбу гўзалликлар биз, эркакларнинг қалбида жойлашган экан, меҳри билан севишнинг уддасидан

чиқа олган аёлларни бу гўзалликлардан маҳрум қилмайлик, чунки улар бунга абадий лойиқдир.

Инсон ишққа муносиб бўлса, кўнгил хотиржамлигида яшайди. Натижада эса севиш ва севилишдан чарчамайди.

Бусе қўлида қаҳва патнислари, юзида эса уялган ифода билан ичкарига кирди. Финжонни мен унга турмуш қуриш таклифини берган кунимда айтмасимдан аввал олиб бўлган эди. Яъни тузли қаҳвани турмуш қуриш таклифини берган финжонимдан ичаман. Қаҳвани ичар эканмиз, мен тарафдагилар Бусени унинг ҳоласи ва поччасидан сўради. Бу ҳаёт бизнинг ишқимизга шу тарзда имкон берди. Бизга эса бир-биримизни бир умр севиш қолди... Икки қалбнинг бирлашганидан сўнг севиш энг осони. Бусени сўраб борган кунимизнинг ҳам тарихини асло унутмадим. Ҳаётимнинг энг мазмунли онларидан бири – совчиликка борган кунимиз, иккинчиси эса – Бусенинг турмуш қуриш таклифимга "Ҳа" дея, бўйнимга отилган куни эди.

Поччам дадамдан Аллоҳнинг амри, Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг қавли ила Бусени сўради. Рад этиши учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Аксинча, бериши учун сабаб кўп эди, чунки унга бир аёлни баҳоналар тўқимай, ожизлик қилмай, умр бўйи севиш ва бир отанинг ўз фарзандига қай тарзда оталик қилишининг дарсини бераман. Вазиятдан афсусланишига кеч бўлган, чунки ҳаётимни ер билан бир қилиб бўлган эди. Унинг ранжишига ранжимай, аксинча, бахтли бўлардим, чунки бу ёшига қадар шу даражадаги муҳим нарсалардан бебаҳра қолиши бир инсон учун катта йўқотиш эди. Менинг

хаётимда қувончларимни аввалига дадам, кейин эса ишонган инсонларим вайрон қилди. Жароҳатланган жойидан қай тарзда ишониши мумкин эди такроран яна бир инсонга? Қай тарзда севилади? Инсон икки томонлама бахтсиз бўлиш, сева олмаслик, севилмаслик, ҳис этмасликдан қаттиқ чарчайди. Эътибор берган инсонларининг ранжитишидан, кейин эса ўша эътиборнинг ортида қолишдан...

Нима бўлган тақдирда ҳам, кимса мени англамаган ва мен ҳам баъзи нарсаларни айтмайдиган даражада ҳиссиз ва кучсиз бўлган пайтларимда бу аёлни учратиб қолдим. Яраларимнинг оғриғи уни кўрган илк кунимдан мени безовта қилмай қўйганди.

Ким келса келсин, мени дардларимдан бу қадар қисқа вақт ичида бир умрга узоқлаштира олмаган бўларди.

Мен эса менга қилинган бу яхшиликнинг қарзини Бусени умр бўйи севиш орқали тўлайман.

Сен менинг кўнгил хотиржамлиги ила севганимсан...

Дадамга раҳмат...

Туғилган кунларимда, байрамларда ёки сенга эҳтиёжим бўлган онларда бир марта бўлса ҳам ёнимда бўлиб, ҳолаҳволимни сўрамаганингга қарамай, илк бор бу ёшимда менга оталик қилдинг.

Бу менга қилган илк ва сўнгги оталигинг бўлади деб ўйлайман... Бу бахтда ота сифатида биров бўлса ҳам ҳиссанг бор. Бунинг учун сенга миннатдорчилик билдираман...

“Аёл эркакнинг қизғалдоғидир”. Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)

Қизғалдоқ чечаги новдасидан узилганидан бир неча дақиқа ўтиб ёрқинлигини, жозибасини ва гўзаллигини йўқотадиган чечакдир. Бироз бўлса ҳам силкиниб кетса яраланиб, зарар кўрадиган даражада заифдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) аёлларни шундай гўзал бир гулга ўхшатишларига ҳеч қандай изох бериб бўлмайди.

Баъзи аёлларни новдасидан узиш ўрнига новдасида севишга уриниб кўрмаймиз. Ваҳолангки аёллар асраб-авайланиши керак бўлган қизғалдоқ чечаги кабидир. Кичик зарбага учраса ҳам ер билан бир бўлишлари мумкин.

Аёл қизғалдоқ чечагига ўхшайди, баҳор фаслида ёзни муждалагандек, эркакка ишқни мужда қилади. Новдасидан узилишни эмас, туйғуларига нисбатан севилишни истайди. Бир чечакни узиш ўрнига, борича севишни уддалай олганингизда, севгининг аҳамиятини англайсиз.

Аёл аёллигини қизғалдоқ чечаги бўлишни уддалаш орқали кўрсатади... Эркак эса гулини узиш ўрнига асраб-авайлаш орқали исботлайди эркаклигини...

Мендан ишқ нима эканини сўраганларга жавобим қуйидагича. Ишқ қисқача тушунтириш мумкин бўлган нарса эмас.

Ҳеч қаерда сўзлар билан ҳам ёзиб бўлмайди. Ишқ ҳис этилиши керак бўлган нарсадир.

Қадрсизлаб бўлмайди...

Ҳақиқий ишқ нима эканини ҳаммамиз ҳам билмаймиз. Мендан ишқ нима эканини бир жумла билан қисқача айтишимни сўрасангиз, шундай дейишим мумкин:

"Севган аёлим фамилиямни олиши..." Ишқнинг энг ҳақиқий ҳоли шудир. Ишқ бундан ортиқ бўлмайди. Шундай экан, ишқни сўзлар билан тушунтириш ўрнига, ҳис этишга интилинг... Мен ёзиб, қутимда сақлайдиган мактублар орасига Бусега ёзилгани ҳам қўшилди:

Қизғалдоғимга...

Ичимдан чиқариб ташлай олмаган дардларим, сени кўрганымдан сўнг ўз ниҳоясига етганини сезган онимдан эътиборан, сени ўзимга ишқ сифатида қабул эттирдим. Соҳилимга яқин келишингни кутдим. Энг гўзал меҳнатни сабр этиш ва кутиш орқали сарфладим. Сени севдим десам кам бўлади. Шу боис мен сенга "Сени севдим" деб айтмаяпман, сени новдангдан узишга эмас, асраб-авайлаш учун келдим... Сенга келишимнинг энг катта сабаби эса, сен билан айни дардларни айни йўлларда босиб ўтганим...

Ёнимда эканингни билган ҳолда, қизғалдоқ чечағи баҳорга очилгани каби кўзларимни сенга очиб севаман... Сен билан энг буюк иддаомиз, ишқимизнинг меваси биринчи бўлиб "она" ёки "ота" дейиши бўлади.

Ким ёлиб чиқишини биламан, аммо бу сирлигича қолсин.

Шунга қарамай, сен ҳам кўриб яшашингни истайман...

Фамилиямни олганинг хурмати ҳақи, Роббим менга атаган умрнинг сўнгги нафасига қадар сен ёнимда бўлишингни истайман...

Тўплаган мактубларимнинг орасига бўлажак рафиқам Бусега аталгани ҳам қўшилди...

Мен мактуб ёзиб, сақлашни хуш кўрадиган инсонман. Бусе менинг ички оламимни англагач, туйғуларини менга йўналтирди. Ҳар бир аёлнинг қалбига киритишни истаган, аммо такроран сенишдан кўрққани учун яқинлаша олмаган инсони бордир. Ҳеч бир шубҳасиз, бу кўрқув ўша инсон тарафидан йўқ қилиниши керак, ваҳолангки севган инсони бошқалардан фарқли эканини англаганида бор нарсасини ўша одамга бағишлайди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсам, сизни йўқотишдан кўрқиб, юраги кўксидан отилгудек бўлиб севган аёлларни ранжитиш ўрнига, уларга эгалик қилинг.

Ҳар бир эркакнинг эркаклик бир вазифаси бордир: севган аёлини ярим йўлда ташлаб кетмаслик... Ташқаридан қараганингизда эркакларнинг аксарияти одамийликдан сўз юритади, одамийликдан nasibасини ололмаганларгина улардан фарқ қилади...

Яхши таҳлил қила оладиган аёл, табиийки туйғуларини ўша инсонга бағишлайди... Одамийлик "Сени севаман" дейиш эмас, севган аёлининг тузли қаҳвасини ичмоқ демакдир. Буни кимса билмайди...

Яқинлар даврасида ташкиллаштирган кичик шодиёна билан турмуш қурдик. Бусе мени севишини отасининг фамилиясидан воз кечиш орқали исботлаган эди. Мен ундан исбот сўрамаган эдим. Менга боққан кўзлари ҳамма нарсани намойиш қилиб турарди. Турмуш жиддий масъулият. Турмуш

юкини кўтара олиш-олмаслигини ўйлаб, кейин бу қарорга келадилар.

Турмуш юкини кўтара олиш учун инсон аввало ўз мажбуриятларини ортиғи билан амалга ошириши керакки, турмуш юклайдиган масъулиятларни ҳам кўтара олсин. Бу ерда эса энг катта ролни, табиийки, эркак ўйнайди...

Ниҳоят, кутилган кун келди. Никоҳ имоми севиб ва истаб мен билан бир умрга турмуш куришни қабул қилиши ёки қилмаслигини сўраганида, Бусенинг ҳеч қандай тараддудсиз, фақатгина кучли ҳаяжон билан "Ҳа" дейиши менга нисбатан бўлган севгисининг энг гўзал исботи эди. Ҳаётимда энг хайрли "Ҳа" жавобини иккинчи марта олишим эди. Айтмасдан ўтиб кета олмайман, Бусега оқ ранг қора каби ярашган эди. Уни оқ либосда кўриб, кўзларим ёшлангани рост. Никоҳ имоми айна саволни менга берганида, табиийки мен ҳам ҳеч иккиланмай иккимиз учун ҳам хайрли бўлишидан умид қилиб, "Ҳа" дея жавоб бердим. Зотан якуни ишқ...

У имзо қўйиб бўлганидан сўнг қалам менинг қўлимга ўтганида, юрагим кўксимдан чиққудек бўлди. Имзони эндигина қўйиб бўлган эдим ҳамки, Бусе оёғимни босди... Сўнгра нигоҳларида ифодаланган табассум билан менга қараб: "Улар сенга севишини айтади, мен эса оёғингни босаман...", – деди.

Ва бу оғриқ ҳаётимнинг энг тотли оғриғи эди...
Имзо қўйиб бўлгач уни пешонасидан ўпдим. Бусе энди

аёлим бўлди. Жоним бўлди, жонимдан бир парчам бўлди. У менга аёллигини қилди. Навбат менинг эркаклигимда...

Ҳеч қандай шак-шубҳасиз, иккимиз ҳам бир-биримизни севардик. Жума куни турмуш кургандик. Жума намозида бўлганим учун бироз кеч қолган бўлсам-да, Роббимга шукур ва ташаккур айлашим керак.

Аввало Роббимга таваккал қилиб, кейин ишқни таваккал қилишим керак эди. Зотан шундай бўлди ҳам...

ИЛК ЯКШАНБА НОНУШТАСИ

Илк ва кейинги якшанба кунларидаги нонушталарни шахсан ўзим тайёрладим. Ажойиб нонушта эди. Якшанба нонуштаси ишқ билан боғлиқлиги ҳақида доим ўйлаб келганман.

Ҳаётда инсонларнинг минг бир шошилинич муаммоси вадарди бор экан, якшанба кунини севган инсони билан нонушта қилишдан бошлаши ишқнинг энг ажиб ҳолатидир.

Якшанба куни бошни унинг елкасига қўйиб, бутун инсониятга, бутун шошилинич ишларга қарамай, у билан ҳордик чиқармоқ ишқ бўлмаса, недир?

Ва мен сени якшанба нонуштасида қаршимда ўтирганигни кўрар эканман, шуни ҳис этдим:

Сен Аллоҳнинг менга атаган лутфисан...

Оналар ҳаётдан кўз юмса ҳам яшайдилар...

Бусенинг онасининг қабрини зиёрат қилишга бордим. Турмуш кўрганимиздан кўп ўтмай ушбу зиёратни амалга оширишни режа қилиб қўйган эдим, чунки қайнонамга айтишим керак бўлган гапларим бор эди...

Қайнонамнинг исми Малак эди. Ҳақиқатдан ҳам малак каби аёл эди, зотан Бусе каби қизни тарбиялаб, ўстирганди.

Кечагидек эсимда, шифохонага онасининг ёнига борганимизда қизига бир умр севгига тўла, бахтли кўним бағишлашга сўз берган эдим. Бундан бир муддат ўтгач ҳасталиги оғирлашган ва орамизни тарк этган эди. Мен эса Малак онамга берган сўзимни токи ҳаёт эканман, унутмайман...

Малак онам

Сиз бошингиздан ўтказган дардларни мен ҳам бошдан кечирганим учун, "Сизни жуда яхши тушунаман" дея оладиган даражада англай оламан. Сиз ўлмаганингизни, Бусе ва менинг қалбимда уйқуга кетганингизни иккимиз ҳам биламиз. Шу боис кўзингиз орқада қолмасин, онам. Қизингиз менга бир умрлик омонат. Уни бир кун ҳам ёлғиз қолдирсам юрагим уришдан тўхтасин...

Кошки Аллоҳ умр берсайди-ю, сизни набира соҳибаси қила олсак... Аввало Бусе ва мени учраштиргани учун Роббимга шукрлар бўлсин. Сиздан эса мана шундай фарзанд етиштирганингиз учун миннатдорман...

Барчамизнинг келган еримиз ҳам, кетадиган еримиз ҳам аниқ. Мен қизингизни келган ва кетадиган жойимни билган ҳолда севаман... Бунга шубҳангиз бўлмасин. Жаннатда учрашиш насиб қилсин. Хотиржам бўлинг...

Қабристондан чиққанимдан сўнг уйга йўл олдим. Бусега қўнғироқ қилиб, "Уйга бирор нарса керакми?", – дея сўрадим. Аллоҳнинг менга ато этган энг буюк лутфи эди бу ишқ.

Менга "Уйга бирор нарса керакми?" деган саволни бе-

ришни насиб айлаган Аллоҳимга шукрлар бўлсин... Уйга бор-
гач, эшикни Бусе очди ва мен уни маҳкам бағримга босдим...
У ҳам шошилганча мени бағрига босди... Сабабсиз шунчаки
бир-биримизни қучдик...

Уч йилдан сўнг...

Ботир, Бусенинг никоҳ столида унинг оёғини босганининг
хисобини аёлининг қорнидаги қизи Малакнинг тепиниши
билан сўраган эди... Қизларига Бусенинг раҳматли онасига
тегишли исмни, яъни Малак деб қўйишди.

Аллоҳ Ботирнинг орзуларини рўёбга чиқарди. Уларга
Малак каби қиз фарзандни насиб айлади.

Қизининг онаси қорнидаги илк ультратовуш суратини Бо-
тир ҳамёнида сақлади. Келажакда вояга етгач унга кўрсатиш
учун бир неча донасини қисқичлар тўпламига қўшиб қўйди.
Бир донаси эса доим ҳамёнида қолади...

Малак катта бўла бошлади, биринчи бўлиб "Дада" деди...
Бусе ва Ботирнинг ягона жанжали, қизи биринчи бўлиб "ойи"
ёки "дада" дейиши эди. Ботир ёлиб бўлди... Ботир бу ишк
жангига йўқотиши мумкинлигини била туриб чиққан ва ёлиб
бўлган эди. Қалбини эса рафиқаси ва қизи эгаллади... Ботир
ва Бусе қизлари Малакка ўзлари бошдан кечирган етишмов-
чиликларни яшатмадилар. Ботир отасига, бир ота ўз фарзан-
ди ва аёлига қандай эгалик қилиши кераклигини кўрсатди.
Қутисига қўйган сўнгги мактуб эса аёлининг қорнидаги қизи
Малакка аталган эди...

Гўзал қизим,

Шу ондаги вазиятинг сабабли сени тушуниб турибман. Биз онанг билан биргаликда кун санаяпмиз. Ҳаётга кўз очадиган кунингни сабрсизлик билан кутаяпмиз. Хавотир олма, мен онангга яхши қараябман. Онангнинг қорнида истаганингча тепинишинг мумкин, чунки бунга чек-чегарасиз ҳақинг борлигини биламиз. Бу ҳуқуққа фақат ва фақат сен соҳибсан. Сенга ёзган мактубларим, сен учун йиғган қисқичларимнинг катта тўплами бор. Бу ҳам ўша мактублардан бири. Аллах насиб айлаб, бизга кўзларингни очасан деб умид қиламан, онангга энг яхши умр йўлдош, сенга эса энг яхши ота бўлишга кафолат бераман. Онанг ва мен ота меҳри нима эканини билмай катта бўлдик. Шу боис бу йўлни босиб ўтишга қарор қилганимизда орамизга кира оладиган ягона нарса сен бўлишингга келишган эдик. Сенга иккимизнинг юрагимизни қўшиб бердик.

Унутма, бироз катта бўлганингдан кейин дўстларингга "Менинг дадам ёзувчи" деб мақтанасан...

Она қорнидаги фарзандга отасидан мактуб...

Малакка ўз юракларидан бир парча бериб, бир умр бир-бирининг Аллоҳни ёдга солиб турган қалбларини севдилар. Ишқ дарахтларининг меваси эса Малак бўлди. Бир жуфтлик, умр бўйи ишқларининг мевасидан баҳра олдилар... Кунни келгунча бир қалбга содиқ қолишни уддалай олсангиз, ишқ жанггида сиз ҳам ғалаба қозонишингиз мумкин.

Ҳар бир жангга ғалаба учун чиқилмайди. Ғалаба қозониш учун чиққан жангларида омон қолмаслигинг мумкин. Жангга йўқотиш эҳтимолини эътиборга олган ҳолда дуо ила чиқсанг, зафари сенинг меванг бўлади... Биргина инсонга оид бўлиб қолишни уддалашингизга тилакдошман...

Қисқача изоҳ: Маърифат тузли қаҳвани ича олиш ёки ичира олиш эмасди. Йиллар давомида бу қаҳвани севган ва фамилиясини олишни истаган инсонингизга ичириш учун қурган барча орзуларингиз кўзёшларингизда сузишни ўрганди. Масала севилган аёлнинг тузли қаҳвасини ичиш истаги ҳам эмас. Муҳим бўлган нарса, ота ўчоғидан воз кечиб, севган инсонининг ўчоғига келган аёл ота ўчоғини излашига ҳожат қолдирмаслик эди. Отасининг фамилиясидан воз кечадиган даражада кучли севган аёлнинг ҳалоли бўлишни уддалаш эди. Нима муҳим эди, биласизми?

Кучли севган инсони учун иккиланмаган, воз кечмаган ва бир лаҳзага бўлса ҳам енгилмаган аёл унга фамилиясини берадиган эркак учун ҳар қандай машаққатга қарши курашиши эди. Ҳар бир ишқ ҳалолмиди? Ҳалол бўлса, кетган-

лар ким эди? Ҳалол бўлганлар сўнгги нафасимизгача ёни-
мизда қоладиганлар, кетганлар эса жон деб билганларимиз
эди...

**Ваъда бериш жуда осон. Ҳар бир инсон берган ваъдаси
каби тўғри инсон бўлганида эди, ҳеч қачон янглиш йўлни
танламаган бўларди...**

Дунё бугун ёр, эртага яра

Энг гўзал туйғуларга, бир томчи кўзёшга лойиқ бўлмаганлар учун ишққа зиён етказдик. Бир бутунга айланиш умидида охир-оқибат ярим қолган инсонларнинг олган ҳар бир нафаси бу ҳаётга чанқоқдир. Ҳозир отилган қадамларнинг қайси бири бахт кўчасига чиқади? Ҳеч бири... Бугунги кунларда инсонлар ўз қалбини кимса ета олмайдиган юксак ерларга қўймоқда... Ёнига келган инсон синдирмаслиги учун... Бу аслида қўрқувнинг бир туридир. Сенишдан қўрқиб севилишга шу қадар оч қолдикки, севиш учун ким томонга қадам ташлаган бўлсак, қалбимиз биздан кетганларни кузатиб қолаверди. Ўлим ҳақ бўлган бу ҳаётда севгидан кўпроқ нафрат ва гинага аҳамият берилди. Малҳам бўладиган эмас, вайрон қиладиган, синдирадиган неки бўлса, қалбимизга киритилди. Энди эса олинаётган нафас каби, қалбимиз ҳам севмоққа чанқоқ. Ичимизда ярим бўлган парчаларимизни ишонган ёки ишонишни истаган инсонларимиз билан тўлдиришни истадик, аммо ишонган инсонимизнинг бошқалардан фарқи йўқ экан. Билмаган эканмиз...

Бу ҳам бизнинг айбимиз эди...

Биз йиқилдик, ҳеч ким ёрдам қўлини узатмади...

Биз бир китобни ўқиган, бироқ бошқа-бошқа жумлаларга эътибор қаратган икки бегона инсонлармиз. Бундан ортиқ эмас. Мен бу китобнинг қайси саҳифасини ўқишимдан қатъи назар, ҳеч бир жумла сен учун аталмайди...

Арзимадинг

Хаммага сиртимни ўгириб, барча эшикларимни сенга очдим. Кимса кўрмасин дея сени фақатгина қалбимда сақладим ва ўша ерда севдим. Юришга қийналган йўлларимда ёлғиз иккимиз учун оёқда тик турдим. Ташлаган ҳар бир кадамимда азоб чекдим, аммо муҳим эмас. "Юриш ва севишга арзийди", – дедим. Бир гап айтайми? Заррача ҳам арзимадинг...

Ишқ аталмиш бу ёвузликдан узоқлашганимга қарамай, тавба ва қасамларимни сени севмоқ учун буздим. Энди эса қилган гуноҳим учун ёнайми, бу севгини қадрламаган сендек инсонга ишқни бағишлаган инсон – ўзим учун ёнайми? Йўқса жонимнинг оғриғигами?

Ҳаётимнинг мазмуни деб билган инсонимнинг ҳаётидан биров бўлса ҳам жой олмаганим ҳақиқатига ёнайми? Ҳақиқат деб ўйлаган инсоним энг буюк хато экан. Ўзим айтиб, ўзим ишонибман.

Мен ўз-ўзимни алдаган эканман.

Асло кечирмайман демайман, аммо кечириб бўлмайдиган нарсаларнинг юки бор қалбимда.

Сендан бошқаси қандай севилиши мумкин, дея мен ўз-ўзимни ер эканман, сен ишқ аталмиш шаҳардан аллақачон кетиб бўлибсан...

Баъзи сўзларнинг охиридаги нуқтадан кейин янги сўз ёза олмайсан. Бошқа сўз ёза олмаслигимдан кўрқиб, сенга

хеч нуқта қўймаган эдим. Сен доим вергулим эдинг. Бутун жумлаларимнинг орасига сени қўшдим, нуқта қўя олмадим яна. Не кўз билан кўрайки, буларни ким учун қилган бўлсам, у инсоннинг тилида бир бор бўлса ҳам янграмабман. У нуқталардан сўнг бошлана олмаган жумлага айландим.

Бу нуқтадан сўнгра жумлаларнинг давоми йўқ. Ҳозир айна шу нуқтадаман. Мен сен учун жумла қурар эканман, бўшлиқ қолдирмай ёзгандим. Балки вақт ўтгач, сени кўпроқ сева олмасам дея.

Кўлинг кўлимга...

Ифоринг танимга...

Севгинг қалбимга етмабди...

Даволаган ҳар бир жароҳатимиз такроран азоб берди

Сенда эҳтимоллар, менда эса ҳар кеча уйқуга кетишдан олдин қўлларимни очиб, Роббимга иккимиз учун қилган дуоларим бор эди. Қаҳва ичаётган финжонингдаги очган фолларингда мени кўра олмайсан, аммо мен ҳар кеча дуоларимда бизни унутмайман. Кимнинг ёнида бўлишингдан қатъи назар, сенга нисбатан бўлган ҳисларимни қалбимдан ўчирмайман. Нафратми? Севгимми? Нимани ҳис этганимни асло била олмайсан. Мендан узоқлашганинг сари парчаланган шу қалбимни асло бирлаштира олмайсан, чунки у ҳамма нарсани қабул қилиб бўлди. Балки қучиш биз учун яратилмагандир. Сенинг насибанг мендан кетиш, меники эса сендан мерос бўлиб қолган ёлғизликда сени севиш эди. Менга қандай азоб беришингдан қатъи назар, мен учун сен доим биринчи ўринда эдинг. Ҳатто мен ҳақли бўлган масалаларда ҳам қадамларим сенинг кўчангдан ўтди. Балки бу инсон сендан буларнинг жавобини кўра олмагандир, аммо сени қаттиқ севишда давом этди. Кечирилиши қийин неки бўлса, арзимас нарсаларни баҳона этиб, нима қилиб бўлса ҳам

сени кечираверди. Нима бўлган тақдирда ҳам: "Сенга арзир эди..." Ортиқ чидай олмаслигини ҳис этди, аммо чидашга мажбур эканини биларди. Нафратланиши керак бўлган бир пайтда, уйқуга кетишдан олдин аёлини ўз дуоларида сақлаб, яшашда давом этди...

**Ва бизга ҳам минг афсус. Сезен Аксу "Ортингга қайт" дея
ёлворганига қарамай, бир-биримизни қучмадик;
чунки бир-биримизга яра эдик. Қучсак қонаган
бўлардик...**

**Кемамнинг бошқарувчиси йўқ эди.
На кема келди, на кутаётган соҳил воз кечди.**

Мен ортингда қолдириб кетган дардларнинг ичида курашаётганимда ҳам сен учун дуода бўлдим. Бу қалб сенинг дуоғўйинг бўлди. Сендан ғазабланмадим. Ишққа кеч қолдик, аммо нима бўлса ҳам нафратланмадим. Асло дуоибад этмадим. Хатони ўзимдан изладим ва бир қанча сабаб топдим. Уларни бу ерга ёзмоқчи бўлсам на қаламда сиёҳ қолади, на қоғозда жой. Англаганингдек, барчаси азоб.

Сени қадрлаганим ва севганимни билишинг керак. Бу қалб, уни дардлар билан курашишга маҳкум қилиб кетганинга қарамай, сен билан. Биласан...

Балки қалбимда изинг, қулоқларимда овозинг, борлигимда ифоринг қолар, аммо хаёлинг менда қолмасин. Юраги менда бўлмаганнинг ақли ҳам менда қолмасин; афсуски, тўғри ишқ билан янглиш инсонни севганлар ишққа доимо кеч қоладилар...

Маълум вақт ўтгач бу жароҳат менга азоб бермайди. Ким билан уйқуга кетишингдан қатъи назар, қалбим доимо ёстигинг остида бўлади.

Аллоҳ бандасига у кўтара олмайдиган юкни бермайди. "Севаман" деган ҳар бир тил ҳам сева олмас, "Кетмайман" деганлар эса кетар экан.

Мен эса борган ҳар бир еримда сен қолдирган дард ила кезаман. Сўнгра қадам босган ҳар бир кўчам менга сени эслатади. Сенсиз юришни уддалай олгач, бу инсон сени қалбидан чиқариб ташлайди.

Шуни унутмагинки, мени севаганинг учун орамизга дегвор қуриб, сенга нисбатан гина сақламайман.

Айни шаҳарда яшаётганимиз ҳақидаги ҳақиқатни унутиб, сени бир неча километрлик масофага кузатиб қўяман.

**Кетаётган еринг совуқдир,
устингга севгимни ўраб ол.
Қалбим сени иситади...**

**Бирга бўла олардик, аммо истамадик.
Истасак ҳам бўла олмасдик. Имконсиз эдик**

Ҳатто алифбосини сенинг исмингдаги ҳарфлар сони билан чегаралаб олган бир қалбга, бошқасига доир изларинг билан қадам ташлабсан. Яшаб ўтилган энг гўзал хотираларга алвидо...

Ичимдаги бўшлиқ фақатгина бир кишилик эканини билатириб менга нисбатан икки қиёфада бўлишингни ҳазм қила олмайман. Ҳақиқий ишқдан маҳрум ва йироқ бўлсак, сенинг соянгда. Ичимдаги барча умидларни исминг ҳарфларига осдим. Шунини ҳам билишинг лозимки, ҳатто нафасим бўлсанг ҳам ҳеч бир қадаминг билан бу қалбга яқинлаша олмайсан. Ичимдаги ҳисларга тош босиб, яна мен томон қадам ташлашингга йўл қўймайман. Хавотир олма.

Сен бошқа қалбларда тўфонлар эстирар экансан, мен ортингдан биргина бўлса ҳам новдани ҳаракатга келтира олмадим.

Йўқотишдан қўрқиб босган ҳар бир қадамимда, бизни учраштирадиган йўللарни боши берк кўчага айлантирибсан.

Мана шундай аччиқ ҳақиқат бор. Боши берк кўча эканингни билган ҳолда, совуқ қотган бу қалбим ила сен томонга қадам ташлаган эдим.

Қалбингни очиб, мени диққат билан тингла...

“Энди мен сени қай томонингдан қучмай, тикан каби ботарсан менга. Куз келиб, баҳорни муждалаган куртакларни юзимга қарата ёпасан. Олманинг икки ярми каби, ишқнинг икки ярми эдик сен билан. Ўзини унутиб, сени дардларинг билан сева оладиган қалби ярим инсон бор экан, бошқалар томонидан ҳис этилишни кутма. Бир четда ҳаттоки йўқлигингга ҳам шукр қилган қалбимнинг ноласи бўлса, қанчалик кучли севсанг сев, бу оҳнинг ҳақини тўлай олмайсан. Бирга бўла олмаганимизнинг гуноҳи сенинг бўйинингга...”

Бир инсонни унинг дардлари билан севиш оғир тошдир.

Ҳар бир юрак ҳам кўтара олмайди.

**Ҳеч ким сени мен каби бир умрга
ярим қолган болалик қаноти ила қуча олмайди...**

**Қалбингиз бетартиб бўлса, эшикни ҳеч
кимга очманг. Туйғуларингизни бир жойга йиғиб,
кейингина ишқ сари қадам ташланг**

Аслида ишқ бор... Туйғуларни йўқ қилган эса биз...

Бор бўлган нарсани йўқ қилиш учунми бутун севгимиз?
Шунча соғинч, шунча эътибор, дардлар ва кичик қувончлар...
Яқуни эса доим "алвидо"... Шунча нарса биргина видо кало-
мига сиғдирилиб, нуқта қўймоқ учун мавжудми? Орзулар
бор, орзулар... Ҳис этилишни истаганлар бор. Қўлга кирити-
лиши исталган нарсалар бор. Умидлар оқланмаслиги мум-
кинлигини биламиз. Буни билган ҳолда тутган жойимизда
чилпарчин бўламиз. Хўш, шунча пайт бор бўлган ишқ, йўқ
бўлиш учун бу инсонларга нима қилди? Аллоҳ бизга берган
қалбни ичимиздаги гина билан сақлаймиз. Бунда ишқнинг
айби нима?

Ишқни биз ифлослаймиз сохта ҳисларимиз билан.

Сўнгра уни айблаб, ундан узоқлашамиз. Туйғулар сари
ўз манфаатимиз йўлида қадам ташлаймиз. Фидокорлик
қилмаймиз, севиш ва севилишга интилмаймиз. "Мен ҳеч
кимга ишонмайман", – дея, ишққа барча эшикларимизни
ёпамиз. Сизга бир сирни очайми? Ишқ бизни ёпган эшикла-

римиз ортида энг гўзал ҳолатида кутади. Биз эса, эшикларни очиш ўрнига, ундан янада узоқлашамиз... Ишққа нисбатан нуқтаи назаримни сўрасангиз, ҳа... Инсоннинг ҳаётида бир умрга ҳақиқий қалб ила қолиши керак...

"Қизғалдоғим" дея атайдиган аёлимга юзланмоқчиман: ишқ бор... Бу ерда ишқ борлигига ишонган инсон ҳам бор... Қалбингни мен билан бутун қил... Яшаб ўтилиши керак бўлган гўзал кунлар бор...

Ишқнинг борлигига ишонган, бироқ ишқни бошдан ўтказа олмаган ярали қалблар энг гўзал севги ила учрашишига тилакдошман...

Ишқ эмас, инсонлардир пушаймонлик. Севган аёлининг тузли қаҳвасини ичмоқдир эркаклик...

Қалбингизни очинг, мен ёлғизман

Севилишга муҳтож бўлган юракни қаерда кўрсам, биринчи бўлиб ёлғизлигим бош кўтарди. "У ўзгача", – дея кимга яқинлашган бўлсам, сўнггида ҳеч кимдан фарқи йўқлиги аён бўлди.

Ёлғизлигимга кимнинг борлиғи ила барҳам беришни истасам, туйғуларим музлади. Энг катта гуноҳим, мендан бирин-кетин айрилганларни севиш эди. "Савобим" дея атаганларим тарафдан келиб чиқди барча армонларим. Ёлғизлик ва пушаймон қалбим эшигини чалмоқда... Қачонки севасам, доим дардга мубтало бўлдим.

Бошимдан ўтказган ҳар бир дардимда доим ёлғизликда йиғладим. Сас-садосиз, ҳеч ким эшитмасин, дея...

Эшитсалар ҳам ҳеч нарса ўзгармасди. "Ўтиб кетар", – дедим.

Ўтиб кетмади...

Аксинча, "Ўтиб кетади", – деганларим дардни янада кучлироқ ҳис эттирди. Баъзи нарсалар ўтиб кетмас экан. "Мен ёнингдаман", – деганлар бир муддат ўтгач сени тарк этаркан...

Айтмоқчи бўлганим шуки, керагидан ортиқ эътибор берманг. Туйғуларингизни бошқаринг. Фақатгина севишингиз керак бўлган инсонни чин дилдан севинг. Ўтмишимга ўгирилиб назар солганимда шуни кўраманки, бошимга келмаслиги керак бўлган нарсаларнинг бошидаги энг катта ролни, керагидан ортиқ эътибор берганларим ўйнаган экан.

Инсонлар ўйнайди... Ўйин қилишни хуш кўради...

Ҳам туйғулар билан, ҳам сени ранжитадиган нарсаларнинг бош ролида...

**Аминманки, сиз ҳам ортингизга ўгирилиб қарасангиз
тамали мустаҳкам орзуларингиз чил-парчин бўлган,
унда сизнинг бир парчангиз...**

Англашилмаган ёки англаниши исталмаган ҳислар

Ҳис этганларимнинг ҳеч бўлмаса ярмини ҳис этганинг-да эди, балки мени тушунган бўлардинг. Ҳанузгача ҳаттоки севишни билмаган бир инсонга севиш нима эканини ўргатганинг, бунга қарамай у инсон қўлларини бошқаларга узатганини кўрганингда баъзи аччиқ ҳақиқатлар билан яшашга кўникканингни пайқайсан. Мени қачон англайсан, билмайман. Сенга қўлларимни узатар эканман, сен ҳам қўлларингни бошқа инсонга узатганинга гувоҳ бўлдим. Етмаганидек, бир қанча кунлаб. Ҳаётимда юзма-юз келиш-ни истаган ягона нарсам, мен учун оғриқли бўлса-да, сенинг юзинг бўлишини тиладим доим. Имконсиз эмасдик, аммо ҳаёт бизни бирлаштирмади. Қаерга борсам ҳам, сен қолдирган изларни ўзим билан олиб юрдим. Сенсиз удда-лай олмаганим учун эмас; бошқарувда сен бўлмасанг ҳам, бу кема бир шаклда сузишни давом эттирди. Ўзимни аввалгидек такроран сева оладиган даражада кучли ҳис этмаяпман.

Сева олармидим? Балки...

Бироқ баъзи туйғулар фақатгина бир қалбга бағишланиб, ҳис этилиши лозим. Бир қанча қалбларга эмас. Сен англамаган ягона масала ҳам шу эди, аммо сен нафақат англа-

мадинг, балки узоқда ҳам эдинг мендан. Севган инсон сифатида ҳеч англамадинг. Ўзимга ечим топа олмай сенга боғланишга урингандим, ўша ердан кесдинг мени. Кесган жойингдан сенга қонадим.

Онасидан калтак еб, кейин яна "Она" деб йиғлаган болакай каби чорасиз севдим. Сен у болакайни йўқотдинг.

Энди қаршингга чиқадиган энг катта дардга ҳам лойиқсан, аммо нима бўлган тақдирда ҳам, буни раво кўрмайман сенга. Чунки севадиган қалб дуоибад эмас, дуо этишни афзал кўради.

**Ишқда энг кўпи билан ёки ҳалолим,
ёки энг буюк вабойим бўласан...**

**Бу қалб сенга чанқоқ экан,
ҳеч бир ишқ бу чанқоқни боса олмасди**

Улар сенга сени севиши ҳақида сўзлайди, мен эса сўзлашдан ортиғи – севганимни ҳис эттираман. Улар денгизни кўрсатади, мен эса сенга ишқнинг энг гўзал ранги ила самони ҳис эттираман. Улар дардларингга ҳамдард бўлмайди, менинг эса ҳатто бармоғингга игна ботса жоним оғрийди. Уларнинг борлигига эҳтиёж туйганингда ёнингда бўлмайди, мен эса яқинингга бўламан. Улар сени оддий деб билади, мен эса сени ҳар куни турли туйғулар ила севаман. Улар сенга қўл теккизади, мен сени қалбимда ҳис қиламан. Улар энг кичик ҳолатда ҳам сенга сиртини ўгиради, мен илк яраларимни унутиб, сенга талпинаман. Улар сенинг соҳилингдан ҳам ўтмайди. Мен сузишни билмаган ҳолда ўзимни сенинг тубингга отаман. Улар бўлгай зулматинг, мен ишқда энг буюк савобинг.

Улар дуоибадинг бўлади, мен эса дуоинг...

Улар кетганинг бўлар, мен ёлғиз қолганинг...

Улар сенга севишини айтади, мен эса сенинг тузли қаҳвангни ичаман...

... шқ

**Ишқ битди,
аммо қалб севишда давом этди**

Меҳмонхонада официант бўлиб ишлаётган пайтларимда жуда чарчар эдим. Ишдан уйга келганимда уни қачонки айвонда кўрсам, она қорнида кўзларини ҳаётга очишни кутаётган гўдакнинг беғуборлиги ва ҳаяжони ила чуқур ҳисларга ғарқ бўлар эдим. Шу қадар гўзал эдики, ҳеч бир сўз билан таърифлаб бўлмасди. Ҳеч бир шеърнинг қофиясининг кўзларини тасвирлашга етмасди. Биргаликда ўтказган вақтимиз қисқа бўлса-да, қалбимдаги ҳисларнинг умри муносабатларимизнинг давомийлиги билан қиёслана олмайди. Бунга асло йўл қўймайман, чунки туйғуларим қадрсизланишига, ҳисларим оддий нарсалар билан таққосланишига рози бўладиган инсон эмасман. Айрилаётганда иккимиз ҳам ҳақиқатдан воз кечиб айрилдик, чунки ҳаёт икки қалбни бир макон остида бирлаштира олмасди. У мендан қатъиян воз кечди. Мени ҳам воз кечди деб ўйлади. Буни унга ҳис эттирдим, чунки хаёли менда қолишини истамадим. Шу боис оиласи ва ўзи мен ундан ҳақиқатдан ҳам воз кечганимни биларди, аммо менинг қалбимдаги жараён аксинча эди. Бой оиланинг қизи эди. Бой оилаларнинг қизини севган

эркаклар, ҳам севган аёлининг йўқлигини, ҳам ҳаёт берган йўқсилликни яхши биладилар. Меҳмонхонада саккиз юз ли-
ралик маошга ишлардим. Ёнимда эса фақатгина онам бор
эди. Оиласи бизни рад этганди. Қизларининг бахти учун,
хаёлида ўзлари каби бой оиланинг тасвирини яратган эди.

Кунлар ортидан кунлар ўтди. Бу дард ҳам мени азобла-
ди. Уни сўраб келишлари ҳақида эшитдим. Совчиликка ке-
ладиган оила ҳам бой бўлса керак, ҳар ҳолда. Мен айвон-
дан туриб севгига берилар эканман, кунлардир қалбимга
занжирбанд қилган, ичимда ҳис этаётган аёлим турмушга
чиқаётган эди. Мен ишлаётган меҳмонхона беш юлдуз-
ли ва тартибли меҳмохона эди. Ичимдаги дардим ишим-
га ҳам таъсир қилаётганини билардим. Бир неча маротаба
огоҳлатирилдим.

Юзим ва ишимда акс этган бу дард туфайли мени ишдан
хайдадилар. Ва ишсиз қолдим. Ойлар ўтди. Уйимнинг айвони
қабристонга айланди. Турмуш қурганини эшитгач, айвонга
чиқишни қўя туринг, уйнинг пардаларини очишга жасоратим
бўлмади.

Балки фикрларим чалғиб, ичимдаги дардлар енгилла-
шар, дея бир муддатга холамларнинг уйига жойлашишга
қарор бердим. У ерда бир иш топиб, ишлайман деб ўйладим,
аммо бу ҳам бўлмади. Ичимдаги дард қаерга бормайин,
мени қўйиб юбормади. У мени ташлаб кетди, аммо қолдириб
кетган оғриғи тарк этмади... Маълум бир муддатдан сўнг бу
ҳолатга кўникдим, аммо бу дарднинг оғриғи қалбимда тан-
дирдан чиққан янги нон каби иссиқ ва янгилигича қолди.

Бир пайтлар мен айвондан қараган ўша уй, энди уларнинг уйига айланганди.

Узоқ вақтдан сўнг ўз уйимга қайтдим ва ҳар сафар айвонга чиққанимда уларни кузатдим. Бахтли эдилар. Қиз фарзанди дунёга келди. Ўша қизалоқнинг дудокларидан чиққан ҳар бир "Дада!" деган ҳайқириғи юрагимга зангли мих каби санчилди, аммо ундан ғазабланмадим. Чунки ўзимни ва севгимни ундан сақладим.

Англаб етдимки, ҳақиқатдан севаганларнинг нафас олиши мумкин бўлган сайёра эмас экан бу ерлар.

Энди эса севган инсонингиз бўлса, бошқаси билан ҳаёт қурмасидан аввал ёнига боринг ва севишингизни айтинг. Балки севгингизни сўроққа тутарлар, аммо унга шундай сабаблар тақдим этингки, бу қадар буюк ва мазмунли севгидан беҳабар бўлгани учун ўзидан уялсин. Кеч қолманг. Мен кеч қолдим. Туйғуларим дардга тутинди. Уйим жойлашган кўчага ҳар кирганимда ўлдим ва тирилдим.

Бу ҳаёт севган қалбни севилган қалб ила бирлаштирамайди баъзан. Севган инсонингизни бошқасига беришга мажбур бўласиз. Қарабсизки, бошқасига турмушга чиқиб кетади... Фарзандлари дунёга келади... Сиз эса фақатгина дардларингиз билан яшашга мажбур эканингизни ўйлаб, улар билан умр кечиришга уринасиз...

Кеч қолганлик ҳисси жуда ёмон...

**Бу ҳис пайдо бўлмасидан аввал,
севган инсонингизнинг қалбига кириг...**

Ҳақиқий севгини бир умр ҳис этинг...

"Кет", – деганидан сўнг, "Кетма", – деган Сазен Аксуни-ки каби чорасизлик ҳисси бор қалбимда. "Кет", – десам ҳам кетма.

Қалбимда сенинг ўрнинг бир умрга қолади.

На Сазен Аксу каби кимса ишқ ҳақида ҳайқиради, на бирор кимсага ортиқ бахш этолмайман йўқотган гўзал туйғуларимни. Сенинг исмингни эшитганимдаги ҳаяжонни ҳис этганча такроран севишга уриндим. Ва ишон менга, сенга тутинган ҳар бир нуқтамда бирин-кетин яраландим. Гап яраланганимда эмас. Энг оғриқлиси шуки, сен даволашни истамадинг. Ёки хаёлингга келмади. Балки яраланганимдан ҳаттоки хабаринг йўқ эди. Ўзимни шундай деб овутияпман.

Ҳеч унутмайман, бир пайтлар мени соғинганини айтган эди. Таърифлаб бера олмайман, ич-ичимга сиғмаган эдим. Бироқ сўнггида бу қадар ранжитиши ва бизни тамом қилиши хаёлимга асло келмаган эди. Битиши мушкул бўлган яраларим ўтиб кетмаслиги учун дуо қиляпман. Унутмаслик ва ҳар кун севгимни янгилаб, сени энг гўзал ишқла севмоқ учун.

Кўриб турибманки, сенинг наздингда қадрсизланяпман. Ҳаёт кечинмаларинг ҳануз янгидек экан, мендан бошқа ҳаммага очилмоқда эшикларинг. Энг гўзал хотиралар ва қўшиқлар сен билан бўлиши мумкин эди, аммо юк мумкин бўлмаган ҳақиқатлардан келиб чиқди. Масалан, азоб. У ҳам

сен томондан келса, ўтириб, тонггача кутардим, чунки сендан келган нарса-да. Ахир бир нарсадан воз кечилмаса, бошқа нарсага эришиб бўлмайди. Сен менга қандай дард беришингдан қатъи назар, сенга чанқоқ бўлган бу юрагим уни бажонидил қабул қилади.

Ва шуни ҳам билгинки, бу инсон сен билан боғлиқ жумлаларни ўтган замонда гапиришдан доим нафратланиб келди. Аммо энг кўп нимадан нафратланди, биласанми? Сендан нафратлана олмаслигидан...

"Севмайман" дея олмадим...

Менинг қалбим очкўз кабидир, тўйдира олмайсан. Сен бу севги шодиёнасига умр бўйи кира олмайсан...

Ва у кўзёш бўлди, оқди аёл кўзларидан

Аёл қаттиқ севди. Бир аёл бир инсонни қанчалик кучли сева олса, шу қадар кучли севди.

Фақат биргина инсонга кўнгил қўйиб севган аёл, ундан бошқа ҳаммага кўнглини очган инсонни севди.

Аёлларнинг ичидаги дарди ҳеч бирининг англатгани каби эмас деярли. Баъзилари атиги "Ишондим, холос" дейиш билан чекланади. Аслини олиб қараганингизда бу жумлаларнинг ортида бир армон яшириндир. Тушуна олмайсиз. Ҳар бир аёлнинг яшашга ҳақли бўлган онлари бордир. Ва бошдан кечирган надоматлари туфайли яшай олмаган онлари ҳам...

Севишни билган аёл ота уйидан ёруғ юз ва оппоқ келин кўйлак билан чиқишни истайди. Бундай аёллар ўзгача ҳисларни яшаш ва ҳис этишга лойиқдир. Бунга лойиқ бўлган ва эриша олмаган эркаклар ҳам йўқ эмас, ҳеч шубҳасиз, уларга бу борада омад кулиб боқмагани аниқ. Чунки аёллар севмаслиги керак бўлган инсонни бошига тож айлаган, уларга лойиқ бўлганларни эса доим рад этиб келган. Айб

қидириш жуда ёмон. Ишқда айб изланса, сенга келган инсоннинг қадри қолмайди...

Бир неча мартаба армон остида қолган ва у ерда жон берган туйғуларим бор менинг.

Ҳар бирининг жон беришига шоҳид бўлганим, ўзимдан узоқлаштирган туйғуларим...

Инсон бу ҳаётда айна туйғулар билан доим чеклана олмайди. Ҳисларнинг қадри билиниши керак бўлган бир пайтда, туйғулар доим бир армоннинг остида қолади. Зотан замонамизнинг урфи ҳозирги ишқлар. Аввалига орзулар қурилади, кейин эса йиқилади...

Кейинчи?

Якуни доим бир азоб, пушаймонлик ва армон...

Ва энг гўзал туйғуларимни сенга ҳавола этган эдим, балки бир умр севарсан, дея.

Мен армон остида қолсам-да, сен борган жойингда бир умр севил...

Мотам тутган туйғуларим

Кетганингдан бир кун ўтиб яқинларим туйғуларимнинг мотамига келдилар. Уқубатимни уларга сездирмасликка ҳаракат қилдим, аммо қанчалик уддаладим, билмайман.

Биладиган ягона нарсам, мотам ҳолваси лаззатли эди. Бу ҳам туйғуларимнинг ҳақиқий эканига исбот деб ўйлайман. Ҳар бир "Бошинг омон бўлсин", – деганларга, "Кетганлар омон бўлсин", – дея жавоб бераман. "Яхшиямки кетдилар. Кетмасалар эди, бошқалардан фарқи бўлмаган инсонларга ўзгача назар билан қараганимни англаб етмаган бўлардим", – дейман.

Кўзларим очилди ниҳоят, аммо қуёш биз учун нур сочмади. "Балки қуёш бир кун келиб биз учун нур сочар", – дея ўзимни овузмайман. Мен ўзимни ҳеч бир шаклда овузмаймайман энди. Кетганининг ортида қолиб кетган дардни олиб, бир четга чекиниб, ичимдаги оғриқлар ўтиб кетгунига қадар жазоимни оламан.

Баъзан қабул қилиш керак бўлади. Баъзан эмас, ҳатто аксарият ҳолларда. Масалан, бир инсонни ўзгартиришга уринмай, борича қабул қилиш. Сўроққа тутмай, эгалик қилиш... Дардлари билан...

Севилмаганини билган ҳолда ҳануз чорасизларча "севаман" дейишига енгилган бир қанча инсонлар бор. Ваҳоланки бу ҳам қабул қилишнинг бир шаклидир. Севилмаганини била туриб севаётганини англаш ишқнинг энг ёмон саҳнасидир.

Бундан хабари бўлган ҳар бир инсон бу фильмни томоша қилишга мажбур.

Аллоҳ менинг жон берган туйғуларим маконини янгидан тирилтириб, борган ерида мен севгандан кўпроқ севилишга умид қилиб кетган инсон, яъни сенга ҳам инсоф берсин.

Ишқ нима эканини билмаганларга муурожаат...

Ишқ – дард чекмоқ эди. Якунини билган ҳолда сахнаси-га мингларча мазмун юклаб, у фильмни бир неча маро-таба томоша қилмоқ эди. Тамом бўлишини била туриб севмоқ, сендан кетишини билган ҳолда у билан қолмоқ эди. Йўқотганда кечинмалардан тажриба орттириш эди. "У билан бошқача эди", – дея олмоқ эди. Орқасидан унинг кадрини тушириш эмас. Дуоибад этиш эмас. Севги ва хотраларга нисбатан ҳурмат сақлаб, уни қалбнинг энг узок бурчагига кўймоқ эди. Сўнгра кимсани севмаслик эди.

Ишқ у бошқасига табассум қилаётганда ҳам уни кузатиш демакдир. Ишқ ўлим эканини қабул қилиб, уни севганча на-фас олмоқ демакдир. Севгинг афсуслардан иборат бўлса-да, унга гўзал томондан назар сола олиш демакдир.

Бундан ташқари, у жароҳатлашини била туриб, унга яра-ларинг ҳақида сўзлай олмоқ қадар севиш демакдир...

Инсон, "Севаман" деганини яраларига малҳам дея сурти-ши демакдир.

Ишқ – дард чекмоқ эди. Вақти келганда оғир нафас олмоқ эди. Вақти келганда севган инсонингиз жонингиз-

ни азоблаши эди. Аксарият пайтларда эса ифорини ичинингизга ютмоқ эди.

Энг гўзал ишқ эса ҳаёт бир ишқни икки қалбга бўлиб бермоғи эди.

Мен буларнинг барини бошдан кечирдим. Гўзал севдим. Жонимни оғритса ҳам севдим. Дардларга чўкишимни билган ҳолда, қалбимдаги кеманинг бошқарувини севган аёлимга топширдим. Масала кемани чўктирмоқ эмасди. Бепоеденгизнинг ўртасидаги тўфонларни енгиб, соҳилга етмоқ эди...

Қўним топган соҳилимда бошқа кемани кўрдим. Ва чўктирилдим.

Эътибор қилинг, чўкдим эмас, чўктирилдим дедим.

Қайси тўфондан чиқсам ҳам, фақатгина унинг соҳилига қадам босдим. Фақатгина унинг қалбига лангар отдим, аммо у бир неча соҳилга лангар отган кемаларни ўз қирғоғига киритган экан. "Жони омон бўлсин", – дейишдан нарига ўта олмайман. Унинг соҳили бор бўлсин, чўксам мен чўкаман. Нима бўлган тақдирда ҳам, мовий денгизнинг қоронғу тубига кўникканман мен...

Ҳамма ишқ ила яшашни истайди, аммо бунинг учун ҳаракат қилмайди. На истамоқ етарли, на "Севаман", демоқ...

Ҳис эттира олмасанг, қадринг йўқ...

Барча инсонлар турган еридан ишққа ваъдалар беради, аммо қалблари севмоққа шу қадар узоқки. Бунда бирининг ўтмиши катта роль ўйнайди, кимнингдир эса такроран севишга қодир эмаслиги...

Кучсизлик туйғуларингиздан устун бўлишига йўл қўйманг. Етарки, Роббим ҳиссизликка дучор этмасин...

Кичик изоҳ:

"Бу қайднинг бу ерда нима кераги бор? Китобнинг якунида бўлиши керак эмасмиди?", – дея сўраганлар бордир орангизда. Тан оламан. Аммо ҳаётда айтилиши керак бўлган баъзи нарсаларни кейинга қолдириш эмас, кутилмаган бир онда айтилишининг тарафдориман.

Шу боис бу мактубда мендан чиқиб кетган туйғуларим эшигингизни чалмоқда. Уларни шундан кейин асло учратмадим...

У аёлга нима бўлди?

Ўлди. Ҳа, янглиш ўқимадингиз. Ўлди. Ҳар ҳолда, мен учун. Яшаяпти, аммо мен учун ўликдан фарқи йўқ.

На борлигини ҳис қиляпман, на борлиги билан қизиқяпман. У ҳам дадам каби. Иккиси ҳам бор, аммо йўқлар...

Ишқ инсоннинг ҳаётига фақатгина бир марта келишини айтадиганлар бор. Яъни ҳар кимнинг фикри турлича. Мен ҳар доим ишқ ва севгининг орасида фарқ борлигига ишонман. Шу боис, агар ишқ инсоннинг ҳаётига ҳақиқатдан ҳам бир мартагина келадиган бўлса, мен имкониятимни бу аёлга сарфламаганимдан умид қиламан.

У аёлнинг ўлим сабаби ўз жонига қасд қилиш эди. Ўзини менинг қалбимда ўлдирди.

Нимага эришди, билмайман, аммо бизни йўқотди. У учун қилган фидокорликларимни эслайман. “Лойиқ бўлмаса ҳам, унга кўп нарса берган эканман”, – дейман. Фақатгина у учун эмас. Ортимга ўгирилиб қараганимда, кўплаб инсонлар учун ўзимдан воз кечган пайтларимни очиқ-ойдин кўраман. Арзигани ёки арзимаганини эса кетиш сабабларидан англайман.

Ўзимдан ғазабланмайман. Қолган имкониятларимни пок
виждон билан қўллашим мумкинлиги ҳақида ўйлаяпман.

Ичим ёна-ёна тўккан кўзёшларимда бўғилган кечаларим,
пулим бўлмагани учун ҳамма нарсамни сотиб, уни бағримга
босиш ва ифорини юрагимга сақлаб олиш учунгина бир неча
километрлик масофанинг сўнггида тушган бекатим, алдан-
ганимдан хабар топган ва турган еримда шу тариқа қолган
ўша кунимнинг оқшоми, кўзёш тўкиб келганим каби, кўзёш
тўкиб ортга қайтган кунимнинг ҳисобини у беради. Масала
қанча чуқур бўлса бўлсин, Аллоҳ буюкдир. Нола ўз манзили-
га етиб боришини ҳаммамиз биламиз. Қайтганимдан кейин
уларнинг суратини кўргач, кўзёшларим шиддатли ёмғир каби
яноқларимдан ёғганини, у бошқанинг денгизида сузишни
ўрганар экан, мен йиғлаганча ҳайқириқларга бўғилган онла-
римни сизга изоҳлаб бера олмайман. "Эркак киши ҳам булар
учун йиғлайдими?", – дея сўраганлар ҳам топилади. Эркаклар
эмас, инсонлар севган аёли учун йиғлайдилар. Эркаклик
кўздан оқмайдиган икки томчи ёш билан қиёсланадиган бу
ҳаётда, севган аёли учун инсон сифатида йиғласин.

Кўзёшлар эркакнинг севишидан далолатдир

Кўзёш шаффофдир ва асло ёлғон сўзламайди. Мен бу аёлнинг қаршисига энг соф ва самимий туйғуларим билан чиққан эдим, аммо ўз қўлларим билан бошқа қалбга бериб қўйдим. Бу аёл ҳаётимга кириб келганида севишни қўя туриб, бир қалби борлигини билмасди ҳатто. Унга ҳаттоки қучишни мен ўргатгандим. Ваҳолангки, мендан нимани ўрганган бўлса, бошқаларда қўллади. Нафақат у, балки қалбимдаги пок туйғулар ҳам кетди...

У билан бир бутун бўлганимни ўйлаганим сари ўзимдан тобора узоқлашган эканман. Энг катта мағлубиятга, уни қозондим деб ўйлаганимда учраган эканман. Ўзимни тинимсиз яралаган эканман.

– Ёзганларингни ҳеч ўқидими?

На у менинг ёзганларим билан қизиқди, на мен ёзганларимни ўқигани ёки ўқимагани билан қизиқдим. Ўқиса ҳам ҳеч нарса ўзгармасди. Баъзи нарсалар ёзсанг ҳам, чизсанг ҳам, севсанг ҳам, нафрат этсанг ҳам ўзгармайди. Ўзгармасин.

Ваҳолангки, бошқасига яқинлашмоқ учун мендан узоқлашганди. Энди бу аёлни на севсам, на қўлимни узатсам ар-

зийди. Бошқасининг танига текканидан кейин ҳеч бир нарсаси менга тегмасин. Мен бу китобни ёпдим. Унинг ортидан айтган ҳар бир сўзим ишқнинг сўнгги нафаси эди.

Унга оид ҳисларим сўнгги нафасида ҳаттоки шаҳодат калимасини айта олмади. Бизни битирди, бошқаларга эса нафас берди...

Бу китоб эса якунланди...

Китобнинг сўнгги жумласи: "Ҳис этганларимни тушунтира олмайдиган даражада чарчаганман. Жумлаларимни дазмоллаб, жавонимга осдим. Вақти келганда фойдаланаман..."

- Сенинг ёнингга қайтишни истадимми?

Бунга юзи етармиди? Бошқасига тегишли бўлганидан кейин менинг ёнимга қайси юз билан қайтарди? Қайтса ҳам қалбим қабул қилмасди. Зотан ғоят бахтиёр эдилар.

Мен уни асло дуоибад этмадим. Аксинча, дуолар қилдим. "Аллоҳ жам айласин", – дедим. Чунки у ҳам мен каби қалби ярим бўлиб қолганида, бунинг юкини кўтара олмасди. Менчалик кучли эмасди. Шунинг учун ранжишини истамадим. Мен уни мана шундай маъсумият ила севдим.

Айни самога назар солиб, бошқа-бошқа юзларга тикилмоқнинг бадалини уни севганча тўладим.

- Сенингча, у нега сендан кетди?

Чунки уни қаттиқ севишимни биларди. Ва бундан моҳирона фойдаланди...

– Сени бу қадар ранжитган аёлдан сўнг такроран севишингга ишонасанми?

Ҳаёт мўжизаларга тўла. Қачон, нима бўлишини билмаймиз. "Севиб қоларман", – деймизу, сева олмаймиз.

"Сева олмайман", – деймизу, севиб қолган бўламиз... Сўлган туйғуларим вақти келганда албатта япроқ очади. Ишқда қадамни тезлатмаслик керак. Шиддатли қадамлар билан юрилган йўлнинг якуни тезда етиб келади. Кичик ва бардам қадамлар билан юрилган йўл гўзалроқ манзилга элтади...

Инсонлар ташқи кўринишга шу қадар аҳамият берадиларки, ҳаётни ташқаридан кўрганлари бўйича баҳо бериб яшайдилар. Ваҳолангки ҳаёт бир саҳна кабидир. Томошабиннинг кўз олдида ўйналган ўйиннинг саҳна ортидаги ҳолати ҳам бордир, буни билмайдилар.

Бўш залнинг саҳнасида ўйинимни ўзим ўйнаб, ўзим кузатдим. Ўйинимнинг парда ортидаги кўриниши эса айтган сўзларимдир.

Ва буларни фақатгина сизга сўзладим. Сизгагина ҳис эттирдим. Шу пайтгача бу ёзганларимни доим ичимда сақладим...

У мени йўқотди. Нимага эришгани қизиқтирмайди. Аммо ҳаёт мендан уни тортиб олиб, сўзларимда ўз дардларини учратган, учратгач ёлғиз эмаслигини англаган, англагач эса дардини енгиллаштирган инсонлар – яъни сизларни берди.

Кейинги жумлаларда кўришгунча.

Кичик қадамлар ила доимо энг тўғри ишқ сари...

Ортга қайтди, аммо қалбимда аллақачон ўлиб бўлган эди

Кутилмаганда телефоним чалинди. Қўнғироқ қилаётган у эди. Рақами телефон рақамлар рўйхатида сақланмаган эди, аммо ёдимда қолганди. Афсуски, эслаб қолган ягона нарсам рақами эди. На ифорини, на овозини эслай олардим. Гўшакни кўтарганимда менга Манавгат вокзалида эканини айтса бўладими? Аввалига ишонмадим, табиийки. Сўнгра ўша кун ёдимга тушди...

Вокзалга тушиб, унга қўнғироқ қилганимда, ҳатто гўшакни кўтармагани ва ўша аччиқ ҳақиқатни билиб олган куним...

Мени шунча азобга дучор этганига қарамай, гўшакни ҳеч иккиланмай кўтардим. Орамиздаги фарқ эса шу эди. Мен томон бутун қалби ила қадам босган инсонга сиртимни ўгирмайман. Гина сақламайман. У эса келтириб ўтганларимдан ортиғини қила олган бўларди. Вокзалга йўл олдим. Уни бағримга босиш учун эмас, афсусландими, йўқми, кўриш учун. Бизнинг ярамизни даволашга кеч бўлганди. Шу боис шифо топишимизни кутиб бўлмасди.

Ҳақиқатдан ҳам вокзалда экан. Ундан интиқом олишга тайёр бўлган қалбим, уни ўша куни вокзалда кўргач яна ўзини азоблади. Битай деб қолган яраларим уни кўрганимда оғриқ берганини пайқадим. Демак, тубида унга оид бўлган нарсалар бор эди, аммо тузалиши узок вақт талаб қилган яраларимни такроран у қонатишига изн бера олмасдим. Ўлим хавфи бўлмаса-да, даво топиши мушкул ҳасталик сифатида қолиши мен учун яхшироқ эди.

Болудан уйга қайтаётиб, бу ерга ҳам бироз вақтга келиб кетишга қарор қилибди, аммо бунинг маъноси йўқлигини иккимиз ҳам билардик. Айниқса, унинг ўзи жуда яхши биларди.

Аммо сизга шуни айта оламанки, ҳаттоки табассуми ўзгарибди.

Энг муҳими, ифори аввалгидек эмасди. Бу ҳолатдан ранжимадим. Ҳар ҳолда, ишқ унга нимадирлар ўргатганини кўргач, у учун бироз бўлса ҳам хурсанд бўлдим. Севган инсони билан урушиб қолганини ва менинг ёнимда бўлишни истаётганини айтди. Табиийки, буни қабул қилмадим. Бир-биримизга яқин бўлишимизга қарамай, илк бор бир неча километр узокда тургандек эдик. Бу узокликнинг ёнида уни севган пайтларимдаги масофа ҳеч нарса эмасди. Унга менинг боғимда жой йўқлигини, тупроғим уни қабул қилмаслигини, аксинча, жон олиши мумкинлигини айтдим. У ҳам ғоят яхши тушунди. Ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Менинг боғим унинг ниҳолларига бошпана бермасди. Тўғрироғи, бера олмасди. Бир қалб айна туйғу ила бир табассумни неча маротаба сева олиши мумкин? Уни кўрганида, юрак зарбаси неча марота-

ба ўзгариши мумкин? Инсон ҳаётида неча маротаба овози титраганча севади? Уни боғим қабул қилса ҳам, ифлосланган қалбини тупроғим қабул қилмаган бўларди... Биз ишққа кеч қолмадик. Биргаликда ўтказишимиз мумкин бўлган кунларга қалбимизнинг барча эшикларини ёпдик. Менинг эшикларим у учун доим очиқ эди. Вақт ўтгани сари англаб етдимки, эшигимнинг очиқ қолиши қалбимни музлатар экан. Шу лаҳзадан эътиборан эшикни ичкаридан калитга ёпдим. Ҳеч ким калитини топа олмаган эшикдан ичкарига киришни фақатгина у биларди. Афсуски, ортиқ ҳеч нарсадан маъно йўқ. У билан суҳбатлашаётганимда овозим титрамас, юрак уришларим тезлашмасди. Ишқимизнинг ўлими ҳақиқат эди. Ва ортиқ кераги йўқ дея ўйлаб, туйғуларимизни маҳв этдик... У сўнги нафасини бошқа қалбларда берди. Мен эса у менга қолдириб кетган дардларнинг қоқ бағрида.

Сўнгра ўзимни ундан унга боғлаган ҳар бир тугундан кесганча айирдим. Оғриқларим кучайди. Ноҳақ дардлар билан ёлғиз қолдим. У эса йўқ эди. Ёнимда бўлиши керак бўлган пайтларда йўқ эди.

Буни кечира олмасдим...

"Аммо ҳавотир олма, сенга берган азобларим ўзимга қайтди. Афсусдаман, биласанми? Афсусдаман... Мени илк бор кўриб тургандек эслай олмаганимга афсусдаман..." – деди.

"Сени эслашим учун нима қилдинг? Хаёлим ва қалбимда қолиш учун қилган ҳаракатинг мени ёлғиз ташлаб кетишдан иборат эди. Сен бундан ортиғини қила олмадинг".

"Ҳақлисан. Сенга бир оғиз бўлса ҳам сўз айта олмайман ва буларни менга тинимсиз айтсанг ҳам сендан ғазабланмайман. Аммо баъзи нарсалар шу қадар ичимда қолиб кетдики... Бу ерга келганим учун кутганимдан ҳам оз муносабат билдирдинг".

"Инсон баъзи дардларини ичига кўмади. Бу чорасизлик эмас, қабул қилишдир. Сенга сендек муносабатда бўлсам, сендан фарқим қолмасди. Бу менга тўғри келмайди. Мен эса нега афсусдаман, биласанми?"

"Нега?"

"Менга берган азобинг ўзингга қайтганини айтдинг, аммо бундан ҳам ёмони бошингга келади. Билишингни истайман. Менинг ҳис этганларим, чеккан азобларим бу қадар содда жумлаларга сиғмайдиган даражада катта эди.

Қаршингга ким чиқишидан қатъи назар, қайси юзга қарасанг ҳам, пушаймонлик виждонингга дарё каби оқади. Сен синдирган юракнинг синиқ жойларидан парча-парча бўласан. Менга яшатганларингдан оғирроқ дард келади бошингга. Аллоҳ яшаттиради, аммо нима бўлган тақдирда ҳам буни истамайман.

Яшатмайди деб умид қиламан... Мен бундан кўрқишим сени бутун виждоним билан севганимнинг энг катта исботидир. Сен эса шундай инсонни тамом қилдинг. Мен учун эмас, мана шунинг учун афсуслан. Майли. Уни қалбинг-ла севишда давом эт. Ортиқча гаплашиб юбордик. Бора қолайлик. Меники бўлмасанг ҳам ўзингни меники каби эҳтиёт қил..."; деганимдан сўнг хайрлашдик.

Ўзимга раво кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўрмаслик учун ўзимни кўп мартаба қурбон қилсам-да, бошқаларнинг мақсади қалбим бўлиб қолаверди. Ҳаётимга келган ҳар бир инсон яраларим устидан зарба бераверди... "У ранжимасин", "У хафа бўлмасин", "Унинг қалби синмасин", "Мен бахтли бўлмасам ҳам майли, у бахтлироқ бўлсин". "Мен бахтли бўлмасам ҳам ўлмайман, нима ҳам бўларди", – дея ўзимни том маънода тамом қилдим.

Бугун у билан қолганимда эди, ҳаётидаги ўша инсонни алдаган бўларди. Аслида алданган мен бўлсам ҳам, бунга сабабчи бўлиш менга ярашмас эди. Менга раво кўрилиши истамаган нарсаларимни на инсонларга раво кўрар, на раво кўрилишига йўл қўя олмасдим.

Афсуски, бу ҳаётда ҳамма ҳам виждон соҳиби бўла олмайди. Англаб етдимки, қалбимдаги ягона баҳор у экан. Қолгани қор, қиш, қиёмат...

Роббим кўнглингга лойиғини берсин, севгилим... Мен сен билан ҳам, сенсиз ҳам идора эта оламан. Қўрқма, сени шу тарзда илк кунги каби севаман...

Ўтиб кетмади

Ўтиб кетмаганини сиздан бошқа ҳеч ким билмайди. "Ўтиб кетди" дея айтган ҳар онингизда ўзингизни алдайсиз. Инсонлар балки бу ёлғонга ишонар. Хўш, ўзингиз-чи? Уни қабул қила оласизми?

Ҳаттоки ўзингизга очмаган пардаларингизни бошқаларга қандай қилиб очасиз? Ҳатто ўзингизга айта олмаган гапларингиз бор экан, кимга дардингизни тўкиб сочасиз? Истаганингизча қаршилик кўрсатинг, истаганингизча курашинг, урининг. Ҳақиқатга кимсани ишонтира олмайсиз.

Сазен Аксу "Кет", – деганидан сўнгра "Кетма", – дея ёлво-ришини эшитгач, жонингиз ҳеч ачимайдими? Қабул қилинг. Ўтиб кетмади. Ўтиб кетмаяпти. Битмади. Битмаяпти. Якунига етиши учун баъзи нарсаларга эҳтиёж бор. Бироқ йўқ нарсалар ниҳоясига етганини инсон қаерга борса ҳам унута олмайди.

Яраларини Йилдиз Тилбенинг "Севаман, аммо ишона олмайман" қўшиғи ила даволайди. Инсон бир назар солиб қарайдики, "Битмайди" деганлари битар, "Кетмайди" деган инсонлари кетади...

Сўнгра ишонса ҳам севмайди... Чунки туйғуларидан шу қадар толиқадики, ҳаётда ҳеч ким севиб, ишонишга арзimasлигини ўйлайди. Бунда, ҳеч шубҳасиз, энг катта рол-кейин нима бўлади?

Ичингдаги битмаган яраларни ҳеч кимга айта олмайсан, ҳаттоки бир оғиз сўзга арзимайдиган инсонларга ишонганинг пушаймонлигини эса саҳифалаб ёзасан. Ҳеч кимга айтмасанг ҳам, қаламинг қоғозга теккан ҳар он қалбингга шифо бағишлайди.

Ичингдаги заҳарни чиқаришда фақатгина ёзиш ёрдам беради.

Биргаликда тинглаган қўшиқларимизни бошқалар билан тинглаб бахтли бўлаётган инсонларни ҳаётимизнинг муҳим қисмига айлантирган эканмиз. Заҳар эса... Балки бизга зарар бермаётгандир, аммо ичимиздаги "уни" ўлдирмоқда...

"Ўтиб кетмаяпти" дейилган нарсаларга чидаб бўлмаслигини ҳис этиб, чидашга мажбур эканини билган ҳолда бу юкни елкаси ва юрагида кўтариб юрган инсонларнинг бошига тушганлари сизнинг бошингизга тушмаслигини тилайман...

Кичик изоҳ: Сизга яраларини айта оладиган даражада ишониб, севган инсонларнинг энг катта ярасига айланманг. Бунинг ҳаққини тўлай олмайсиз...

Денгизлар фақатгина чўкмоқ учун эмас. Мовий ҳам уни севиш учун етарли сабабдир

Денгизни мен ҳам севаман, аммо чўкмоқ истамайман. Узоқдан кузатаман, холос. Аслида ишқ ҳам шундай нарса. Вақти-вақти билан ҳаракатга келади, бир кун тўфонли, бир кун тўлқинли, бир кун сокин...

Билиб турибманки, сенинг ҳам ичингда такроран севишга уринганигда аввал ҳис этган ёки ҳануз ҳис этаётган оғриқларинг билан такроран юзлашиш қўрқуви бор.

Баъзи инсонлар туйғуларини четга суриб қўяди. Севиш ва ҳис этишни билмагани учун эмас. Қўрқувлари сабабли. Қўрқувлар яшалиши керак бўлган ёки яшалиши исталган нарсаларнинг йўлини кесиши мумкин. Ичида мовий ишқ ила кезаётган қанча-қанча инсонлар бор, аммо ҳеч ким денгизда чўкмоқни истамайди. Чунки ишқдан қўрқадилар... Севишдан қўрқадилар... Севиб севилмасликдан қўрқадилар...

Қалби зулматга тўлишидан қўрқадилар...

Аммо зулматдан қўрққан инсонларнинг аксарияти зулмат билан бирлашган бўлади. Бунинг номи "чорасизлик"дир...

Ваҳолангки мовийга оид бўлиб, уни ҳис этиш нақадар ажойиб бўларди. Аммо бундай гўзал ҳислар сўзларда қолди,

холос. "Биз ҳам сен билан шу жумлалар орсиде қолдик, аммо энди аҳамиятсиз. Чунки кўникдим".

Мовийга оид бўлиб, унинг софлигини, гўзаллигини яшашни истаган инсонларни бу ҳолга келтирганларнинг қалбларига ёмонлик берма, Аллоҳим. Севиш туйғусини бер. Меҳр туйғусини бер. Бергинки, бироз бўлса ҳам севишни ўргансинлар. Ёмонлик тилашнинг кераги йўқ. Ахир ҳайвонга ҳам инсон каби муносабатда бўласан, инсон эканинг шундан маълум бўлади. Қалбсизларга қалбинг билан муносабатда бўласан, бир қалбинг борлигини кўрсатиб қўясан уларга.

Бу мовийликларда неча-неча умидлар чўкди, "Кемани чўктиринг, соҳилга ўт қўйинг", – дейилди, аммо билмас эдиларки, ёнган на соҳил эди, на чўккан кема эди. Ишққа энг муносиб бўлган қалблар эди...

Менга биргина соҳил етар. Кутаётган кемам сен бўлсанг, чўккунга қадар кутишга арзийди.

качонгача уддалай олардикки? Ҳар ким арзимасга чиқариб, аҳамият бермаган нарсаларга эътибор қаратишда менга етадигани йўқ. Барча йўқотишларимнинг сабаби шу бўлса керак деб ўйлайман. Бу мавзуда омад кулиб боқишининг эҳтимоллари анча паст эканига ҳам шу сабаб бўлса керак.

Бахтли бўлиш учун ҳаётдан умидинг борлигини англаган ҳар бир инсон бунга тўсиқ бўлиш учун қўлидан келган барча ишни қилади. Севишингни ҳис эттирасан, биринчи бўлиб у кетади. Ваҳолангки, бир бутун бахтга ҳамроҳ бўлиш ўрнига сенинг бахтингга кўз тикканлар бўлади. Ҳаттоки ҳаёт баъзан инсонлар каби шу қадар худбин бўладикки, сенга ўйнаган худбинлик ўйинида, кичик бўлса ҳам бахт билан қаноатланишни истаганингга қарамай, икки ўт орасида қоласан. Бахтли бўлиш учун ким томонга қадам босиб, йўл олишга интилсанг, ёки ортиқчалик қиласан, ёки ўз ҳаётингда камлик қиласан...

Борадиган инсонларинг қолмаганида туйғуларинг сени янглиш танловларга дучор қилади. Ва бунинг бадали сен учун қимматга тушади. Ҳаёт чарчатади...

Борлигини ифори билан ҳис этишни истаганингда, йўқлиги билан синайди...

Бориш учун чиққан ҳар бир йўлинг, сен учун ёпиқ бўлади...

Сен менинг борлигини ифори ила ҳис этишни истаганимсан...

Йўқлиги билан синалганим...

Бориш учун чиққан йўлимнинг ниҳоясисан...

Қўлимдан келганини қўлдан кетган инсон учун қилдим

Наҳотки сени ранжита олишимга ишонсанг? Мен сенинг қалбингни синдирсам парчалари қўлимга ботар, сени дея азобланаман. Энг шиддатли, энг самимий туйғуларимни сенга бағишлайман яна. Йўлларимнинг барчаси сенинг исмингдаги ҳарфлардан ўтади. Шундай экан, ҳаттоки сендан кетган йўлларим сенга қайта олиб чиқади. "Мендан сенга зарар келмайди", – демайман севгилим, сени севишни бироз ошириб юборишим мумкин. Балки сени севиб ёки ўзимни, ёки сени йўқотарман, аммо иккимиздан бирини йўқотишим аниқ. Сени йўқотиш қўрқувидан ҳам каттароқ қўрқувим бор – бу қадар чуқур туйғулар оғушига такрор кира олмаслигимдан қўрқаман. Мен сенда чўксам сен мени кутқарармикинсан... Буёғи номаълум...

Ҳеч бўлмаса, сен билан боғлиқ бир неча мавзуда турлича нуқтаи назарга эга бўлганим учун мени севишинг керак деб ўйлайман. Шундай ўйлаганимда, мен лойиқ бўлган севгининг ярмини бўлса ҳам яшамаганимни эслайман. Зотан ким бу ҳаётда лойиқ бўлганини яшайдики? Ҳаётда режа қилмай яшаш керак деб ўйлайман. Ҳеч нарсани ўйламай. Аммо

Мен учун қанчалик қўл етмас бўлсанг-да, йўлимнинг
йўналиши доимо сенинг исмингда...
Истаганингча кет, истамаганинг қадар келаман сенга...

Уйда чироқ ўчсагина ёдга олинадиган шам кабиман.
Фақатгина эҳтиёж сезилса фойдаланаман. Тунлар ойдин
бўлсин деб доим ёниб тураман...

Юзингга қараганимда энг севган шеъримни ичимдан
ўқиётгандек ҳис қилар эканман, бизни яшаб ўтишимиз мум-
кин бўлган ҳар нарсадан маҳрум қилиб, ичимдаги шеър-
ларни ҳам, соҳилимни ҳам, кемамни ҳам, ҳисларимни ҳам
ёқдинг сен. Балки ичингда сен ҳам ёнгандирсан, аммо бизга
шавқат қилмадинг барибир. Ўт қўйдинг...

Сен мен учун бир алифбо экансан, ҳисларимни қайси сўз
билан тушунтирай сенга? Магнитнинг икки қарама-қарши
томони каби бизни бир-биримиздан итарган жиҳатларимиз
бор экан, қайси туйғулар бизни бу ишққа жалб қила олади?
Туйғуларим ҳам, қалбим ҳам, жоним ҳам ёнди чиқарган ўша
ёнғинингда.

"Чиқмаган жондан умид кесилмас", – дейдилар. Аллох
жонимизни олмади, аммо эски кунларнинг соғинчи телба
қилмоқда... Айниқса бизни...

Қулоқ сол, нима қилганимиз маъқул, биласанми? Бу
ёнғиннинг кулларида қаннус қуши каби дунёга янгидан
кўз очайлик. Масофа белгилаб, ўша масофадан бир қадамга
бўлса ҳам яқинлашмайлик бир-биримизга, чунки биз бир-
биримизни севиб зарар беряпмиз. Узоқдан севайлик. Энг

бахтли онларимизни кўрмай, қандай ҳис этганимизни, нима
ҳақида ўйлаганимизни билмай, уйқу аралаш овозимизни
эшитмай...

Фақат ва фақат узоқдан севайлик.

Бизга мос келадиган ягона йўналиш мана шу. Бизнинг
йўлимиз биргина йўналишдан иборат. Ва сен доим қарши
томондан келасан. Ишнинг моҳияти ҳам шу аслида.

**Мен иккимизга тегишли бир йўналишдан иборат
кўчаларда доим иккинчисизга дуч келдим.**

Ҳар куни сизларни кўрганча қадам ташладим...

Сен буни ҳеч қачон тушунмайсан.

Бизга бўлган ишончимни йўқотдим.

Менга қалбсиз бўлганга бундан сўнгра ҳиссизман...

Ҳеч кимман...

Йўқман...

Ва аёл сатрларини қуйидагича давом эттирди...

Илк ишқимни яшаш насиб бўлмаганининг чанқоғи ва етишмовчилиги ила сен томон қадам ташладим. Ташлаган ҳар бир қадамимда, аёл бир бутун ҳолида энг кўпи билан қанчалик синиши мумкин бўлса, парчаларга шу қадар бўлиндим. Парчамнинг ҳар бирида айри-айри ёндим.

Қалбимни ҳаттоки "дада" дея олмаган ўша инсонимдан кўпроқ сенга яқинлаштирдим. Ҳар икки квадрат метрида ёнғин бўлган қалбимга мой сепишдан нарига ўта олмадинг. Мен ёнар эканман, сен кучлироқ ёндиришда давом этдинг. Ёнғинимни авжига чиқармаслик кераклигини яхши биласиз, бейим, аммо уни сўндириш учун оз бўлса ҳам ҳаракат қилмаяпсиз. Энди мен сени мана шу ёнғин билан қучмоқчи бўлсам, оташ бизни куйдиради, аммо ишқ келмайди. Кул бўлиб битамиз.

Бироқ шуни ҳам билишингиз даркордир, бейим: зора кўчамдан ўтиб қолсангиз дея ўша кўчага чироқ бўлдим мен. Чечак бўлдим. Изларингиз қолар дея йўл четидаги тош бўлдим.

Ва ишончингиз комил бўлсинки, ҳеч бир аёл сиз учун асло ёнмайди.

Мавсуми келмасдан куртак ҳам очмайди...

Йўл четидаги тошга келадиган бўлсак, қалбингиз тош эканини билган ҳолда у йўлларда асло тош бўлмайди...

Ҳайқира-ҳайқира йиғлаб, йўқлигингга отилдим. Салом, дада! Мен қизингман.

Етмаганидек, ишққа энг ишончсиз шохингдан тутиндим.

Ҳаётимдаги энг ишончли деб билганим, сўнгра синган шохимдан...

Қолганлари эса фақат армонлар...

Сен эса айтилган энг катта нолам...

Гўзал аёллар чиркин инсонларни севади

Гўзал аёлларни билардим. Қалблари чил-парчин эди. Балки бу қалбларни уларга муносиб бўлмаган инсонлар чил-парчин қилгандир. Балки жумланинг бошидаги “балки” сўзи ҳам ортиқчадир у ерда. Билган инсонларингиз синдирди, билган инсонларингиз йиқитди. Севган эркакнинг юрагидаги у ёнғинни ҳеч ким билмайди. Қалби синган аёл такроран осонликча сева олмаслигини ҳеч ким билмайди. Шу боис аёллар севиши керак бўлган инсонни ранжитади, севишига лойиқ бўлмаган инсонларга энг гўзал ҳисларини бағишлайди.

Бу эркакларга ҳам тегишли. Отасининг фамилиясидан воз кечиб севган инсони учун ҳар нарсага қарши тура оладиган аёлларга эмас, уларга ҳаттоки гуноҳини бермайдиган аёлларга кўнгил қўядилар.

Ҳозирги кунда ўлкада аёл билан эркак орасида муазам бир ишонч муаммоси мавжуд. Аслини олиб қараганда эса муаммо диққат марказида бўладиган даражада катта масала эмас. Ишонч сўзининг ортида жуда чуқур маънолар борлигини биламиз, албатта. Бир-биримизга ишониш ўрнига аксинча қиламиз.

Ҳар бир нарсанинг тамал тоши ҳис эттира олиш ва ҳис этишни истамоқдир. Инсонда ҳиссиёт туйғуси бўлиши лозим. На ишончи синган аёлни ишққа жалб қила оласиз, на кесилган дарахтнинг чечак очишини кута оласиз. Самимий севган аёлнинг ичида сақлаётган туйғуларини ўзида шу аёлни сўнгги нафасигача сева олиш жасоратини топган инсонгина билади.

Аёл гулга ўхшайди. Гуллар тезда ўлади. Жуда тез сўлийди. Заифдир. Баъзан ҳатто севса ҳам синдирмоқдан қўрққанча севилиши керак. Буни идрок этиш ҳар бир эркакнинг ҳам хаёлига келмайди, аммо бир эркакка ишқ бермоқ аёлнинг қўлидадир. Мана шу ишончи синган ва ишққа жалб қила олмаган аёлинг, сен унга ҳақиқий ишончни ҳис эттирганинда ишққа шу қадар киришиб кетадики, бунинг энг катта исботи "Эркакларга ортиқ ишонмайман", – деганидан кейин такроран севиб, севган инсонининг фамилиясини олишидир.

**Сени севиш менинг касбим. Сенга берган ишончим эса
менинг энг гўзал келажагим...**

Ҳаёт қисқа, уча олмаган қушларни ишқ ила самога учир

Содир бўлмаслиги керак бўлган вазиятлар содир бўлади. Яқунланиши исталмаган муносабатлар ўз ниҳоясига етади. Кетмаслиги керак бўлганлар кетади. Келишига эҳтиёж сезилган инсонлар эса асло келмайди. Ушбу барча кечинмаларнинг орасида баъзан эҳтиёж туядиган ягона нарсанг кутилмаганда радиода энг севган қўшиғинг янграшидир. Баъзан бу ҳам ёрдам бермайди.

"Севаман", – дейдилар, аммо севишни қўя туринг, севишини айтганларига нисбатан ичида оз бўлса ҳам туйғу сақламайдилар. "Кетмаймиз", – деганларига қарамай, биринчи бўлиб сендан воз кечадилар. Тўғри бўлган нарсаларни ёлғондек кўрсатадилар. Мавжуд бўлган жамики нарса маҳв этилади. Йўқ бўлганлари эса бор...

Ичидаги ёлғон, сохта туйғулар билан тўғри қадам ташлаяпман деб ўйлайдиганлар сабабли ноҳақ ранжитилган, қалблари тўғрилиқ ва севгига тўла инсонлар доим дардга маҳкум қилинадилар.

Мен каби, сен каби...

Атиги бир тутам севги истаган ҳар бир инсон каби...

Энди хаёлингдаги салбий фикрларнинг барчасини бир четга улоқтир. Уларни кўрмасликка ол. Ноҳақ равишда дардларга дуч келган тақдирингда ҳам уларни енгишни бил. Қара, ҳамма ишқ ва севгини нақадар оддий деб ўйлайдилар. Сен ундай эмассан ва асло бўлмайсан ҳам. Сен ўзингни уларга бағишлаш учун қўлингдан ва қалбингдан келганини ҳар доим ортиғи билан қилдинг.

Нима қилсанг қил, инсонлар сен қанчалик ранжиганингни кўра олмайдилар. Балки ҳеч англай олмаслар. Улар каби чил-парчин қилиш ўрнига доим ичинга ютдинг. Қўявер, кетадиганлар кетсин. Сен қолганлар учун шукр айтиш ва уларни сақлаб қолишни биласан. Улар каби янглиш нуқтаи назарга берилиб кетмагансан.

Сен ичингдагиларни англатиш учун қилган ҳаракатларингни ҳам кўрдилар. Бунга қарамай, сени англамасликни, ўзларининг янглиш нуқтаи назарини афзал кўрдилар. Нега ўзингни чарчатишда давом этяпсан?

Бир дақиқа бўлса ҳам вақт ажратишингга арзимайдиган инсонлар учун нафасингни битирма. Радиони ёқ. Балки энг севган қўшиғинг янграётгандир. Балки кутган фильминг эфирга узатилаётгандир...

Кеч қолма. Сени тушунмайдиган инсонлар бераётган дардларда чўкиб кетма...

Кичик изоҳ:

Кун келиб, биз ҳам севиламиз.

Балки ўша кун бугундир. Қаҳва истайсизми?

Чой ва дардни янгиланг

Сазен Аксу “Осон бўлмайди”, – дер экан, бу мутлақо тўғри эканини била туриб севмадикми ҳаммамиз? Балки кўникиб, қалбимиз энг катта хатога йўл қўйгандир. Ҳисларимиз чой каби мутлақ тиндирилмас эди, аммо не кўз билан кўрсакки, биздан аллақачон кетиб бўлганларни севибмиз...

Энди эса дамланг чойни ва дардни...

Чой ҳароратни олар, қучмоқ эса барча дардларни. Инсон ишқ ила дамлаган туйғуларини ўзида ортиқ топа олмайди. Мушкул бўлган нарса воз кечмоқ эмас. Қолганларни хотиралар азоблайди доим...

Воз кечишга мажбур бўлишдаги чорасизлик ҳисси ила севган инсонларни тасвирлайди Сазен Аксунинг жамики қўшиқлари...

Масалан, “Кет”, – дегач, “Кетма”, – дея ёлворишлари бутун армонларни тасвирлайди... Мен ҳам шундай севган пайтларимда доим Сазен Аксунинг қўшиқларини тингладим. Сени Сазен Аксунинг барча қўшиқларига қиёсладим, тингладим, ҳис этдим, чорасиз эдим, севдим...

Кўникиб қолган барча нарсангизни, ёнида ўзингизни

бахтли ҳис этган инсонингизнинг йўқлигига кўзларингизни очганингизда англайсиз ҳис этганларимни.

Баъзи сабоҳлар бордир, кечасида дардлар билан курашганча уйқуга кетасиз.

Ва ортидан шундай сабоҳларга кўзларингизни очасиз...

Инсонларнинг бундай сабоҳларга кўзларини очишида катта рол ўйнаганлар бу сабоҳларни сўроқ қилишга ҳақли эмас.

Кечасини кундузидан фарқсиз ҳолга келтирган, уйқуга кетишдан олдин ва тонгда уйғонганида дардлар билан юзлашадиган даражада ожиз қилманг инсонларни.

Қалбнинг уйқуга кетишдан олдин қиладиган дуоси бўлинг.

Тонгда уйғонганида хаёлига келган илк фикри

бўлинг бир юракнинг...

Қоя эдим, йиқилдим

"Бўлмайди", – деганларингни ҳар кеча Аллоҳдан дуода сўраб, бўладиган ҳолатга келтирдим. Бор-йўғимни эътиборга олмадим. "Имконсиз", – дединг, ҳаётимдаги барча имконларни оёқларинг остига сочдим.

Бунча ишни мен нега қилдим? Бунинг жавобини топа олмаяпман. Афсус чекаяпман, чарчаяпман, тамом бўлгандек ҳис этаяпман ўзимни. Вазиятнинг ичидан чиқа олмаяпман. "Ўз ҳолига қўй", – демиш Сила, ўз ҳолига қўя олмаяпман. Бир ҳолат бор деб ўйламайман зотан. Борлиғимда туйғуларимнинг қадрсизланган ҳиссига оид юки бор. Кўтара олмаяпман.

Балки жуда қадрлаб юбораётгандирман, балки ортиқча аҳамият бераётгандирман. Жоним ёниши ҳам ҳаётимда ҳеч кимса учун бу қадар фидокорлик қилмаганимнинг оқибатидир. Ҳар бир нарсанинг "илк"и бордир, буни биласан. Кучоқнинг, бўсанинг, севгининг...

Ўйлаб кўр, ҳатто севгининг ҳам "илк"и бор. Ва мен ўтмишимни унутиб, сени ҳар кун такроран ёдга олиб севдим.

Билганингдек, "илк"лар бошқача бўлади. Аччиқдир, азоблидир, имконсиздир... Азоби ўтса ҳам изи қолгувчидир...

Мени қоядан итарганингда ким тутиб қолиши билан қизиқишни ўрнига, қилмишинг учун бироз бўлса ҳам афсус чекканингда эди, шу онда иккимиз ҳам бир-биримизни севиш билан банд бўлардик. Қара, иккимиз айна дамда нима

билан машғулмиз? Бунинг жавоби сенда. Қалбинг азоблан-син.

Зотан муаммо мен қоядан қулаганимда эмас. Масала сен мени итарганингда.

Энг кўп сен тутиб қолишингга эҳтиёжим бор эди, мен эса қалбан йўқлигингни ҳис этдим.

Қачонки ёнимда бўлишингга эҳтиёж сезсам, севгингдан маҳрум бўлиб қолавердим.

Энди бизни на қоялар қутқара олади, на қучишлар. Биз сен билан бир-биримизни қучсак, суяқларимиз ботиб, оғриқ беради. Қоя бўлсак, бир-биримизга етиша олмаймиз...

Азобдан қочиб қутилиб бўлмаслигини сени севгач англаб етдим. Англаб етганларим бу билан чекланиб қолмади. Инсоннинг тилсиз қолиши, дардлари ила бор овози билан хўнграб-хўнграб йиғлашига тенг экан.

Аммо албатта ўтиб кетади. Қайси дард инсонни ўлдирган эди? Инсон инсонни ичида ўлдиради, аммо дарддан ўлмайди. Ишқ деб аталмиш туйғу учун қанча-қанча орзуларимизни қурбон қилдик.

Балки қалбимизга ета оладиган севги чиқмагандир йўлимиздан.

Шундай бир ҳақиқат борки, афсусландик туйғуларимиздан...

Сўнгра мендан: "Унутдингми?" дея сўрайдилар. Мен эса, сени эслаганимни сезмасликлари учун, "Унутдим" дея олмайман ҳатто. Бу сен учун етарли бўлади...

Сен келма, ҳар нарса устма-уст келсин

Баъзан ҳар нарса устма-уст келади. Ҳаётинг остин-устун бўлиб, бироз бўлса ҳам тартиб қолмаган пайтда, чекмаган азобинг қолмайди. Яранг ҳали битмай туриб устидан яна бир зарба оласан. Йиқилмайсан, аммо оёқда ҳам тура олмайсан. Тутинишга бир шох излар, топа олмайсан. Ҳамма нарса, ҳар бир инсондан қочишни истаб, қоча олмайсан. Қилишни истаган бир қанча ишларинг бор, қила олмайсан. Азоб чекасан. Қўлингдан келган энг яхши иш будир.

Бундан нарига ўта олмайсан.

Сени шу ҳолга келтирган инсонларни ҳаётингга олганинг ва ишонганинг учун ўзингни энг оғир шаклда жазолашни истайсан. Аслида эса ўша инсонларнинг шу он ҳаётингда йўқлиги сенга бир мукофотдир, билмайсан...

Ҳаётимда одатда ҳеч нарса ўз маромида кетмайди. Кетганида эса у йўлда мен бўлмайман. Қаерда эканимни сўрасангиз, лойиқ бўлмаган инсонларга эътибор қаратаётган бўламан ўша пайтда. Шак-шубҳасиз, олган зарбаларимни қўя туринг, ҳаётимда унута олмайдиган энг оғир дардим – дўст хиёнатидир. Бахтимга ҳамроҳ бўлишини истаган дўстим бахтимни қўлимдан тортиб оладиган даражада аҳмоқ ва аччиқдир ҳаёт. Энг яқин дўстим томонидан алдан-

ган эканман. Анча вақтдан кейин билдим. Ва англаб етдимки, ҳаттоки энг яқинимдаги инсонлар бахтимга кўз тиккан экан. Бошига тушганлар билади, дўст хиёнати қадар азобли нарса йўқдир бу ҳаётда. Дард моддалар алмашинувини тезлаштириши ҳақида қанча сўз юритилмасин, дўст хиёнатини ҳазм қилиш ҳеч осон эмас.

Сўнгра ҳар нарсани ичингга ютасан.

Аслида ютмайсан ҳам.

Том маънода мажбурлаб соласан.

“Аҳволинг қандай?”, – деб сўрайдилар,

“Яхшиман”, – дейиш билан чеклансан...

Ҳаёт фақатгина сени севиш билан гўзал

Гўзал тарзда севганинг ҳақида менга сўз оча кўрма. Ўзим ҳис этай сен мени гўзал севишингни. "Сени севаман", – жумласи шу қадар соддалашиб кетдики. Ҳар ким "сени севаман", – дейди ва кетади. Ҳатто қаерга кетаётганини билмай...

Севиш нима эканини билмаган инсонларнинг ишқ азобидан қийналаётганини кўриб ҳайратланишимиз эмас, аксинча, кўникишимиз керак. Шундай экан, менга мени севишинг ҳақида гапирма.

Масалан, мен билан нонушта тайёрла. Якшанба нонушаси дастурхонида бирга бўл.

Сенга сени қанчалик гўзал севганимни кўзларим билан ифодалайман мен. Сўнгра чойим битар, сен янгилайсан. Чойимни янгилаганинг каби, қалбимдаги севги ҳам янгиланар сенга.

Ва мен сени янада гўзалроқ севаман. Менга "Сени севаман", – дема, тортларнинг янги рецептини ўрган, мисол учун. Қўлингдан торт ейишни, қалбингдан келган севгини ҳис қилишни рад этмайман. Томоша қилишимиз мумкин бўлган фильмлар, тинглашимиз мумкин бўлган қўшиқларни кашф эт.

Олган ҳар бир нафасингда биз учун шукр қил, аммо мени севишингни айта кўрма.

Юрагингдан чиқариб ташлай олма. Ҳатто йўқлигимга хиёнат қилма. Мени пок виждон билан сев. Менинг кўнглим хотиржам бўлади шунда. Инсонларнинг бир-бири билан умумий ҳеч нарсаси бўлмаган замонда, мен сенинг ҳар нарсанг бўлай. Ҳаттоки овозимни эшитишинг яраларинг битиши учун кифоя бўлсин. Қалбга қанча армон сиғдириш мумкин бўлса, шу қадар сиғдира оламан армонларимни, ташвишланма.

Аммо "Сени севаман" демасанг бас. Чунки "Севаман" деганлар икки кундан сўнг кетиши мумкин... Сен кетма. Керак бўлса фамилиямни ол, менга турмушга чиқ... Шундагина ҳақиқий ишқ насиб этар бизга.

**Ким нима деса десин,
қалби бор инсонни севиш ҳаётни гўзал қилади...**

Севгиси кучли бўлган ҳеч бир аёлни кетишга мажбур қилманг

Севган инсони учун ҳар қандай курашга рози бўлган ва натижада фақатгина ўзини вайрон қилган аёлларни кўрдим.

Мен бир эркак сифатида бу хатога ҳаётимда бир марта йўл қўйдим. Мени чин дилдан севган аёлни кетишга мажбур қилдим. Уни том маънода ўзимдан кетказдим. Унинг кетиши, ҳаётда истаган энг сўнгги нарсам эди. Уни шу қадар ўзимга яқин олган эдимки... Гўё жонимнинг бир парчаси бўлиб қолганди. Сўнгра у кетди ва жоним парча-парча бўлиб тўкилди. "Ҳануз севасанми?", – дея сўрасангиз, бўғзимга нимадир қадалгандек бўлади, аммо шуни айта оламанки, кетишини асло истамасдим. Ҳеч нарсага қарамай, севган инсони учун ҳар нарсага рози бўладиган аёллар бахтга лойиқдир, видоларга эмас, аммо мен унга бахтни эмас, видони яшатдим. Етмаганига, кетишида ҳам бир сўз демадим. Бор овозим билан бақирим керак бўлган пайтда тилимни ютдим. Балки шу сабабли уни йўқотгандирман, билмадим. Уни йўқотдим, аммо унга оид ёлғизликни қўлга киритдим ва ёлғизликка унинг ўрнига кимсани қўймаслик орқали содиқ қолдим.

Анчадан кейин у аёлнинг ҳаётида бир инсон пайдо бўлганини кўрдим. Йиғламадим, чунки меники бўлмаган аёл учун кўзёш тўкишга ҳақим йўқ эди. Йиғлай олмасдим...

Мен севган аёлимнинг менга бахш этиши мумкин бўлган ҳузурни ҳеч татий олмадим. Менинг ҳуқуқларим бошқаларнинг қўлга киритгани бўлди.

Иккисининг суратини очиб, соатлаб қараган эдим, йиғлай олмагандим. Мен унинг ўрнига кимсани қўймаган бир пайтда, у менинг ўрнимга бошқасини қўйса ҳам ундан асло ғазабланмадим, чунки суратда кўзлари кулиб турарди. Бахтли эди...

Балки менинг ўрнимга танлагани уни мендан ҳам бахтлироқ қилар, аммо буни ўзимга ҳазм қилдира олмадим барибир. Ҳатто бахтли бўлсин дея дуолар қилганман. Ғазабланишим керак бўлган инсон бўлса, у эмас, ўзим эдим. Мен ўзимни ўзим тамом қилдим.

Ишқ бир қоя кабидир. Йўл қўйилган энг кичик хато инсоннинг ишқ ҳаётига нуқта қўяди. Сўнгра инсон ишққа тўйишни истайди, аммо бепоён ёлғизлик билан чекланишга мажбур бўлади.

Баъзи хатоларни тўғирлаб бўлмайди. Тўғирлаб бўлмайдиган хатоларни тузатишга уринар эканмиз, ўзимиз билмаган ҳолда ичимиздаги ҳисларни тамом қиламиз.

Чек-чегарасиз денгизнинг ўртасида қаерга боришни билмай фақатгина кемани бошқариш каби.

Бўлмайдиган нарсалар ҳақида борлигидан ортиқча ўйлаб, ўзимизга нисбатан энг катта ноҳақликни қиламиз.

Вақт ўтади ва шундай ҳолга келиб қоламизки, ичимиздагилар ҳақида сўзлашни истасак-да, сукут сақлаймиз.

Айни ҳолатларни такроран бошдан кечириш кўрқувими, ёки "айтсам ҳам тушунмайдилар" туркумидаги хавотирми, билиб бўлмайди.

Сўнгра ҳиссизлашасан, ҳаётингнинг қолган қисми мана шу тарзда яқунланишидан кўрқа бошлайсан. Кучли экансан, бошқа бир тарафдан бошдан кечирганларинг туфайли қалбингнинг иккинчи ярми ҳам тамом бўлиши толиқтиради. Ҳеч ким сени тушунмаслигини қабул қилиш ҳам азоб беради. Буни қандай ахамиятсиз колдиряпсиз, ишонинг, ҳеч англай олмайман. Ҳеч ким эшитмасин дея инсон ич-ичидан йиғлаши, кўрмасинлар дея ташқарига чиқара олмаган кўзёшлари, армон бўлган орзулари, парчаланган умидларини нега кичик кўрасиз англай олмайман. Инсоннинг умиди қолмаслиги, ўзини бундан кейин ҳатто бир инсонга ҳам ифода эта олмаслиги, қалбсиз инсонлар томонидан том маънода оёқости қилинмоқда. Мен ич-ичимга сиғмайман. Сиз буни қандай қилиб кичик "ошириб юборишга" йўясиз, бу ҳам ҳеч ақлимга сиғмайди.

Инсонни баъзан ўнлаб қўшиқлар орасида кўнгилга яқинини топа олмайдиган даражада чорасиз ҳолатга келтиради ушбу вазият. Ҳар нарсани ўз ўлчовингиз билан ўлчашга ҳаракат қиласиз. Қалбингиз севишни қачон ўрганади? Севишни ўргансангиз ҳам биз дардларимиз билан ёлғиз қолиб нигоҳимизни бир нуқтага қадаб хаёлга берилишларимизни асло билмайсиз. Биз севамиз. Сиз эса ҳар доимги каби тарк этиб кетасиз...

Йўқотмаган аёллар

Баъзи аёллар бор-йўғини бугун ёнида бўлиб, эртага балки тарк этиб кетадиган инсон учун беради. Бугун ёнида эканига алданиб, ишққа чанқоқ бўлган аёлларнинг якуни қисқа тарзда ва сочларини кестириш билан тугайди. Бир аёл белига тушиб турган сочларини кестириб ташлашига ҳайрон бўлмаслик керак. Ҳар бир севган инсон учун қалбидаги ҳисларни сақлаган аёл ишққа қандай тутина оларди? Туйғуларидеги айна ҳаяжонни ва илиқликни ўзида қандай қилиб топади? Ҳеч шубҳасиз, муҳаббатга безътибор бўлмаган аёлларнинг ақли ва қалбига ишқ тушган замон ўзини ва мантиғини йўқотганини билмайдиган инсон йўқдир.

Ким булардан ғаразли ниятда фойдаланишини ҳам.

Нега аёл ўзини севган инсонда йўқотмайди? Нега севган инсонининг сўзларида ўзини учратмайдию, китобдаги жумлалардан топади. Нега севишни билмаган инсонлар сабабли яшалиши керак бўлган ҳар бир ишқ ярим бўлиб қолади? Нега туйғулар қадрланмайди? Боғланиб қолгач, нега бир тугундек бўлиб, у тугунни еча олмагани учун сочлари билан бирга кесади? Сочлари ва тугунини эмас, умидларини

кесганда битади ишқ аёл учун. Чунки воз кечиб кетган инсонни унинг ҳаётига қайтишини истамаган аёлга янги умидлар бера олмайсиз...

Бу аёллар ташқаридан қараганда қанчалик йўқотгандек кўринмасин, ҳаётдаги ролларини йўқотмаган ҳолда яшайдилар.

Қозондим деб ўйлаган баъзи аёлларнинг олдида, йўқотмаган аёл сифатида мавжуд бўладилар. Соҳта ишқни қўлга киритиш учун уриниш ўрнига, содиқ ёлғизликка эришадилар...

Шу пайтга қадар ҳеч бир аёлнинг ўз сочларини кестиришига йўл очадиган вазиятлар менда муаммо бўлиб келмаган. Мен қилган ягона иш севган аёлимнинг сочларини кўрпа каби юзларимга ёпиш эди... Ифоридан баҳра олмоқ эди... Мана шу сабабга кўра зарар етди қалбим ва ичимдаги севгига...

Аёл Сазеннинг қўшиқларини тингласа, айта олмаган дардлари борлигидан далолатдир.

Яхши инсонлар олиб борган курашларда зафар қозонгани кўп айтилмайди. Кетаётиб сиз синдирган қалблар ортиқ севмайди деб ўйламанг, вақти келиб шундай севадиларки, ҳеч ким билмайди.

Севилган инсон қанчалик севилмасин, буни аксарият ҳолларда ҳис этмайди. Биз каби инсонларнинг қалбида эса лойиқ бўлмаган инсонларни севиш одати ҳеч битмайди...

Сени сенсиз севиш ҳам яшаш демакдир. Ва бу нақадар азобли эканини, қасам ичиб айтаманки, асло билмайсан...

Имконсиз нарсалар

Ишонган ҳар бир инсонимиз ортиқ ҳеч кимга ишонмаслигимиз кераклигини ўргатса-да, имконсиз бўлган нарсаларни амалга оширишга уринишда бизга етадигани йўқ. Умидимиз пучга чиқса-да, йўлнинг бошиданоқ бундан қайтмаймиз. Нима бўлса бўлсин, парча-парча бўлишимизни билсак ҳам ўзимизни ишонишга мажбурлаймиз. Кейинчи? Якуни қоя... Якуни дард, армон.

Севмаслигини била туриб, инсонга қанча аҳамият бериб, ўша аҳамиятнинг остида қолганмиз ва жон берганмиз. Яшаётганимизга қараманг. Биз яшаётгандек кўринамиз, холос. Севадигандек кўрсатадиган инсонларчалик омадли бўлмасак-да, кўлимиздан келгани шу. Балки уринишларимизга арзимайдиган инсонлар учун ортиқча чарчатдик ўзимизни, аммо барибир бизни синдирган инсонда ором топишни истадик. Сўнгра яна ҳиссизлашдик. Қаршимиздан севгига муносиб бўлган инсонлар чиқди, бироқ сева олмадик. Бунда биз айбдор эмасмиз. Биз аслида яхши инсонлармиз, аммо жонимизни кўп ёқдилар. Зотан бу ҳаётда мен ўрганган энг катта нарса, борлиғим билан ишонган инсонларим менга ортиқ

ҳам севмаслигим, ҳам ишонмаслигим кераклигини ўргатиши бўлди. Бошқасига қандай ишониш, қандай севиш кераклигини, ишонтириб айтаманки, билмайман. Мен ҳар сафар азобланишимни била туриб ишонишни афзал кўраман.

**Арзимайдиган инсонларга аҳамият беришда
дунё маркасизимиз...**

Катта қалблар, кичик умидлар

Ишқни қадрламаган инсонлар ишқда ғалаба қозона олмайди.

Инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳатто ишқ учун шукр айтишни унутмаслиги керак.

Шунча вақтдан бери ноҳақликларни бошдан ўтказган бўлсам ҳам менга қилинган ҳақсизликларни на бошқа кимгадир яшатдим, на қасос олиш учун ҳаракат қилдим. Мендан сўрасангиз, инсонлар мендан кимнинг интиқомини олди, кимларнинг аламини олди, ҳатто санаб бера олмайман.

Аммо мен қалбимнинг йўналишини ўзгартирмадим. Инсонларга эътибор беришдан воз кечмадим.

Ишонишни афзал кўрдим, аммо кўрсангиз, азобланган, синган, ранжиган ва воз кечиб кетилган фақатгина менман.

Энг катта таваккалларимдан бири эса қадрлаган инсонларимни ҳеч нарсага қарамай биринчи ўринга қўйишим эди.

Балки бадали оғир бўлаётгандир, аммо барибир уддалашга муваффақ бўляпман. Жонимга етарлича ўт қўймоқда. Ўз дардларимни даволамай туриб, бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга уриняпман. Бир ёним тамом бўлган, иккинчи

ёним эса инсонларнинг яраларини даволашга интилмоқда. Мени ҳеч ким тушунмайди. Зотан ўзим ҳам тушунтира оладиган даражада кучли эмасман. Орзу қилишдан чарчадим, бирор нарсага эга бўлай деб уринганларимнинг натижаси қалбимдаги ҳатто ҳаётга бўлган иштиёқнинг сўнганини кўришим билан якунланди.

Овозимиз чиққунига қадар ичимиздаги дардларни айтиб ҳайқириш ўрнига сукут сақлашни танлаймиз. Ёлғизлигимиз ва ичимизга ютганларимиз билан ўз-ўзимизга етиб ортамыз. Биз сукут сақлаётганимиз, сиз мукамалсиз дегани эмас. Сиз бизнинг сассиз ва эътиборсиз бўлишимизга арзийсиз, холос.

Чунки вақтида оғир яралар олган бир инсон сукут сақлайди. Муслим Гурсас айтганидек: "Ҳар бир инсоннинг дарди севгиси қадар...". Бизнинг ҳам дардимиз севгимиз қадар. Сизга ҳамма нарса оддийдек туйилса-да, ичимизда йиғилган ва айта олмаганларимиз шунчалик кўпки. Сўзлаб беришга уринсак, соатлаб якунланмайди.

Биз ҳам шу боис сукут сақлашни афзал кўрдик...

Мен кўпроқ сенга нисбатан гўзал сукут сақладим

Гапиришимиз керак бўлган бир пайтда энг кўп жим қолишни танладик. Бу бизнинг сўнгги сукутимиз эканини билганимда эди, сенга тинмай "сени севаман" деб айтардим. Энди ҳеч бир "сени севаман" жумласи қутқара олмайди-ган айб мендами? Йўқса ортидаги барча хотиралардан воз кечиб, ҳатто ортига қарамай кетган инсон – сендами? Муаммо эмас, мен бу сукутнинг айбдорлик ҳиссини ўз бўйнимга олдим. Бир пайтлар дудоқларингда янграган "сени севаман"ларинг менга бўлмаганини била туриб ўз бўйнимга олганим каби. Сен менда бўлмай туриб, сени бошим узра кўтарган пайтларим бор эди.

Кеч англаб етдим, қачон тугунга айлансак, сен ипларимизни боғланганимиз заҳоти кесган экансан. Бизни тарк этибсан, севгимизга зарар берибсан. Менда бўлмасанг ҳам сени севишда давом этибман... Нима ҳам дердим, бунга ишқда кўп маротаба йўл қўйибман. Сен мени бир маротаба ҳам бағрингга босмаган ҳолда мен ифорингга кўникиб қолибман.

Сўзлаш керак бўлган бир пайтда чалинган сукут қўнғироғи ҳар бир ишқнинг сўнги нафасидан далолатдир. Сукут сақлаган аёл севган инсонидан воз кечганини тахмин қилиш мушкул эмас...

Мен эркак сифатида ортиқ ранжимаслик йўлини сукут сақлаш орқали топганимда, яна сенга дуч келдим. Мен жим бўлдим, аммо сендан воз кечмадим. Сени сўрадилар, бироқ бир оғиз сўз айта олмадим.

Чорасиз эдим, билмадинг. Ваҳолангки, қила оладиган энг яхши ишинг кетиш эди. Шундай қилдинг ҳам.

"Сендан буткул воз кечдим", – деганимда жумлаларимда вергул бўлиб қиёфа очдинг. Мен эса ҳеч бир жумламнинг давомига нуқта қўймаслик учун келтира олмадим...

**"Соғинса-да, қуча олмаслик" номли бир шеър бор.
Қалбдан бошқа ҳеч бир китобда ёзилмайди...**

Унутмаётган бўлсанг – ишқдир

Инсонлар бир-бирини нақадар тез унутадилар. Биргаликда ўтказилган вақтлар, яшаб ўтилган хотиралар, томоша қилинган фильмлар, тингланган қўшиқлар, соғинч ила бағрга босишлар...

Ҳеч қандай аҳамияти йўқдек севадилар, менимча.

Шундай воз кечадиларки бир-бирларидан, на туйғулардан маъно қолади, на кўзёшларнинг кераги.

Қанча вақт ўтса ўтсин, туйғуларингни бир инсон билан баҳам кўрган бўлсанг, осонликча унута олмайсан. Зотан қаршингга чиққан ҳар бир инсонга ҳисларингни бағишлаб кета олмайсан.

Бир инсонни севишинг учун унда ўзингга оид жиҳатларни учратишинг керак бўлади. Бу баъзан бир дард, баъзан бахтдир.

Уни қучгач, ифори ўтирган кийимимни ойлар ўтса ҳам ҳатто бир маротаба ювмадим. Мен бу билан овунар эканман, инсонлар бир-бирининг туйғуларини ўйинчоқдек ўйнайди.

Яралиши мушкул бўлган орзулар армонга айланади. "Сени севаман", – дейилади, аммо воз кечиб кетилади... Неча кун ёки неча ой ўтганининг аҳамияти йўқ. Унутилади...

Мен бу манзарага гувоҳ бўлгач, инсонларга орзуларим ҳақида сўзламайдиган бўлдим. Дардимни ҳам, бахтимни ҳам ичимда сақлайман...

Қучсак ўтиб кетарди. Ишқ бизга яқин эди

Шундай дардлар борки, атиги қучиш билан ўтиб кетади. "Қучсак ўтиб кетадигандек", – дейдилар-ку, худди шундай... Дард қанчалик катта бўлса бўлсин, туйғуларингизнинг соҳиби қўлларини очиб, сизни маҳкам қучса, ҳеч биридан асар ҳам қолмайди...

Аммо бизнинг вазиятимиз бироз фарқли эди, албатта. Қучиш ўрнига бир-биримизнинг қўлларимизни шикастладик. Қучмаслик учун баҳоналар ўйлаб топдик. Ишқнинг ичидаги кўплаб нарсаларга кеч қолдик. Бунга балки мен сабабчи бўлгандирман, балки у. Зотан бу ҳам муҳим эмас.

Муҳим бўлган нарса биз кеч қолганимиз эди. Ким ҳақли ёки ноҳақ эканидан ҳам каттароқ, ҳатто яна бир бор қучсакда, яраларимизни даволай олмаслигимизнинг ҳақиқати бор эди. Ишқни яшаши керак бўлган икки инсон бир-бирига кеч қолганида иш ишдан, севги қалбдан кетди...

Ўтмишда қолсин...

Ўтмишда қолдими? Ҳеч бир фикрим йўқ. Биладиган ягона нарсам бор: афсус...

Ва бунга айбдор на сенсан, не мен. Биз айбдормиз. Сенга

бўлган севгимни, энг муҳими, ишончимни айбни ўз бўйнимга олишим ортга қайтара олса, қалбингда бутун умр қолишга розиман, аммо кетган ҳеч бир нарса қайтмаслигини билман. Кетган нарса қалб бўлса ҳам, ишонч бўлса ҳам...

Бир-биримизни севиш ўрнига нафратланиш, тутиш ўрнига итаришни, қолиш ўрнига кетишни афзал кўрдик. "Севаман" дедик, видодан нарига ўта olmadик.

"Ўтмишда қолсин", – демайман севгим, хайрлиси сен бўлишингга умид қилган ҳолда, "Хайрлиси бўлсин", – демоқдан ўзга чорам йўқ...

Қанчалик имконимиз бўлган бўлса, шу қадар имконсиз қолдик.

Жароҳатланган эдик.

Мувозанатни топа olmadик...

Қалбга яқин бўлиб сев...

Қўл узатмай, масофаларга қарамай севиш мумкин-мумкин эмаслигини сен билан яшаб ўтган лаҳзаларимиз менга тақдим этган эҳтимоллар соясида ўргандим мен. Орамиздаги миқдорий масофа рақамлар ёнма-ён тургани каби қрилиб кетди.

Ёнма-ён бўлишларига қарамай бу ярим қалбим билан ҳар сафар уларни енгиб сени топдим. Зотан ишқ фидокорлик эмасми? Ярим қалбни тўлдириш эмасми? Ёки бир бутун бўла туриб, севган сари парчаланишми?

Парча-парча бўлиб, уни севганинг сари янада парчаланаётганингни ҳис этсанг, бу ишқ эмас, дарддир. Катта дарддир.

Агар ярим қалбинг уни севганинг сари бир бутунга айланаётганини ҳис этсанг, бу ишқларнинг энг гўзалидир.

Зотан ишқ бир бутун қилиш демакдир. Ярим ҳолда ташлаб кетиш эмас.

Бариш Манчо нақадар ажойиб фикрни илгари сурган: "Ёз, дўстим, гўзал севмагани инсон дейиш мумкинми?"¹

Энди эса илк кунда "Сени севаман", – деб, иккинчи кун ташлаб кетганлар сифатида бу саволга жавоб бериб кўрингчи.

Сиз ҳақиқатдан ҳам инсонмисиз?

Гўзал севмагани "инсон", севгини ҳис эттира олмаган инсонинга эса "Севаман" деб айтилмайди...

¹ Матн ва мусиқа: Бариш Манчо, "Сариқ этикдаги Маҳмуд Оға"

Ёздим, чунки яшадим

Ёзиш учун яшамоқ, яшамоқ учун эса ёзишнинг кераги йўқ ва ёзилган ҳар нарса ҳам яшалган ҳисобланмайди.

Тилдан чиққан ҳар бир "Сени севаман" ҳам мутлақ ҳақиқат эмас. Бу жумла юракдан янграмаса, севиш ёки "севаман" дейишдан маъно қолмайди. Туйғулар йўқолдими, нима десанг ҳам у гўзал ҳислар қайтиб келмайди...

Севишимизни болалик давримиздаги ўйинларда кўриб, била туриб ғалабадан воз кечиш нақадар ажойиб эди, шундай эмасми? Инсон ўтмишига назар солганида энг гўзал нарсаларни ортда қолдирганини ҳис этиб, бўшлиққа тушиб қолгандек бўлади. Таъсирланади.

Менинг ҳам ёзмаларим сабабли ёзганларимни бошдан кечирганим ёки кечирмаганим асосий мавзуга айланиши мумкин. Мен ҳиссиётга берилувчан инсонман. Ҳар нарсадан осонликча таъсирланишим мумкин. Шу сабабли туйғуларимни баҳам кўришни ёқтираман.

Ишқни тушунадиган сен билан ҳам қалбимни баҳам кўришни истайман. Худбин инсон эмасман. Худбин инсон ҳурмат ва севгини ўзи билан баҳам кўра олмайди. Баҳам кўрса ҳам қарши тарафга бағишлай олмайди.

Шу сабабга кўра таъсирчанлик инсоннинг йўқотишларига сабабчи бўлади, буни биламан. Зотан ким ғалабага эришган эди туйғуларини намойиш этганида?

Ёзиш учун яшаш керак эмас. Ўтмишингни бир фильм тасмаси каби кўзларинг ўнгидан ўтказганигда, кино шаклланади гўё... Ва бу фильмдаги энг муҳим актёр, яъни бош ролда сенсан. Бошдан ўтказганларингни, яшашни истаганларингни, кузатувларингни ҳам йўлга чиққач ёзишинг мумкин.

Мен ҳам яшадим, ҳам яшашни истадим. Яшай олмаганларимни ёздим. Тушуниш қийин...

Жин урсин таъсирчанликни...

Қаердан қараманг, ҳаётимизга севишни билмаган, кадрламайдиганлардан бошқасини кирита олмадик. Бир қадам нарига ўта олмадик...

Зотан кетиш ҳам бизга мос келмайди.

Чунки ишқнинг китобида кетиш ёзилмаган...

Ёзилса "Сен менинг яшаган ва яшашни истаган энг гўзал кунларимсан" деб ёзилади.

"Онангга ўз онамга юзланаётгандек "она" демоқни истайман", – деб ёзилади. Бизнинг қалбимиздан кетишни истаганлар эса ўз-ўзига чуқур қазийди. Кетганнинг мотамини бир умр тутмаймиз ахир, бизнинг ҳам севгимиз битар оз-оз...

Сен уни-буни қўйиб тур, мен сенинг онангга "она" дейишни истайман. Менимча, буни ўйлаб кўришинг керак.

Сўнгра ишқнинг энг гўзал китобида

"никоҳ шартномаси" ёзилсин...

Аввалгидек бўлмаслигидан кўрқиш

Ҳеч нарса аввалгидек бўлмаслигини билиш баъзи видолардан кўпроқ азоблайди.

Аввалгидек бўлмаслигини биласан ва аввалгидек ҳис этиш учун қўлингдан келганини қиласан, аммо бари беҳуда. Турган жойингда қотиб, бир қадам нарига ўта олмайсан. Севмаслигинг керак бўлганни севиб, воз кечишинг керак бўлган инсонлардан воз кеча олмайсан.

Қўлингдан келганини қилсанг ҳам, нима бўлган тақдирда ҳам аввалгидек ҳис эта олмайсан.

"Чидайман", – деган нарсаларингга чидай олмайсан. Инсонларнинг сўзлаганлари билан эмас, ўз ичингга ютганларинг билан машғул бўласан. Инсонлар уларга боғланиб қолганингнинг бадалини оғир шаклда тўлаттираётгандир, сен эса инсонларга боғланиб қолмасликни ўрганасан. Сеники бўлган у инсон энди бошқасига оид, сен эса ҳатто икки томчи кўзёш тўка олмайсан.

Арзимас нарсани деб сени ранжитган инсоннинг кетиши ичингни тўфонга тўлдирмайди. Сукут сақлайсан, холос. Содир бўлаётган ҳодисаларни кузатиш сенга етиб ортади. Сукут сақлаганинг сари инсонлар сени кучсиз деб ўйлайди.

Аммо сен кучсиз эмассан, содир бўлаётган ҳар нарсага бир оғиз сўз демайдиган даражада кучлисан ва кучингни улар учун сарфлашни истамайсан.

Қадрлаган ва ишонган инсонларинг юзингга ёпмаган эшиги қолмайди.

Ёнингда ҳеч ким қолмайди, аммо бу сени кучли қилади.

Ичингда бош кўтарган ҳисларинг бор, биламан.

Баъзан ўтиб кетиши учун дуо қиласан,

баъзан ичингда қолишини истайсан.

Тўлиб-тошсанг ҳам тинчлантира олмаган

ўша ҳисларинг сени сен қилади, биласан.

Ва сени ўлдирмаган ҳар бир дард,

янада кучлироқ қилади.

Ҳис этасан...

Ишққа қалбинг очик бўлсин

Инсоннинг ичидаги ҳислар бор экан, қаердалигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, туйғулар тўғри бўлиши керак. Инсонлар севмаса ҳам маъноли сўзларни суиистеъмол қилиши асабларимни бузади.

Севмай туриб "севаман"ларни тилдан қўймайди. Ҳамма бир-бирига узун-узун гаплар айтади. Ҳамма бир-бирига севишини айтади. Севги ҳис эттириляптими, ҳис этиляптими, кимса билмайди. Инсонлар ишқни сўз билан ҳис этишни нақадар хуш кўрадилар. Ҳаракат талаб қиладиган масалаларда эса доим жим. Масофалар йироқ бўлса, чипта олиб севганининг ёнига боришга эринадиганлар замонамизнинг энг ошиқ инсонларидир. Айрим масофалар бизга тўсиқ эмас-дек кўринса-да, аслида баъзи ишқларнинг ажалидир.

Масофалар севгини ҳис эттириш ва ишқни яшашга тўсиқ бўлади деган эътиқодга ўзимни ҳес қачон тобе қилмадим. Масофалар инсоннинг тасаввурида кўргани қадардир. Бориб, бир чипта оласан ва масофаларни енгиб ўтасан, муаммо йўқ.

Масофаларни тўсиқ деб билган қалбга дард бошқа томондан келади.

Севмаслик учун баҳоналар изламанг. Инсоннинг ишққа бўлган туйғулари куёш кабидир. Баъзан қора булутлар куёш нурларини тўсиб, инсонларга етиб келишига қандай тўсқинлик қилса, туйғулар ҳам шундайдир аслида.

Баъзан атрофга сочган нурунга тўсқинлик қиладиган нарсалар юз бериши мумкин.

Аmmo бир ҳақиқат бор: само мовийга оиддир, мовий эса самога.

Қисқа муддатли ёғингарчиликлар туфайли инсоннинг туйғуларини ўзидан узоқлаштириши табиий ҳолатдир. Само мовийга оид бўлгани каби ишқ ҳам қалбга оиддир. "Ортиқ севмайман" деб умрингни ёлғиз ўтказа олмайсан...

Ишқ билан орангга девор қуриш ўрнига, деворларни қулатишга интил. Чунки ишқдан қочган эмас, у томонга интилган инсон муносибдир бахтга...

Ишққа қалбинг очик бўлсин. Ишқда жасур бўл.

Севмасанг, "севаман" дема.

Истамасанг, "истайман" дема.

Севсанг, буни севган аёлингнинг қалбига ҳис эттир.

Соғинмасанг, узундан узун жумлалар қурма.

Хаёлингда бошқаси бўлса, туйғулар билан ўйнама.

Алдасанг, "алдайман" деб айт.

Бирор гап айт.

Сукут сақламасанг бас...

Ишқда жасур бўлмаган бахтдан узоқ бўлади.

Аёл қай тарзда севила бошлайди?

Аёлни севиш учун аниқ бир сабаб изламаслик керак. Ҳисобласак, сон-саноғи бўлмайди. Фақатгина муҳим нуқталарда тўхталадиган бўлсак, аёл ярим қолган болалик томонидан севилишни бошлайди. Кафтларининг ичидаги чизиқларгача ёддан билган биргина инсон, яъни дадаси қолдирган яралардан севилишни бошлайди. Ёз ёки қиш эканининг фарқи йўқ, дардлари туфайли ниҳолларга ёғган ёмғирдан севилишни бошлайди.

Туйғуларини қўрқуви сабабли четга суриб қўйган ўша нозик томонидан севилишни бошлайди. Сочларидан севилишни бошлайди. Севишни истаган инсонига ишонишни истаган нуқтасидан севилишни бошлайди. Дардларидан севилишни бошлайди. Кейинроқ эса меҳридан севила бошлайди. Меҳрсиз аёлнинг гўзаллиги ҳеч бир юракда қадрга эга бўла олмайди. Севган инсони билан келажакка қаратила қурилган орзуларидан севила бошлайди. Сўнгра юрагидан севила бошлайди. Хавотир билан назар солган кўзлардан қуйилишни бошлайди. Нима бўлган тақдирда ҳам, аёл жамики ярим қолган нуқталарини бир бутун қилиб севилиши керак.

Аёл кўрқувлари ва хавотиридан севила бошлайди.

Аксарият аёллар ҳаёт қаршисида кучсиздир. Аёл кучсизлигидан севила бошлайди. Аёл, у билан суҳбат қуриш эмас, уни тушунишга интилиш орқали севила бошлайди.

Аёл севилиши мумкин бўлган шу қадар кўп нуқта бор экан, қалбини ишга сололмай буларнинг барчасини қўлдан чиқарган эркакка инсон сифатини берганларга бу ердан саломлар бўлсин.

Мен бир аёлни биринчи навбатда дадаси ярим қолдирган ердан севишни бошлайман. Чунки бу менинг ҳаётдаги энг катта дардим.

Кейинми?

Насиб бўлса бу умрни унга атаб, қалбимдаги ишқни у билан баҳам кўраман...

Аёллар само кабидир, баъзи эркаклар эса учишни билмайди

"Аёл чуқур уммон кабидир, эркак киши унда сузишни билмайди", – дейдилар, аслида эса чуқур уммон эркак кишидир. Ҳар эркак ҳам учишни билмагани каби, аёл ҳам сузишни билмайди. Ёки чарчаган бўлади. Чунки тамалини машаққат билан қўйган орзуларининг қулашига янглиш денгизларда сузишга уринганида шоҳид бўлади. Сўнгра эркак ҳам жон беради... Чуқурлиги эмас, кирлиги туфайли...

Баъзан чуқурлик ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Аёл ҳар бир эркакнинг денгизида сузавермайди. Аҳамиятли бўлган нарса – сувнинг софлиги. Баъзи аёлларнинг покиза орзулари ифлосланган сувларда ўзлари билан бирга чуқурликка кўмилган...

Баъзи ишқлар само ва денгизга ўхшайди. Бир-бирига етишиши мушкул бўлса-да, бир ҳил жиҳатларга эгадир. Аммо имконсиздир. Бир хил ранг ва бир хил жиҳатларга эга бўлганича қолиб кетаверади.

Ва гарчи инсон само учун ҳеч нарса қилмаса ҳам, само ер юзи учун йиғлайди... Денгиз ва само бир-бирига етиша олмайди, аммо бир-бирларига оиддир.

Хўш, етиша олмасликлари сабабли қайғу чекишлари керакми? Йўқса бир-бирига оид бўлгани учун севинишлари керакми? Ҳаёт бу... Қошиқ билан берганини курак билан шундай оладики, инсоннинг қўлида қаноатланиб, бахтли бўлиш имкониятидан асар ҳам қолдирмайди.

Аёл самодир,
эркакнинг эса қанотлари йўқ...



Аллоҳ гувоҳ, мен сени гўзал севдим

Ўрнингга бошқасини қўйишга уринганимда эди, ишққа хиёнат қилган бўлардим.

Менда қолдирган яраларинг ҳали-ҳамон янги экан, қалбимдаги ишқни эскиртиришга уринмадим. Яшаб ўтган яхши-ёмон онларимизнинг ҳар бири вужудимнинг ҳар ерида мих каби қоқилгандек экан, қалбимдан бошқаси жой эгаллай олмасди.

Ва мен сенга оид эканман, бу севги ила бошқасини сева олмасдим. Мени парча-парча қилсанг ҳам ичимдаги ҳислар билан яна сенга келардим. Севгингдан шубҳаланмадим. Севгингга, ҳурматингга тил теккиза олмадим зотан, аммо мени тарк этиб кетганингдан икки кун ўтиб бошқасининг қўлини тутганинг, менга ва ишққа нисбатан қилган энг катта ноҳақлигингдир. Мен ичимдаги дардларга кўзёш тўкар эканман, сен бошқасига суянаётганингни кўрдим. Айрилиқ ҳар ишққа ҳосдир, буни қабул қиламан, аммо икки кун олдин "Сени севаман" деган инсонингдан кетгач, бошқаларга тутиниш ҳеч бир китобда ёзилмайди. На севганнинг, на севилганнинг, на ейилганнинг, на ичилганнинг аҳамияти йўқ энди...

Сен бошланиши деб билган нарсаларни мен қилганимда эди, бу менинг ниҳоям бўларди.

Афсус билан айтаманки, бир хил дардларни баҳам кўриш сенга етмади. Мен ҳаётимда қарши чиқмайдиган нарсаларни сенга, ишққа, инсонларга қарши, ҳеч нарсага қарамай енгиб ўтишга жасорат этдим. Сен билан бошқа-бошқа шаҳарларда яшаш менинг айбим эмасди. Менинг қўлимда бўлганида, яшаётган шаҳримни қандай бўлса шундай олиб, сен яшаётган шаҳарнинг ёнига қўярдим. Гарчи сен яна баҳона топиб, мени севамаган бўлардинг. Сени сенизликда севишим сенга етмади. Сенга бунинг учун интилишим етмади. Сенга сени ўзидан ҳам кўпроқ севаган инсон етмади.

Аммо бир кун келиб сен ҳам англайсан, биламан. Меҳнат сарфлаган инсонингдан чорасизларча воз кечганинда англайсан. Бундан кейин ҳаётингда қандай дард бўлишидан қатъи назар, бағрим сен учун доимо очиқ. Келасан, йиғлайсан, тушунаман.

Балки ич-ичим қонга беланар. Балки чидарман. Балки яна уринарман, аммо бундан сўнг сен учун битта ҳам эшик очмасам керак. Аллоҳ гувоҳ, мен сени гўзал севадим. Роббим сени қўлласин. Мен воз кечдим. Бундан кейин сени на севаман, на йўлларимни сен томонга чиқараман.

Кучишимиз керак бўлган мавзулар йиғилиб қолди.

Бошқа жуфтлар биздан олдинда.

Сен давомсизлигинг сабабли ишқнинг синфида қолдинг.

Бахтинг очиқ бўлсин.

Ақлинг менда қолмасин, йўлларим сен томонга элтмайди...

Ишқда мантиқ изланмайди. Ишққа мантиқни яшаб ўтиладиган вазиятлар келтиради

Қалбни эгаллаш севги орқали амалга оширилади, аммо мантиқ ҳам севгининг йўлидан ўтишини унутмаслик лозим, табиийки. Ҳар бир аёл севиб қолгач мантиғидан айрилади биров. Бу ерда эркак асосий рольни ўз қўлига олади, аёл йўқотган мантиқнинг бўшлиғини ёпади, чунки аёл ишқда энг ҳаяжонли тарафни ўйнайди ва энг катта ролга эгадир. Ҳар нарса унинг дудоқларидан янграйдиган икки сўзга боғлиқдир. Аёлнинг устунликлари қанчалик кўп бўлмасин, эркакнинг ҳам ўз устун жиҳатлари бордир.

Севган аёлининг бўшлиқларини ёпиши ишқнинг энг муҳим саҳнасидир, бу эса кўпроқ эркакка ярашади. Замонамиз ишқига четдан назар солиб қарасангиз, баъзи эркаклар севган аёлининг бўшлиқларини ёпаётгани, баъзи аёллар эса номуносиб эркаклар учун сочларини супургига айлантираётганини кўрасиз.

Қалби ишққа тўла аёлнинг соч учлари синишига ҳайрон бўлманг...

Ишқ мантиқ йўли билан топилади. Қалб эмас. Режа қилмай, келажакка оид орзуларга ортиқча берилмай яшаш

лозимдир уни, чунки сен нимага эгалик қилсанг, ўша сенинг бошингга келади. Остида қоласан. Кейин эса оёққа туришинг учун кўпроқ вақт керак бўлади. Вақт эса ўтиб кетаверади. Ҳаётингдан кунлар, ҳафталар ўтади...

"Ишқнинг келиши – мантиқнинг кетиши" ролини аёл киши ўйнайди. Эркак аёлни севишини, арзимас сабабни деб унга сиртини ўгириб кетиш ўрнига, ишқидан куч олиб машаққатларга қарши туришидан, аёлнинг вазият ичига ишқнинг кириши билан кетган мантиғини, ўз мантиғи билан тўлдиролмаслигидан англашингиз мумкин.

Оддий туйғуларга аҳамият юкламанг. Исроф ҳаромдир, ҳисларингиздан афсусланманг. Севинг...

Баъзи аёллар эркакликни, баъзилари эса инсонийликни яшашни истайди.

Яъни эркакликни яшашни истаган аёллар "Сени севаман" сўзлари билан қониқиши мумкин. Инсонийликни яшашни истаган аёллар эса севган инсонининг борлигини ҳис этишни истайди. Севишини эшитмаса ҳам бўлади. Қаерда бўлишидан қатъи назар севган инсонининг борлигини ҳис этиш етарли...

Эркак бўлиш билан одам бўлишга айна нуқтаи назардан қарайдиган инсонлар мантиғидан айрилар экан, уларнинг бўйўқотишини ҳеч нарса ортга қайтара олмайди. Собит фикрли инсонларнинг туйғулари фақатгина ўзларига йўналтирилган бўлади. Сўнгра ишқ келишни истаса-да, улар томон келмайди.

Мантиқ ва ишқни бошқотирма сифатида тасаввур қилишингиз мумкин. Ҳар бир парчанинг бир-бирига эҳтиёжи

бўлган бу доирада ғурур, ҳурмат, ишонч, ҳамдардлик, севги, соғинч, эътибор, эгалик қилиш иштиёқи каби парчалар бир-бирга жамланиб, бир-бирини тўлдиради. Бу эса ишқ дейилади...

Ҳамма нарса эртақдаги каби эканига умид қилиб, бу аҳмоқона фикрга асир бўлган инсонлар эртақларга қарам бўлишда давом этадилар. Қуйидаги ҳақиқатни асло унутмаслик керак: эртақлар ҳам инсонлар томонидан ёзилади. Ижро этиш қолади. Инсонлар дангаса бўлгани учун ҳар нарсадан қочадилар. Севмай туриб "Севаман" дейдилар. Севса ҳам ҳис эттира олмайди. Ҳис эттирса ҳам дард чекишга арзитайди. Шундай экан, ишқни ёзиш ҳам, ижро этиш ҳам инсоннинг ўз қўлидадир. Иш мантиқда битади.

Ишқдан сарҳушмиз биз.

**Ишқ бўлмаса ҳам кетишларини била туриб
қалбимизнинг гўзал ҳолати ила севамиз...**

Замонамиз ишқлари ва дардлари

Севги тушунчаси нотўғри талқин қилиниши, инсонларнинг манфаатини йўққа чиқариш учун сохта "севгилим" таснифига тобе эканлари сабабли ҳақиқий ишққа эришишнинг имкони бўлмай қолган. Ёки изланган ишқ шу онда бошқаси ила дийдорлашаётган бўлади. "Истасангиз қолиб кутинг, истасангиз кетаверинг", – дегандек...

Атрофингиздаги инсонларга назар солиб қарасангиз, таъсирчанлик ва ёлғизлик психологияси сизни вақти-вақти билан безовта қилади. "Нега ҳаётимда ҳеч ким йўқ?" – дея сўроқлайсиз. Шундай қатъият билан ишқда ҳар фурсатни маъноли қилишни истайсиз. Сўнгра орзуларингизнинг чилпарчин бўлган синиқларини тозалаётганингизни пайқайсиз. Шунини унутманг, ишқда ҳар фурсатни маъноли қилиб бўлмайди.

Зотан баъзи фурсатлардан қочиб бўлмайди, аммо бу нарса ишқ учун асосли эмас. Баъзан туйғуларинг ва қалбингга тўсқинлик қилишинг керак, чунки умид қилишни бошлаганингда, умидларинг сени доим ранжитишини пайқайсан. Умидлар инсонни парча-парча қилишини била-

сан, аммо ҳар фурсатда бунинг бадалини ўзингга тўлатишингга ҳожат йўқ. Кузатувчан бўлишинг керак.

Қалбингга ва ҳисларингга муносиб бўлган инсонни севишга ҳаракат қилишинг керак. Ошиқ кўзи билан эмас, севганинг кўзи билан назар солиш учун синчковликни бировишга солишинг керак бўлади.

Масалан, яхши билишинг керак, аммо чойга неча қошиқ шакар солиши, фойдаланадиган атирининг номи, энг севимли ранги, энг севимли таомини билишга уриниш орқали эмас. Тўғри, буларнинг ҳам аҳамиятли жиҳати бор, аммо биринчиликда туйғу ва қалбларнинг уйғунлигидир.

Зеро меҳрсиз инсонни сева олмайсан. Туйғуларинг унга мос келадими? Унинг ифोरини ҳидлаганингда қалбингга ҳаяжонни ҳис этасанми? Унинг ёнида экансан, вақт сув каби оқиб кетганини ҳаттоки пайқамайдиган даражадаги вазиятга ҳеч қандай тайёргарликсиз тушиб қоласанми? Шу тарзда танишинг керак. Инсон чойга неча қошиқ шакар солиб ичишини билсанг, уни танийсан дегани эмас.

Ишониш учун юқорида сизга етарлича сабаблар келтирдим. Зотан замонамиз муносабатларининг ҳеч қандай маҳсулотдан фарқи қолмаган.

Қўлланма муддати ишлаб чиқариш муддати билан бир хил вақтда ўз ниҳоясига етмоқда...

Ишқда чеклов ва рашк масаласи

Ҳар ишқда буикки содда тушунчани меъёрда қўлласангиз, муаммоларга дуч келавермайсиз, аммо ортиқчаси ёмондир. Қизлар, сизга нисбатан уй ҳайвонига қилгандек муомалада бўлишларига изн берманг. Шахсан мен, синглим бирор жойга боришни истаса, уйга қамаб қўймайман, аммо борадиган жойига ўзим олиб бораман ва ўзим олиб келаман. Чунки у менинг синглим.

Ҳақиқатдан севадиган эркак аёлга нисбатан босимини тахминий тарзда мувозанатда ушлаши керак. Хаддан ортиқ босим аёлни саросимага солади, чунки аёлларнинг ўз ҳақиқатлари бордир. Бу ҳақиқатларни янглишга буриш ўрнига, уларга ҳамроҳ бўлиш керак.

Сизни кўча бўйи йиғлатган эркакни асло кечира кўрманг. Сени шу тарзда яралаган инсон, кейинги сафарда сени ўлдириши мумкин.

Натижа сенга тегишли бўлади. Яъни кўча бўйи чорасизларча кўзёш тўкишингга сабаб бўлган инсонни асло авф этма. Қалбингга сўзингни ўтказ. Биласан, баъзан кўзёш етмайди дардни ифодалаш учун...

Кўзёшларинг дардларни эмас, юзингда очилган мойчечаклар бахтини таъриф этишини тилайман.

Соғлик бўлсин

Бу ярим қалбим ила қалби мендан тўлароқ инсонларни бир бутун қилишга кўп интилдим. На инсонларнинг кўнглини олишга муваффақ бўлдим, на интилишларим қадрланди. Хом сут ичган мавжудотларга хушомадни кутиш аҳмоқлик бўларди зотан. Ўз юзимда табассумларимнинг жаноза намозини ўқиганимга қарамай, бошқаларнинг юзига табассум югуртириш учун ўз табассумларимдан воз кечдим, аммо қилган фидокорликларимни кўра олмайдиган даражада кўр бўлган инсонларга уринишларимни кўрсатиш менинг кўрлигим бўлди. Майли, нима ҳам дердим. Шундай армоним бор экан, бошқаларнинг кўнглини тўлдиришга уринганим ҳам менинг кўрлигим бўлсин. Шунча вақтдан бери бутун "мен"лигимдан воз кечиб қаршимдаги инсонларга фидокорлик қилдим. Буларга жавобан бошимга келган шунча азобга муносибмидим? Қўлингизни виждонингизга қўйинг, муносиб бўлсам гар, розиман.

Инсонлар ўзида бошқалар камчилик деб билган нарсалар учун ҳам ўзимни четга сурган эдим. Шунга қарамай, икки қадам ташлай олмайдиган ҳолга келган бўлсам ҳам, яна нимадирлар учун шошдим, аммо тезда чарчадим. Қилинган яхшилик тилга чиқарилмайди, аммо мени шундай ҳолга келтирдиларки, на қалбимдаги севгини яшира олдим, на

қилган яхшиликларимни ичимга кўма олдим. Чунки ҳар сукут сақлаганимда ичимга ботди.

Ҳайқириқлардан бўғилиш ўрнига, мен қалбим ярим ҳолда яна инсонларнинг қалбини тўлдиришга уриндим. Кўнглини тўлдиришга интилган инсонларимнинг ҳар бири менда чуқур жароҳатлар қолдирди. Қалбим янада парчalandи... Ичим бетартибликка тўла бўлгани ва ҳатто қалбим ярим бўла туриб инсонлар учун қилган ҳаракатларимни сезганларида мени янада кўпроқ парчаладилар. Майли, жонлари омон бўлсин.

**Уларнинг айби яхшиликни билмаслик,
бизнинг айбимиз эса қилганларимизни тилга чиқариш
бўлсин. Ишқ бўлмади, аммо ҳеч бўлмаса соғлик бўлсин.**

Ишқ ушоқлари қалбни тўйдирмайди

Балки менинг ҳақиқатларим сенинг эҳтимолларингни буза олмас. Балки сени сенсиз севишим сени асло қизиқтирмас. Балки эътибор марказингда мен эмасдирман. Балки дунё ишқнинг атрофида сен истагандек айланмаётгандир. Балки туйғуларингни аввалги каби қадрламаётгандирсан. Балки ҳатто севишни ҳам истамассан. Балкилар кўп. Уларни четга суриб қўй. Сендан кечдим, майли ўзимдан ҳам кечдим, ишққа бир имкон бер. Ейишимиз керак бўлган таомлар, ичишимиз керак бўлган ичимликлар бор. Менинг энг катта орзуим сен билан бир ресторанда бир хил таомлар тановул қилиб, бир хил ичимликларни ичишдир. Ишонтириб айтаманки, бундан ортиқ эмас. Ишққа лойиқ бўлмаган шунча инсон ишқ ичида экан, мен эса фақатгина сен билан бир хил таомларни истеъмол қилиш умиди билан чекланыпман. Масала сенга келиб тақалганида, доим энг оз нарса билан қаноатландим. Исминг кечди, қорнимни ишқ ушоқлари билан тўйдирдим.

Чунки севги баъзан ҳатто кўлингда бўлмаган нарсалар билан қаноатланишингга мажбур қилади ва сен бу сценарийни ёлғиз ўзинг ўйнашингга тўғри келади. Ҳар нарсани,

ҳар кимни бир четга суриб қўй. Бу кеча ҳар нарсани унут, сочларингни юзимга сур. Қалбимнинг оғриқлари тинсин. Мен эса бориб, икки финжон қаҳва дамлайин. Сен шакари оз қаҳвани севасан. Бирга ичайлик.

Жамики севган нарсаларинг рўйхати хотирамда сақланган. Қайси таомни хуш кўришинг, қайси қўшиқни кўп эшитишинг, қаҳвани қандай ичишинг, кўп сурадиган тирноқ бўёғинг ранги...

Ниманики севсанг, барчасига ҳокимман. Сен билмасанг ҳам бўлаверади. Сен, мен буларни билишимни бил. Мен сени билади деб ҳисоблайман. Бу ҳам қаноатланишнинг бир туридир...

Ишонтириб айтаманки, сени бағримга босгач, ичимдаги барча оғриқларга сенинг шампунь ифори келиб турган ўша сочларинг малҳам бўлади. Уларни юзимга сур, ичимдаги оғриқларни ўлимсиз дея эълон қил.

Илтимос, ҳеч бўлмаса шуларни бил...

Етарли...

Шукрлар бўлсин

Эркак "Сени севаман" дейди, одам эса севган инсонининг тузли қаҳвасини ичади. Биз каби севган одамлар севган аёлининг тузли қаҳвасин ичишни истаганча йўлида ёлғиз давом этади, аммо қалбимиз доим Яратганга таваккал қилишини кимса билмайди...

Бугунга қадар бирор инсонга нисбатан ҳеч қандай туйғуларим бўлмас унинг қаршисига чиқиб, умид бериб, ярим йўлда ташлаб кетмадим. Ҳеч кимнинг туйғулари билан ўйнамадим. Орзуларини синдирмадим. Инсонлар ҳақиқий ҳаётдан кўра орзу дунёсига яқинроқдир, чунки у ердаги ҳамма нарса бир мукамал. Яъни инсоннинг амалга ошириш ёки яшашни истаган орзуси ҳаётдаги ягона тасаллиси бўлиши мумкин. Буни армонга айлантирмаслик учунгина ўзимни бир неча маротаба парча-парча қилдим, аммо муҳим эмас, кўникиб қолдим...

Улар кетса ҳам мен доим қолдим. "Етиб бораман" деб ўйлаган соҳилларим томон чиққан йўлимда чўкавердим.

Ҳеч ким мукамал эмас, албатта. Бу дунёда ҳеч нарса мукамал эмас экан, инсонлар мукамалликни излашлари ва мукамалдек муносабатда бўлишлари кулгилidir. Му-

каммал эмасман. Қаерда ноҳақ дардлар бўлишидан қатъи назар, бош ролда менман...

Балки мукаммал эмасдирман, аммо керагидан ортиқ севаман...

Шукрлар бўлсин, севмай туриб "Севаман" демадик.

Шукрлар бўлсин, умид бериб ярим йўлда ташлаб кетмадик.

Шукрлар бўлсин, кетган тараф бўлмадик.

Шукрлар бўлсин, инсонларнинг туйғулари билан ўйнамадик.

Шукрлар бўлсин, орзуларини армон қилмадик.

Шукрлар бўлсин, дуоибад қилинмадик.

Буларнинг ҳеч бирини яшаб ўтмаганимни сўроқлайдиганлар топилар балки. Менга тегмаганга мен тегинмадим, жонимни ёқмаганларнинг жонини ёқмадим, аммо энди жонимни ёққанларни ҳам кўрмасликка олиб келяпман. Чунки шу қадар ҳиссизлашдимки, жонимнинг ёнганини ҳам ҳис этмаяпман.

Бош учимга қўядиган даражада қадрлаган инсонларнинг кетишини кузатяпман холос.

Аммо барибир шукурлар бўлсин...

Қалби чил-парчин бўлган аёл қандай қилиб аввалгидек севиши мумкин?

Ёлғонни жинсиятга қараб ажратиш ўрнига, ичимиздаги туйғуларни бағишлашимиз мумкин бўлган инсонни ҳаётимизга киритар эканмиз, эҳтиёткорроқ ва эътиборлироқ бўлишга ҳаракат қилишимиз даркор. Гарчи қанча ҳаракат қилсанг қил ишққа алданишнинг бадали алданиш бўлади...

Истасанг, ҳаётингда ҳеч ким учун қилмаган фидокорликларингни у инсон учун қил, ҳеч қачон уринмаганингчалик уриниб кўр, қаршингдаги инсоннинг табиатида бирор муаммо бўлса сен нима ҳам қила олардинг?

Мен сенга сен қила оладиган ишни айтаман: ўзингдан ғазабланасан...

Қила оладиган ягона ишинг шудир. "Мен бу инсонни қандай севдим", – деган гапдан бошқа жумла тилингдан чиқмайди. Чиқса сўзларингга зиён бўлади. Бир инсон ўзига: "Мен шу инсонни севдимми?", – дея савол берса, ўша инсоннинг чуқур дардлари ва пушаймонликлари бордир.

Ўзингдан ғазабланишингга арзийдиган нарса йўқ. Дунёларни олдингга олсанг ҳам, эшакка олтин эгар берсанг ҳам,

эшак барибир эшакдир. Бир инсоннинг ичида ва ниятида орсизлик бўлса, сен ҳаётингда қилмаган ҳаракатингни учун қилсанг ҳам сени пушаймон қилиб сурбетлигини кўрсатади...

Новвойхонада ишлаб топган икки тийин билан мактаб сарф-харажатларимни қоплаётганимга шукр этиб юрган кунларимнинг бирида соат кечаси 2:30 атрофида ишдан чиқдим. Талаба эдим, кундуз пайти ўқир, оқшом ишлар эдим. Ҳаёт шартларидан қочиб бўлмаслиги ўзингизга маълум. Юзимизга тинимсиз кулгани учун биз ўз табассумимиз билан қаноатланишга уриниб, яхши-ёмон вазиятларда ҳам ўз оёқларимизда тура оламиз.

Кўча бўм-бўш. Машиналарнинг ёниб ўчаётган фаралари ва пиёдалар йўлагида ўтириб олиб, йиғлаётган йигирма-йигирма беш ёшдаги аёлдан бошқа ҳеч ким йўқ. Туннинг энг кеч соатлари эди, йиғлаётгани сабабли муаммосини ҳал қила оларман деган мақсадда ёнига яқинлашдим. Киприкларидан оқаётган қора бўёғи юзига бўялаган ҳолда ҳўнграб-ҳўнграб йиғларди. Аёлни танимас эдим, аммо уни ўша онда бу ҳолда кўргач, юрагим эзилди.

Ёнига яқинлашиб, "Яхшимисиз?", – дея сўраганимда менга берган жавоби қуйидагича эди: "Ҳаммангиз илк бошидан шундай келасиз, якуни эса маълум". Мен нима бўлганини тушуна олмадим табиийки, у менга ҳамма нарсани сўзлаб берди.

Уч йиллик муносабатларидан сўнг севгилиси энг яқин дугонаси билан бирга эканини билиб қолибди. Тушунганингиз-

дек, алданган. Яъни, у ҳам мен каби. Ҳатто дадасига бермаган севгини унга бағишлаганини, ҳаётида ҳеч ким учун қилмаган ҳаракатини у учун қилганини, одатда ишққа ишонмаслиги, аммо ҳамма нарсанинг борлигига уни севгач ишоганини сўзлаб берди менга. Не кўз билан кўрмайлик, шу қадар севган аёллар доим мана шундай армонлар остида қоладилар. Мен бу аёлдан "Сен бошдан кечирганларингни мен ҳам бошдан кечирдим, дардларимга ҳамроҳ бўлиб, мени сева оласанми?", – дея сўрасам бунга ҳатто яқинлашишга ҳам қўрққан бўларди.

Ишқни англамайдиган бир тийинга қиммат одам сабабчи. Кечанинг бу соатида, бу жойда, бу қадар чорасизларча йиғлаган аёлнинг дардини ҳеч бир жумла ифодалай олмайди.

Уни бу ҳолга келтирган инсон пинагини ҳам бузмаган бир пайтда, бу аёлни танимасам ҳам бу ҳолда кўриб қалбим оғриди.

Яъни, демоқчи бўлганим шуки, нимани қилмаган бўлсангиз – шу ҳолича қолаверсин. Севган инсонингизнинг соҳилига етишга кемангиз муносиб бўлмаса, воз кечинг, чўкса чўкаверсин...

Севган инсони учун ҳар қандай машаққатга қарши туриб курашган аёлларни такроран севишга қўрқадиган ҳолга келтирдингиз. Бунда одамийлик қани энди?